



И.С.ХОТАМОВ
А.А.ЯДГАРОВ
М.К.ОЛИМОВ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ

МОНОГРАФИЯ

ТОШКЕНТ – 2020


558
X 48 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**И.С. ХОТАМОВ, А.А. ЯДГАРОВ,
М.К. ОЛИМОВ**

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ



Тошкент – 2020

УЎК: 685 (575.1)

КБК: 65.30

И.С.Хотамов, А.А.Ядгаров, М.К.Олимов Саноат корхоналарини барқарор ривожлантириш ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари. Монография – Тошкент давлат иқтисодиёт университети. – Т: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020 й. - 180 б.

Монография “Саноат корхоналарини барқарор ривожлантириш ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари” деб номланган бўлиб унда саноат корхоналари иқтисодий фаолигини оширишининг ташкилий-иқтисодий механизмлари, саноат корхоналари фаолиятини ривожлантиришининг ҳудуёйи мухаммолари, эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари möжияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикасида кичик саноат зоналарининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш кўрсатчилари таълими, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириши ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиши, саноат корхоналарида иқтисодий хавфсизлик тушунчаси, унинг möжияти ва кўринишлари ҳамда Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашинг индикатив кўрсатчиларини ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Ушбу монография саноат корхоналарида фаолият юритаётган муттассадидар ҳамда саноат корхоналари ва иқтисодий хавфсизлик фаолиятига қазикучиларнинг билим ва кўнижмаларини ривожланишида ўзининг ижобий самарасини беради.

Ушбу монография ФЗ-2019081471-сонли “Иқтисодий хавфсизликни баҳоловчи индикаторларнинг чегаравий миқдорини ва уларнинг дастурий таъминотини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Маъсул муҳаррир:
и.ф.д., проф. Б.Т. Салимов

Тақризчилар:

- С. Умаров - ТИҚҲМИИ “Агроиқтисодиёт” кафедраси профессори и.ф.д.,
Я. Алиев - ТДИУ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор.

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2020 йил 28 ноябрдаги 3-сонли қарорига асосан нашр этилди.

ISBN 978-9943-5575-1-2

© И.С. Хотамов, А.А. Ядгаров, М.К. Олимов
© “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	5
1-боб. Саноат корхоналари иқтисодий фаолиги ва уни ошириш механизмлари.....	6
1.1. Саноат корхоналари иқтисодий фаолигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмлари.....	6
1.2. Саноат корхоналари фаолиятини ривожлантиришининг худудий муаммолари.....	17
1.3. Саноат корхоналари иқтисодий фаолиги ва худудий ракобатбардошликни ошириш йўналишлари.....	21
2-боб. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар, технопарк ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари.....	28
2.1. Эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари мөхияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	28
2.2. Ўзбекистон Республикасида кичик саноат зоналарининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.....	34
2.3. Тошкент шаҳрида технопаркларни яратиш шарт-шароитлари ва омиллари, истиқболли ривожлантириш йўллари.....	40
3-боб. Саноат корхоналарида фойда кўрсаткичларини таҳлил килиш ва унинг ҳажмини ошириш имкониятлари.....	52
3.1. Саноат корхоналарида фойда кўрсаткичларини шакллантириш мезонлари ва тамойиллари.....	52
3.2. Саноат корхоналарида соф фойда кўрсаткичларини таҳлил килишнинг услубий асослари.....	62
3.3. Саноат корхоналарини ривожлантириш максади ҳамда фойда ҳажмининг оширилиши.....	68
4-боб. Саноат корхоналарида маҳсулот таннархини камайтириш яосида рақобатбардошликни ошириш.....	71
4.1. Саноат корхоналари ракобатбардошлигини таъминлашда ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришининг назарий ва услубий асослари.....	71
4.2. Саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	86
4.3. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш орқали таннархни пасайтириш йўллари.....	94

5-боб.	Саноат корхоналари иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.....	102
5.1.	Саноат корхоналарida иқтисодий хавфсизлик тушунчаси, унинг моҳияти ва кўринишлари.....	102
5.2.	Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг индикатив кўрсаткичлари.....	126
5.3.	Саноат корхоналарини барқарор иқтисодий ўсилга эришиш йўлида иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.....	132
6-боб.	Саноат корхоналари фаолиятини диверсификациялаш орқали маҳсулот экспортини ошириш.....	144
6.1.	Саноат корхоналарida ишлаб чиқаришни диверсификациялаш тушунчаси, моҳияти ва иқтисодий аҳамияти.....	144
6.2.	Саноат корхоналарida ишлаб чиқаришни диверсификациялашни амалга ошириш механизми ва усуllibari.....	150
6.3.	Мамлакатимиз саноат корхоналарнинг экспорт фаолияти кўрсаткичлари таҳдили.....	156
6.4.	Саноат корхоналари фаолиятини диверсификациялаш асосида экспорт салоҳиятини ривожлантириш йўналишлари.....	162
ХУЛОСА.....		175
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	177

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти М.Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши жорий йилда 35 фоиздан 37 фоизга ортиши кутилмоқда. Бироқ айрим шаҳар ва туманларда бу ўта муҳим масалага етарлича эътибор берилмаяпти. Оқибатда, республиканинг 27 та туманида саноатнинг улуши вилоят кўрсаткичининг 1 фоизига ҳам етмайди. Шу сабабли, ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш керак. Бу масалани, аввало, Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар раҳбарлари алоҳида назоратга олиши керак”¹.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг дикқат марказида турган энг муҳим устувор вазифалардан бири – миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чукурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш саналади.

Шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштириш” га алоҳида эътибор берилган. Жумладан, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Иқтисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, “яширин иқтисодиёт”дан тўлиқ халос бўла олмаймиз.¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи. 25 январь, 2020 йил.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.

1-БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

1.1. Саноат корхоналари иқтисодий фаолигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми

Етакчи тармоқлардан ҳисобланган саноат тармоги мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган тармоқлардан биридир. Ушбу саноат тармогини янада ривожлантиришнинг имкониятлари кенглигини зътиборга олиб, тармоқнинг самарадорлигини янада ошириш, халқаро бозорларга мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат брендини бутун дунёга танитиш долгарб масалалардан ҳисобланади.

Иқтисодий тараққиётга эришишнинг янги сифат босқичига ўтиш юзасидан иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизациялаш бўйича белгиланган устувор йўналишларни амалга оширилиб бориши натижасида мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда «...йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозим»².

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг етакчи локомативи деб эътироф этилаётган саноат корхоналарининг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётгани жобий ўзгаришлардан далолат беради.

2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида асосий эътибор юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чукур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://zax.jam.uz/25-01-2020>.

Ўтказиши орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган³.

Албатта мазкур соҳада кўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, бугун унга тўсиқ бўлаётган ва унинг ривожланишига халақит берастган муаммоларни яна бир бор батафсил, чуқур таҳлил қилиш ҳамда қилингган таҳлиллар асосида аниқ, стратегик қарорлар қабул қилиш заруриятини туғдирмокда.

Саноат тармоғини ривожланишига қаратилган барча чора-тадбирлар корхоналарнинг иқтисодий фаолигини ошишига, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда. Саноат корхоналарининг тадбиркорлик фаолияти янада самарали ташкил этиши ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлиқ даражасини аниқлаш, рақобатбардошлиқ омиллари таъсирчанлик даражасини ўрганиш, корхоналарга муносаб баҳо бериш, йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни аниқлаш ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади.

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат қуроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади. Унда машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликларини қазиб олиш амалга оширилади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади ҳамда кенг истеъмол моллари тайёрланади.

Саноат миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари билан таъминлайди. Миллий иқтисодиёт, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожи саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг тарихий роли бекиёсdir. Шу сабабли унинг ривожи ва самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, давлатнинг мавқеи шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради.

³ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-1947-сон, <https://lex.uz/docs/3107036>

Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожи туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билим ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади.

Меҳнатни ижтимоий ташкил қилишнинг энг олий тури, концентрациянинг юқори даражаси ва шу асосда ижтимоий ишлаб чиқаришни уюштиришнинг илғор усуслари, ихтинослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш, кўплаб ишлаб чиқариш ва узлуксиз поток тизими ёрдами билан ташкил этиш саноат соҳасида ҳукмронлик қиласи.

Фақат йирик машина индустрясигина фан ва техниканинг барча ютуқларини ўзида тўплаб, мужассамлаштириб, меҳнатни техника билан қуроллантириши ва унинг унумдорлигини юқори даражага кўтариши мумкин.

Саноат учун узлуксиз фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш илм-фан ютуқлари билан қуролланишининг ўсиши характерлидир. Унда электр-лаштириш ва электронизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда химиялаштириш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади ва уларнинг ютуқларини тинчлик мақсадида қўлланилади.

Саноат, айниқса унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг қалитидир. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта куришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақилликнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 13 фоизи саноат ишлаб чиқариш ҳиссасига тўғри келади. Шуни таъкидлаш керакки, келажакда республика саноатининг жадал суръатлар билан таъминланиши янада яхшиланиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши, яъни бандлик даражаси анчагина юксалади. Жамиятнинг етакчи, бунёдкор, кудратли кучи бўлган кадр (ходим)ларнинг анчагина қисми саноатда хизмат қиласи. Бу тармоқнинг янада улкан ривожи саноат кадрлари

сонининг ошишига ва уларнинг жамиятдаги мавқенини кўтаришга олиб келади.

Ўзбекистон иктисодиётининг кўрсаткичлари ижобий бўлишининг энг муҳим сабаблари – бу мавжуд саноат тармоқларининг керакли ҳажмда сақлаб қолиб, янги тармоқларни яратиш стратегияси бўлди. Мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ Ўзбекистон ҳукумати учун реал секторни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамизнинг ўз-ўзини ёқилғи-энергетика маҳсулотлари билан таъминлаш сиёсати (нефт ва нефт маҳсулотлари ҳамда газ ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши), қўшимча қиймат яратувчи (машинасозлик, ёғоч ва ёғочни қайта ишлаш) соҳаларининг интенсив ривожланиши билан биргаликда олиб борилди. Шу билан бирга, курилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноатларининг ривожи ҳам қайд этилди.

Умуман олганда, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш таркибида оғир саноат (ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия) саломгининг ошиши енгил саноат улуши ҳисобига бўлмокда. Натижада, мустақил иктисадга хос бўлган даражага яқинлашиш юз бермоқда ва собиқ иттифоқ мамлакатларида қайта ихтисослашувдан пайдо бўлаётган етишмовчилик ва тобеликнинг олдини олиш таъминланмоқда.


Саноатдаги ушбу таркибий ўзгаришлар қуйидаги йўналишларни босқичма-босқич амалга оширишни талаб этади:

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали чинакам мулкдорлар синфини янада кўпайтириш;
- кичик ва ўрта корхоналар улушкини ошириш орқали мажмууда рақобат муҳитини шакллантириш, мавжуд монопол корхоналар сонини имкон қадар тутатиш;
- аввалдан шаклланган, хомашё етказиб беришга ихтисослашган тармоқлардан воз кечиш, уларнинг ўрнида тайёр маҳсулот тайёрловчи қувватларни барпо етиш;

- моддий (ер, капитал) ва шахсий инсоний (мехнат, тадбиркорлик) ресурслардан самарали фойдаланиш, шу орқали ишлаб чиқаришни инновацион йўл билан ривожлантириш;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар эркин фаолият юритиши учун давлат томонидан ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам ҳуқуқий кафолатлар бериш;
- хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган саноат корхоналарига маълум давр давомида олдинги фаолиятини сақлаб қолиш талабидан воз кечиш. Бу эса ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибини тубдан ўзгартириш, талаб ва эҳтиёж катта бўлган, импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун янги имкониятлар яратади;
- жаҳон бозорига Ўзбекистон саноат маҳсулотлари кириб бориши учун замонавий хорижий фирмалар тажрибаси ва техника-технологияларини мамлакат саноатига жорий этиш, бунинг учун қулагай инвестицион муҳит яратиш;
- мавжуд ишлаб чиқариш тажрибалари, малакали кадрлар салоҳияти ва барча интеллектуал мулкни босқичма-босқич ривожлантириш;
- шакллананаётган бозор иқтисодиёти шароитида қўйилган мақсадларни мувафақиятли амалга оширишга йўналтирилган қарорларни иш фаолиятига изчил татбиқ этувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун молиявий қўллаб-куватлаш манбалари томонидан имтиёзлар яратиш, молиявий маблағларни мақсадли йўналишларга жалб этиш.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида саноат тармоқлари корхоналарини янада ривожлантиришда маълумотлар ҳажми ва оқимининг аҳамиятли даражада ортиши қарорлар қабул қилишни қисқа муддатларда тез ва асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Бу эса замонавий менежер учун қўп вариантликни ҳисобига иқтисодий ривожланишнинг мураккаблашуви билан самарали тадбиркорлик фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган унсурларни қидириш, тақсимлаш, жамлаш жараёнларида фаол иштирок этишини

зарурлигини күрсатади.



1-расм. Саноат корхоналари рақобатбардошликни таъминлаш омиллари⁴

Ривожлантириш ва ташкилотчиликнинг янги бозор институтлари бозор иқтисодиётининг институционал асосларини белгилайди ҳамда муносабатларга мос равишдаги институцион шакл беради.

Саноат корхоналари иқтисодий фәоллигини оширишда институционал мұхит ҳолатининг тақъили міллій манфаатлар ва корхоналар манфаатлари билан тенглаштирилувчи, мақсадлар номувофиқлигіда акс этувчи макроіқтисодиёт ва микроіқтисодиёт ўртасидаги тизимли қарама-қаршиликлар гурухи мавжудлигини күрсатып берди. Күрсатып ўтилған қарама-қаршиликларнинг ҳал этилиши, биринчі нағылданда иқтисодиёттің тизимли хусусияти бўлган – институционалликдан фойдаланилмасдан туриб амалга оширилиб бўлмайди.

Бунинг учун куйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- мамлакатимиз иқтисодиёти учун саноат корхоналарининг улуши бекієс ақамиятга эга, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим;
- саноат корхоналари фәолиятини ривожлантириш механизми уни фәолият юритиш мақсадини, шаклини, усусларини, воситаларини

⁴ Мұаллифлар ишланмасы.

ва алоқа таъминотини ўзида жамлаган бир бутун тизим бўлиши лозим;

- ривожлантириш механизми таркибини бизнес мақсадларига эришишда ўзаро ҳарақатдаги функционал тизимостилар ва ривожлантириш воситалари йигиндиси сифатида шакллантириш лозим;

- ривожлантириш фаолиятини ташкил этишнинг бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига мослигини таъминлаш лозим.

Бундан ташқари бозор иқтисодиёти шароитида ривожлантириш механизмининг барча элементлари ва воситалари бир-бирига мувофиқ амал қилмоги лозим.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча тармоқларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида, аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни кўллаш амалиёти ва илгор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қўйидагиларни назарда тутадиган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.

Жумладан, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш:

-хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар ҳалқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» тамойилни амалга ошириш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш

учун қулай ишбилиармонлик мұхитини яратиши, тадбиркорлик түзилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қылувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатый олдини олиш;

-давлат мулкini хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шартшароитлар яратиши;

-тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

-мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солища давлат иштирокини камайтириш, давлат ривожлантириши тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи ривожлантириш органларининг ролини ошириш шулар жумласидандир.

Таркибий ўзгаришлар сиёсатининг моҳияти соҳаларнинг тузилмавий жиҳатларини белгилаб бериш, йўлга солиб туришдан иборатдир. Мустақилликнинг ўтган даврида мўлжалланган иқтисодий сиёсатнинг йўналиши ва хусусиятлари доирасида белгиланган миллий иқтисод таркибида прогрессив ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқлараро ва тармоқ ички пропорцияларини такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқларни устувор ривожлантиришни давом еттириш вазифаси мұхим аҳамиятга моликдир.

Давлат стратегиясига мувофиқ ижтимоий ишлаб чиқариш ва жумладан, саноат таркибий ўзгаришларни режали тарзда такомиллаштириш кўз илғайдиган истиқболда:

- миллий иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоғи бўлган саноатни баланслаштирилган тарзда ва изчил ривожлантириш;

- иқтисодиётни, хусусан, саноатни асосан интенсив ривожлантириш йўлига ўtkазиш, унинг самарадорлигини ошириш, моддий меҳнат ва молиявий ресурсларни истеъмол қилишини рационаллаштиришни, уларни ҳар томонлама тежаш;
- иқтисодиётнинг, жумладан, саноатнинг ижтимоий йўналишини янада кучайтириш, миллий иқтисоднинг аҳоли фаравонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган хилма хил вазифалар томон янада чукурроқ бурилишини таъминлаш лозим.

Бир бутун қисмларнинг муайян ўзаро алоқаси, бир бирига нисбатан жойлашуви бўлган таркибий ўзгаришларнинг аҳволини пропорциялар (мутаносибликлар) жуда ҳам аниқ ва конкрет тарзда ифодалайди. Иқтисодий жараёнларнинг моҳиятини чукур билиб олиш ва уларни режалар, прогнозлар ва лойиҳаларда татбиқ этиш, ижтимоий ва шахсий истеъмолни, фан-техника тараққиётининг, миллий иқтисоднинг тегишли ишлаб чиқаришлари ва тармоқлари ривожи истиқболларини синчковлик билан ҳисобга олиш, режаларни зарур резервлар билан мустаҳкамлаш – ана шуларнинг ҳаммаси режалаштириш технологиясининг энг муҳим таркибий, тузилмавий қисмлари бўлиб, уларга катъий риоя қилиш вазифаларининг пропорционаллиги, баланслаштирилганлиги, реаллиги, қўйилган мақсадларга эришишдаги ишончлилиги, таъсирчанлигининг шартидир.

Ўзбекистон давлатининг иқтисодий стратегиясида миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришларсини такомиллаштириш, унинг тармоқларини ривожлантириш юзасидан муҳим топшириклар ҳамда бу тармоқларнинг мэрралари батафсил белгилаб берилган. Такрор ишлаб чиқаришнинг ҳозирги шароитларида иқтисодий ўсиш иқтисодиёт кўламининг ўсиши билангина эмас, балки истеъмолда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам таркибий ўзгаришларвий силжишлар, уларнинг тезлиги ва самарадорлиги билан аниқланади.

Таркибий ўзгаришларни аниқловчи сиёсатни шакллантириш иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни сифат жаҳатдан баҳолашни аниқлашнинг принципиал хусусияти иқтисодиётнинг ўсиш суръати кўрсаткичларининг деграграция юз бериши муаммосини ҳал етиши

зарурлигидир, чунки айни бир суръатнинг ўзи бир неча тармоқларнинг турли ўсиш суръатларида ифодаланиши мумкин, бу бир хил бўлмаган иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келади. Бу муаммо оқибатда у ёки бу соҳага устуворлик (афзаллик) бериш системасини яратишни тақозо етади.

Масалан, фан-техника тараққиётида тўлиқ акс этадиган соҳалар ажралиб туради: ёқилғи-энергетика, электроника, машинасозлик, химия. Шунинг учун бу тармоқлар ўсиш суръатлари бўйича саноат ўсишидан юқори туриши керак. Машинасозликнинг тармоқ таркибий ўзгаришларсида ҳам жиддий ўзгаришлар юз бериши зарур. Химияда биотехнологияни кўллаб, нозик органик синтез маҳсулотларини ишлаб чиқариш жадал суръатларда ривожланиши зарур.

Таркибий ўзгаришларнинг йўналиши, уларнинг жадаллиги ва кўламини аниқлаш мухим иш. Айни вақтда иқтисодий даражаси бир хил бўлган ёки иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар йўналишлари ўзгариши ўхшаш бўлган мамлакатлар гурухи бўйича тармоқлараро комплекслар ва айрим тармоқлар ишлаб чиқариши ва истеъмолининг ривожланишидаги умумий қонуниятларни аниқлаш – бу барча аналитик материаллар истиқболни режалаштиришнинг мухим замини ҳисобланади. Шу билан бирга таркибий ўзгаришлар йўналишлари ўзаро мувофиқлаштирилиши керак, чунки ривожланиш стратегиясига мувофиқ тармоқлараро комплекслар ва тармоқларни ривожлантириш уйғунлаштирилиши зарур.

Янги асрнинг дастлабки йилларидағи тараққиёт стратегияси, жамиятни янгилаш, барча соҳадаги ислоҳотларни янада чукурлаштириш борасидаги фаолият 6 та устувор йўналиш воситасидан иборат.

Биринчи устувор йўналиш – аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, иккинчи устувор йўналиш – мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада жадаллаштириш, учинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтириш, тўртинчи устувор йўналиш – кадрлар тайёрлаш, бешинчи устувор йўналиш – иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, олтинчи устувор йўналиш – жамиятдаги барқарорлик,

тинчлик, миллатлар ва фуқароларабо тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шу устувор йўналишлардан бири иқтисодиётда, шу жумладан, саноатда ҳам таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўлиб, саноат бошқаруви тузилмасини яхшилашдан тортиб корхоналарни янгилаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан тўла, самарали фойдаланишга, экспортга мосланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо етишга қаратилмоги даркор.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнида, айниқса, инвестиция дастурини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатда мўъжизавий ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон мустақилликка еришганидан бўён мамлакатга киритилган сармояларнинг ҳажми 8 млрд.АҚШ долларидан ошиб кетди.

Хорижий сармояларнинг аксарият қисми (95-96%) миллий иқтисодиётнинг реал ишлаб чиқариш соҳаларига, жумладан, 64 фоизи саноатга киритилмоқда. Инвестициялар асосида янгидан янги корхоналарнинг барча вилоятларда курилаётганлиги нафақат ҳудудларнинг саноат тизимини, балки уларнинг қиёфасини ҳам тубдан ўзгартириб юбормоқда.

Республика иқтисодиётида, шу жумладан, саноатда таркибий ўзгаришларни таъминлаш натижасида давлатнинг қудратини янада орттириш, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртни обод етиш ва ҳалқнинг фаровонлигини юқори даражага кўтариш мумкин бўлади.

Тармоқ тузилмаси дейилганда, унинг таркиби, тармоқлар ўртасидаги нисбатлар ва ўзаро боғлиқлик тушунилади. Тармоқ тузилмаси саноат тараққиёти даражасини белгилайди ҳамда унда юз берган ва юз берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

Тармоқ тузилмасига биноан қуйидаги жиҳатларни аниқлаш мумкин бўлади:

- ижтимоий меҳнат тақсимоти ва кооперациянинг даражасини;
- мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил еканлигини;

- саноат ва бутун миллий иқтисодиётнинг илмий-техника салоҳиятини;
- мамлакат ва унинг вилоятлари саноатининг ривожланиш даражасини;
- саноат тармоғининг “А” гурӯҳи билан “Б” гурӯҳи ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқадорлигини;
- ижтимоий меҳнат унумдорлиги ёки ижтимоий-иктисодий самарадорлигининг даражасини;
- меҳнаткашларнинг моддий фаравонлиги ва маданий даражаси ўсганлигини.

Саноат тармоқлари тузилмасини тавсифлаш учун айрим тармоқлар ўртасидаги маълум ишлаб чиқариш алоқадорлигини ифодаловчи миқдорий нисбатларни аниқлаб олиш керак. Бу муаммони ҳал етиш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улардан бири тармоқлар ўртасидаги нисбатларни ифодаласа, иккинчиси маълум давр ичидаги тузilmavii ўзгаришларни, учинчиси эса ишлаб чиқариш алоқаларини ифодалайди.

1.2. Саноат корхоналари фаолиятини ривожлантиришининг худудий муаммолари

Мамлакатимизнинг миллий маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий тармоқларидан бири-саноатдир. Саноат ўзининг қўшимча киймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш имкониятлари билан бошқа соҳа ва тармоқлардан ўз афзаллиги билан тубдан фарқ қиласди. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи тармоғи бўлиб, унинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади.

Мамлакатимиз саноат тармоқларини жадал ва баркарор ривожлантириш, уларнинг экспорт салоҳиятини ўстириш, ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жихатдан қайта куроллантириш, ички бозорни миллий корхоналарда ишлаб чиқарилган махсулотлар билан таъминлаш, мавжуд ресурслардан

унумли фойдаланиш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш асосида саноатниг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини янада оширишга эришиш мумкин.

Саноатни устувор даражада ривожлантириш дастурлари ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиги айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Маълумки, саноатдаги иқтисодий ўсиш меҳнат, капитал ва фантехника тараққиёти каби омилларга бевосита боғлик. Иқтисодий ўсишнинг меҳнат ва капитал омилларига корреляцион боғлиқлик даражаси юқори ҳисобланади. Мамлакатимизда ўтган даврда саноат ишлаб чиқариши ҳажми, соҳага жалб қилинган инвестициялар ҳажми ва тармоқда банд бўлганлар сони ўзгариши натижасида таркибий силижишлар рўй берди.

Миллий саноат тараққиётидаги бундай ўзгариш пахта ва нодир металлар нархининг тушиши ва унга мос равишда ташқи савдо балансининг, хусусан, экспорт тушумларининг камайиши билан изоҳланади.

Миллий саноат ва унинг соҳалари иқтисодиётнинг динамик ўзгаришда бўлган ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари жадал ошаётган тармоқлари ҳисобланади. Айниқса, саноатнинг қора металлургия, нефт ва нефт кимёси, машинасозлик, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилларда тез ўсмокда.

2018 йилда ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 175,4 трлн. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 76,6 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғнинг улуши 1,6 % ни (2017 йил январ-декабр ойларида – 1,9 %), ўрта-юқори технологияли – 29,7 % (21,7 %), ўрта-куйи

технологиялини – 29,8 % (27,0 %) ва қуи технологиялини – 38,9 % (49,4 %) ташкил этди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида төг-кон саноати ва очик конларни ишлашда иирик саноат корхоналари томонидан натура кўрининишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 йил	2017 йилга нисбатан, % да
Нефт	минг. т	746,4	91,8
Газ конденсати	минг. т	2143,6	109,9
Табиий газ	млн. куб. м	59842,2	106,1
Қўмир	минг. т	4174,4	103,4
Шагал	минг. т	401,4	87,7
Чакиқ тош	минг. т	1191,1	119,8

Умуман олганда, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик қўшимча ўсиши суръати бу йилларда ўртача 7-8 фоиздан иборат бўлди. Иқтисодиётни модернизация килиш шароитида мамлакатимизда чуқур таркибий силжишлар ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда саноат ишлаб чиқаришини янада жадалроқ ривожлантириш имкониятлари айниқса, енгил, ёқилғи-энергетика, киме ва нефт кимёси, озиқ-овқат ҳамда машинасозлик соҳаларида мавжуд.

Республикамиз ҳудудларида саноат тармоқларини янада тақомиллаштириш ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши кўпайтириш учун, аввало, қуидаги ишларни амалга ошириш зарур:

- мамлакатимизда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш;
- бугунги кунда тўхтаб турган ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш;
- янги моддий-техника базасини барпо етиш;
- янги ташкил этилаётган корхоналар фаолияти учун қўлай шарт-шароитлар яратиш;

– саноат тармоғи ривожланишида кичик корхоналар сонини янада күпайтириш ва уларни ташкил этиш чора-тадбирларини рағбатлантириш;

– импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган маҳаллийлаштириш дастурини жадал суръатлар билан ривожлантириш.

Маълумки, вужудга келган ва ихтисослашган корхона саноат тармоғини яратмайди, чунки тармоқ турдош корхоналар гуруҳидан иборат. Лекин, ҳар қандай турдош корхоналар гуруҳи ҳам тармоқ яратса олмайди. Бунинг учун у ўзининг хусусиятига кўра мавжуд тармоқлардан фарқ қилиши ва аҳолин эҳтиёжлари нуқтаи назаридан йирик масштабли ишлаб чиқаришга эга бўлиши керак.

Шундай қилиб, ихтисослашган корхоналарнинг гуруҳлари ва тармоқлари бир-биридан фарқланади. Шунга мувофиқ ҳолда, тармоқларнинг гуруҳлаш схемаси асосий саноат тармоқлари гуруҳи, ихтисослашган корхоналар гуруҳига ажратилади.

Саноат тармоқлари бир-биридан ишлаб чиқариш, техник-конструктив ва технологик жиҳатдан ўзига хослиги, ёқилғи, энергия ресурслари, ҳом ашё манбалари, ишчи кучи тўпланган ҳудудлар, тайёр маҳсулот истеъмол қилиш, жойларига нисбатан жойлашуви билан фарқланади. Бу эса тармоқларни оқилона мужассамлашувини ўта ошириб юборади. Биринчидан, алоҳида олинган тармоқ муайян ҳудуд комплекси таркибига фақат айрим корхоналари билан киради.

Иккинчидан, ҳамма тармоқлар ҳам ўз корхоналари билан бир вактда ҳар бир минтака ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси фаолиятида иштирок етмайди. Учинчидан, бир тармоқ корхоналари ихтисослиги ва тузилмаси турлича бўлган туман комплексларида саноатнинг бошқа тармоқ корхоналари билан ўзига хос бирлашмалар ҳосил қиласди. Саноат корхоналари тармоқлар ва ҳудудий аниқлаш мумкин. Бу фикрлар энг аввало тармоқларнинг ҳудудий ихтисослашуви таърифига тегишлидир.

Саноат тармоқларининг ихтисослашув ва маҳаллийлашув коэффициентлари бўйича А.Т.Хрушев қўйидагича аниқлади: ишлаб чиқариш комплекслари таркибида ҳудудий меҳнат тақсимоти ва

ўзаро таъсир доирасидаги иштироки билан тавсифланади. Бунда тармоқлар орасидаги фарқлар ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, миқёси ва самарадорлиги; маҳаллий, иқтисодий ва табиий шароит хусусиятларига мос келиш даражаси; меҳнат, моддий ва табиий ресурслардан фойдаланиш хусусияти; атрофидаги ишлаб чиқариш кучларига таъсири; саноатнинг бошқа тармоқлари ва хўжаликнинг бошқа бўғинлари билан алоқалари; саноат комплексларини шакллантириш қобилияти; худудлараро тайёр маҳсулот, энергия, ёқилғи, хомашё алмашинувида иштирок этиш даражасига боғлик. Худудда турли вазифаларни бажарувчи тармоқлар орасидаги боғлиқликни фақат сифат жиҳатидангина эмас, балки миқдор жиҳатидан ҳам

$$\text{ёки} \quad S_t^r = \frac{P_t^r}{P^r} \div \frac{P_i}{P} \quad L_t^r = \frac{P_t^r}{P^r} \div \frac{P^r}{P}$$

Бу S_t^r ерда – р-район ($r=1, 2, 3\dots, n$)даги и-тармоқ ($i=1, 2, 3\dots, m$)нинг ихтисослашув коэффициенти; P_r – р-райондаги и-тармоқ ишлаб чиқариш ҳажми, P_p – р-раёндаги жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми, P_i – мамлакат бирор тармогидаги ишлаб чиқариш ҳажми; P – мамлакатдаги жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми; L_r – р-райондаги и-тармоқнинг маҳаллийлашув коэффициенти.

Саноат ишлаб чиқаришини назарий жиҳатдан ўрганиш амалий таклифлар ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Саноатда фан-техника тараққиётининг энг янги ихтиrolари ва кашфиётлари, техника ва технологиялари яратилади. Республика иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқаришнинг техник, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси кўп жиҳатдан саноат билан чамбарчас боғланган.

1.3. Саноат корхоналари иқтисодий фаоллиги ва ҳудудий рақобатбардошликни ошириш йўналишлари

Худудларда ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиши амалиётидан келиб чиқиб саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари

иштирокида кластерларни шакллантиришнинг асосий шарт-шароитлари ва омиллари сифатида қуидагиларни келтириш мумкин: кластерда миллий ва жаҳон бозорларида рақобатбардош корхоналарнинг мавжудлиги; кластерни ривожлантириш учун худудда рақобат афзаликларининг мавжудлиги; кластер иштирокчиларининг ўзаро фаол муносабатда бўлиши учун географик жиҳатдан бир жойдалиги ва яқинлиги; кластерда иштирок этиш ҳисобига саноат корхоналари рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширувчи, кластерлаштиришни қўллаб-куvvatловчи, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш учун бир-бирини тўлдирувчи ёки ўзаро яқин алоқадор тармоқларнинг мавжудлиги; кластер иштирокчилари ўртасида ишлаб чиқариш технологик, логистик, савдо ва мулкчилик алоқаларининг мавжудлиги⁵.

Иқтисодиёт тармоқларида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни хусусан саноат кластерларини шакллантиришда бир қанча таҳлил усуллари мажмуасидан фойдаланиш лозим. Уларни қўллаш орқали ўз ичига қатор ўзаро боғлиқ босқичларни олган саноат кластерини шакллантиришнинг услубиёти ишлаб чиқилди. Буларга қуидагилар киради:

1. Саноат сиёсати ва саноат салоҳиятининг миқдорий таҳлили;
2. Саноатни кластерлаштиришнинг истиқболли йўналишларини баҳолаш;
3. Саноат кластерининг тузилмасини ва салоҳиятли иштирокчиларини шакллантириш;
4. Худудий интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш лойиҳаларини молиявий таъминлашнинг «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш;
5. Интеграциялашган тузилмаларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини асослаш.

Биринчи босқичда худудларнинг саноат сиёсати ва саноат салоҳиятини миқдорий таҳлил этишида кластер ташаббускорлигини

⁵ Brunetto, Y & Farr-Wharton, R. Factors affecting the development of an industry cluster. 2 nd Annual Conference of the European Academy of Management (EURAM), Stockholm, Sweden, 9-11 May. 2002. p. 5.

ривожлантиришни қўллаб-куватловчи омилларнинг худудларда мавжудлигини аниқлаш тавсия этилади. Бунда ҳудудларда саноат тармоқларининг муайян бир турига ихтисослашув даражаси ва саноат ишлаб чиқариши учун зарур ҳомашё ресурсларининг мавжудлиги каби омиллар муҳим ўрин тутади.

Миллий иқтисодиётнинг саноат тармоқларида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантиришда ҳудудларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослашув ҳолатини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркиби ўз ичига тог-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йигиш ва утилизация қилиш каби иқтисодий фаолият турларини қамраб олган. Алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида юқори улушни қайта ишлаб чиқариш саноати эгаллаган бўлиб унинг улуши ортган.

Саноат тармоқларида интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришда ишлаб чиқаришнинг худудий жиҳатдан ихтисослашувини баҳолаш ва шу асосда ҳудудларда интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш имкониятларини аниқлаш мумкин. Мамлакатимизда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида юқори улушни қайта ишлаб чиқариш саноати эгаллаганлиги туфайли мазкур тармоқ таркибига кирувчи соҳаларнинг худудий жиҳатдан ихтисослашувини баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, мамлакатимиз ҳудудларининг саноат ишлаб чиқариши ихтисослашувидан келиб чиқсан ҳолда ихтисослашув даражаси юқори бўлган айrim ҳудудлардаги саноат корхоналари иштирокида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳудудий интеграциялашган корпоратив тузилмаларни озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби саноат тармоқларида шакллантириш имконияти

ва салоҳияти юқори деб ҳисоблаймиз. Чунки, мазкур саноат тармоқларида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари деярли барча худудларда мавжуд бўлиб худудларда ушбу саноат тармоқларида фаолият кўрсатувчи замонавий интеграциялашган тузилмаларни босқичма-босқич шакллантириб бориш мақсадга мувофик.

Саноат тармоқларида ташкил этиладиган интеграциялашган корпоратив тузилмалар ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини, жумладан хомашё етиширишдан тортиб юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнигача бўлган технологик занжирни ўз ичига қамраб олиши лозим. Иккинчи босқич саноатни кластерлаштиришнинг истиқболли йўналишларини баҳолаш бўлиб саноат кластерини шакллантириш учун иқтисодий фаолиятнинг истиқболли турларини танлашга асосланади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муҳим йўналишлардан бири сифатида қайд этилган. Ушбу йўналишда қишлоқ хўжалиги корхоналари иштирокида интеграциялашган тузилмаларни, жумладан саноат кластерларини шакллантириш муҳим ўрин тутади.

Тўртинчи босқич худудий интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш лойиҳаларини молиявий таъминлашнинг «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиши тақозо этади. Мамлакатимиз худудларида интеграциялашган молия-саноат тузилмаларини шакллантириш лойиҳаларини бенчмаркинг технологияларини қўллаш орқали молиявий таъминлашнинг «йўл харитаси» ишлаб чиқиши ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш блокини ташкил этиш тартиби аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Худудий жиҳатдан интеграциялашган молия-саноат тузилмаларини шакллантириши молиявий таъминлаш учун куйидаги «йўл харитаси»дан фойдаланиш тавсия этилади:

- 1) «интеграциялашган тузилманинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш»;
- 2) «ишлаб чиқариш – илмий тадқиқот – инновацион ривожланиш» жараёнини ташкил этиш»;
- 3) «кўшилган қиймат занжирини яратиш», рақобатлашув жараёнига кириш»;
- 4) «тузилмага бирбирига яқин ва хизмат кўрсатувчи тармоқларни жалб этишни қўллабқувватлаш, бизнес-ауцорсингдан фойдаланиш»;
- 5) «молия ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш»;
- 6) «рақобатлашув даражасини ошириш»;
- 7) «ягона худудий инфратузилмавий мажмуани ташкил этиш»;
- 8) «тузилма иштирокчилари фаолиятини барқарорлаштиришга қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш»;
- 9) «саноат ишлаб чиқаришини замонавий технологиялар билан таъминлаш тизимини ташкил этиш».

Интеграциялашган тузилма таркибига кирувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштирувчи асосий яъни бошқарувчи компания фаолиятида куйидаги йўналишларга алоҳида эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз:

- стратегик ривожланиш ва маркетинг фаолиятини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорлардаги талабни ўрганиш асосида корпоратив тузилма таркибига кирувчи корхоналарда ишлаб чиқариш бўйича буюртмалар портфелини шакллантириш;
- ишлаб чиқаришга инновацияларни татбиқ этиш ва истиқболли лойиҳаларга инвестицияларни жалб этиш;
- тузилма таркибига кирувчи корхоналарда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни шакллантириш ва уларнинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш;
- фаолият натижаларини иқтисодий таҳлил этиш ва истиқболни прогнозлаштириш;
- корпоратив тузилма фаолиятини ривожлантиришнинг

истиқболдаги стратегиясини ва унинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиши;

– тузилма доирасида ягона илмий-тхникавий ва инвестициявий сиёсатни шакллантириш ва бошқалар.

Бешинчи босқичда кластерни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосланиши лозим. Ушбу босқичда кластерни ривожлантиришнинг турли варианatlари кўриб чиқилади ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари танланади. Фикримизча, кластерни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари барқарор ҳудудий ривожланиш шароитларини таъминлашда корхоналарда яратиладиган қўшилган қийматни доимий оширишга қаратилиши лозим. Саноат кластерлари фаолиятининг самарадорлиги кластер иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро алоқалар механизмини самараали ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Худудларда кластерлаштириш жараёнини кенгайтириш учун кўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– саноат тармоқларида кластерли ривожланиш фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий асосларни шакллантириш;

– кластерларни ташкил этиш учун зарурий шароитларни яратиш;

– янги рақобат афзалликларини шакллантириш ва иқтисодий ўсишлини таъминлашга қобилиятли саноат кластерларини ташкил этиш;

– кластерлар фаолиятининг барча босқичларида инновацион мухитни шакллантириш.

Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда эришилган ижобий силжишларга қарамасдан, уларни комплекс ва мувозанатли ривожлантириш, саноат ва хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш ва шу асосда юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ахолининг, айниқса худудларда яшовчиларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш билан боғлиқ тизимли муаммолар мавжуддир.

Айнан шунинг учун, худудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш негизида тайёр маҳсулотлар ишлаб

чиқарувчи ўз ичига технологик алоқадор корхоналарни қамраб олган интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантириш долзарб масалалардан биридир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиёт барқарорлигини ва саноат тармоқлари рақобатбардошлигини оширишнинг истиқболли йўлларидан бири сифатида саноат тармоқларида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш намоён бўлади. Интеграциялашган корпоратив тузилмаларни ишлаб чиқаришнинг технологик даври ўзаро алоқадор бўлган корхоналарнинг интеграцияси орқали шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР, ТЕХНОПАРК ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. Эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари мөҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Саноатни самарали ривожлантириш йўналишларидан бири эркин иқтисодий зона, кичик саноат зоналари (КСЗ) ва технопарклар ҳисобланади. КСЗ давлат мулки объектларининг фойдаланилмаётган майдонлари, зарар кўриб ишлатилмаётган худудлари негизида яратилмоқда. КСЗлар давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни реал қўллаб-куватлаш ва уларни ривожлантиришни янги юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг маълумотларига кўра, республикамизнинг барча худудларида, 2020 йил 1 январ ҳолатига кўра, 150 та КСЗ ташкил этилган бўлиб, уларнинг худудида ҳар йили жами 1,7 триллион сўмдан ортиқ қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган 1 691 та кичик корхона фаолият юритади ва 27 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Кичик саноат зоналари тушунчаси ва ундан амалиётда фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 378-сонли қарори қабул қилингандан кейин пайдо бўлди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартағи “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 134-сонли қарорига мувофиқ юқорида келтириб ўтилган 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қарор ўз кучини йўқотган ва атамага шарҳ ҳамда низом янги таҳрирда қабул қилинган.

Ҳозирча КСЗлар тўғрисида дарслик ёки монографиялар жуда кам. Интернет сайтиларида жуда кўп мақолалар эълон қилинган бўлсада, уларнинг деярли кўпчилиги оммабоп характеристерга эга бўлиб, уларда

КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий асослари назарий жиҳатдан ўрганилмаган. Шу сабабли, ҳозирги кунда, КСЗнинг таърифи ҳам аниқ берилмаган десак, тўғри бўлади.

Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомда КСЗга таъриф сифатида қуидагилар келтирилган: зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий начор ва паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган, муҳандислик коммуникациялари ўтказилган ва зарур инфратузилмага эга алоҳида ҳудуд. Яна бир жойда КСЗ – иқтисодий ва индустрисал ривожланиш бўлиб, маҳаллий ва халқаро бозорда рақобатбардошликни ошириш, ахолининг бандлигини таъминлаш, уни сифатли товар ва хизматлар билан таъминлашга ўз ҳиссасини кўшади деб ёзилган⁶.

Биринчи таъриф кўпроқ амалиётга яқинлаштирилган бўлиб, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини танлов асосида жойлаштириш эътиборга олинмаган. Маълумки, КСЗлар ҳудуди давлат мулки ҳисобланади ва у кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ижарага берилади. Бундай ўзгармас ўзига хос хусусиятлар таърифда ўз ифодасини топиши керак деб ўйлаймиз.

Иккинчи таърифда КСЗнинг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилган, холос. КСЗга таъриф беришдан олдин хорижий давлатларда кенг тарқалган ва саноат ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг самарали шакллари бўлган “Саноат зонаси”, “Индустрисал зона”, “Индустрисал парк”, “Саноат комплекси” ва кластер таърифларини ўрганамиз.

Индустрисал парк деганда, алоҳида ишлаб чиқариш комплекси бўлиб, ягона ривожланиш концепцияси ва инфратузулмасига эга йўналиш бўйича хизмат кўрсатиш ва самарали ишлаб чиқаришни бошқарув компанияси томонидан таъминланувчи, фаолияти давлат томонидан кафолатланувчи ва имтиёз олиш имкониятига эга минтақа иқтисодиётининг ҳудудий таркиби элементи тушунилади. Индустрисал паркнинг асосий базис элементлари саноат ишлаб

⁶ <https://www.gov.kz/ru/statich>

чиқаришига мүлжалланган ер майдони мавжудлиги, бошқарув компанияси ва инфратузулманинг (муҳандислик, транспорт, молия ва ижтимоий) мавжудлиги, маҳсус иктисадий шароитлар, ягона ривожланиш концепцияси, ресурслар ва сотиш бозорларига чиқиш имкониятлари мавжудлиги ҳисобланади.

Саноат зонасининг индустрiali паркдан фарқи шундаки, бу ерда илгари саноат ва бошқа ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритган, кейинчалик қисман ёки бутунлай фаолиятини тұхтатты, лекин ер майдони, ишлаб чиқариш бинолари ва маълум даражада инфратузилма элементлари сакланиб қолған. Бундай худудларда ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этиш күзда тутилған.

Саноат зоналарининг устунликларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қичик корхоналарнинг мослашувчанлиги, ташки мухитта мослашиши ҳамда уларнинг құллаб-қувватланиши саноат зонасининг барқарор фаолиятини таъминлади;
- инфратузилма, мутахассисларни тайёрлаш, хомашё материалларини сотиб олиш, маҳсус деталлар, оралиқ маҳсулотлар, ускуналарни олиш ва бизнесга хизмат күрсатиш соҳасидаги харажатларнинг пастлиги;
- ижтимоий инфратузилма объектларидан фойдаланиш имкониятлари;
- ихтисослашув ва кооперацияни кучайтириш ҳисобидан ишлаб чиқариш соҳасида миқиәс самарасига эришиш.

Масалан, маълумки фирмада фойдаланилмайдыган ускуна бошқа фирма учун фойда олиш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин ёки маълум фирма ускунани сотиш орқали ўз молиявий ҳолатини яхшилаб олиши мумкин. Саноат зонасида жойлашган персонални тайёрлаш агентлигидан ишчи ёллаш очиқ меҳнат бозоридан ёллашга нисбатан арzon тушади.

Моддий ресурслар, керакли хомашё ва компонентларнинг маҳаллий таъминотчилардан сотиб олиниши, транспорт ва омборхона харажатларини тежашга олиб келади.

Бундай саноат зоналарининг асосий камчиликлари: зона фирмалари илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари молия соҳасида йирик фирмалар билан рақобатлаша олмайди. Чунки кичик ва ўрта фирмаларнинг даромадлари катта бўлмаганлиги сабабли илмий тадқиқотларга инвестиция киритиш чекланган.

Индустрисал паркларни кластер асосида ривожлантиришга хам муҳим эътибор берилмоқда. Илмий адабиётларда кластерни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларига жуда кўп ёндашувлар мавжуд. М.Портнернинг фикрича, кластернинг вужудга келиши кўп ҳолларда хомашё ресурсларини олиш имконияти бўлган жойлар билан боғлиқ бўлади, муҳим технологик инновациялардан фойдаланувчи фирма ва тадбиркорларнинг маълум бир жода тўпланиши сабаб бўлиши мумкин. Йирик корхоналар кластернинг ядроси хисобланади. Шу ядро атрофида кейинчалик маҳсус таъминотчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар барпо этилади. Кейинчалик кластерда таълим муассасалари, кластерга хизмат кўрсатувчи корхоналар пайдо бўлди. Кластерни шакллантириш бўйича ҳалқаро тажрибага кўра, (масалан, Хитойнинг автомобиль кластерини яратиш тажрибаси), бошида бир ёки бир неча йирик корхонадан иборат саноат зонаси ташкил этилади. Бу эса маълум даражада инфратузилма элементлари ва бошқа ёрдамчи ишлаб чиқаришлар барпо этилишига сабаб бўлади.

Кластерни яратишда энг муҳим масалалардан бири юқори малакали мутахассис кадрларни жалб этиш орқали кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, у маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, маҳсулот ишлаб чиқаришдан тортиб, то уни бозорда сотишгача тўлиқ даврини йўлга қўшиши керак.

Кластерни шакллантириш табиий ҳолатда юз беради, бунинг учун, яъни кластернинг шаклланиши учун давлат яхши шароит яратиши лозим. Кластернинг устун томонлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- трансакцион харажатларни камайтиришга олиб келади (ресурсларни бирлаштириш натижасида);

- синергия самараси вужудга келади (кластер қатнашчилар ўртасида кооперацияни вужудга келиши асосида);
- инновацияларни ривожлантириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тезлашади.

Кластерларнинг салбий томонларини ифодалайдиган бўлсак:

- ихтисослашув маҳсулот сифатини ошириш билан бирга кластерни заифлаштириши (маҳсулотга талабнинг камайиши) ҳам мумкин;

- тизимнинг ўзи билан ўзи бўлиб қолиш самараси (эфект замкнутости) пайдо бўлиши мумкин;

- ортиқча таъминланганлик (синдром самодостаточности) синдромининг пайдо бўлиш эҳтимоли мавжудлиги ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига олиб келади.

М.Портернинг фикрича кластер аниқ бирор соҳада ўзаро боғлиқ корхоналар ва йўлдош институтлар гурухи бўлиб, географик нуқтаи назардан ўзаро яқин жойлашган, улар умумий иш ва ўзаро ўриндошлик орқали ўзаро боғланган. Кластер – тадбиркорлик таркибининг тармоқ, худуд бўйича ихтиёрий бирлашуви бўлиб, улар ўз маҳсулоти, хизмати рақобатбардошлигини ошириш ва минтақа иқтисодиёти ривожланишига таъсир кўрсатиш учун илмий ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимият органлари билан яқиндан ҳамкорлик қиласди.

КСЗлар асосан шаҳарларда жойлашишини эътиборга олсан, уларни хомашё билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни атроф-муҳитга таъсири, КСЗларни транспорт омили ва бошқа омилларни ҳисобга олганда, шаҳар худудида кўп турдаги ишлаб чиқариш объекtlарини КСЗда жойлаштириш маълум қийинчиликларга олиб келиши мумкин.

КСЗларнинг жойлашувига қараб (шаҳар ўртасида ёки шаҳар четида), уларнинг қайси маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашувига қараб ишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, тикув цехлари ва экологияга салбий таъсир кўрсатмайдиган ишлаб чиқаришни шаҳар ичидаги КСЗларда жойлаштиришни мақсадга мувофиқ.

Химия соҳасига қарашли, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни, яъни атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш шаҳар четидаги КСЗларга жойлаштирилса, ўринли бўлади. Ҳар бир КСЗни ташкил этишда унинг жойлашувига, ишлаб чиқариш турига қараб хомашё билан таъминлаш, тайёр маҳсулотни саклаш, транспортировка қилиш, ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга таъсири зътиборга олиниши КСЗ ихтисослигини танлашда муҳим ўрин тутади. Масалан, транспорт хизматининг ҳажми ошиб кетиши шаҳарда автомобиль тирбандлиги, ҳаво ифлосланишининг ошишига олиб келади.

Яна бир муҳим жиҳат, КСЗларни кластер асосида ташкил этишда давлатнинг кластер сиёсати бўлиши керак. Биринчи, қайси саноат тармоғи кластер ядроини ташкил этиши аниқланади, кейин оралиқ маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар танланади. Хомашё етказиб берувчилар, инфратузулма обьектлари кетма-кет ишга туширилиши кластернинг табиий шаклланиши ва барқарор ишлашини таъминлайди.

Шуни айтиш керакки, барча давлатлар учун кластерни барпо этишнинг ягона унификациялашган механизми мавжуд эмас. Демак, ҳар бир ҳудуд учун кластерни барпо этиш бўйича асосланган дастур ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон шароитида КСЗларда кластерни ташкил этиш босқичларини келтирамиз:

Давлатнинг КСЗни стратегик ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш, яъни ишлаб чиқариладиган якуний маҳсулот турини аниқлаш (кластер ядроини аниқлаш).

Якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий корхоналарни ва оралиқ маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни аниқлаш.

Аутсорсинг бўйича ишларни қабул қиласидиган кичик бизнес таркиби ва ишлар турини аниқлаш.

Худудда ташкил этиладиган инфратузулма обьектларини аниқлаш.

Кластерни ривожлантириш марказини тузиш (инновацион инфратузилма ёки илмий тадқиқот институти ёки университет билан алоқа ўрнатиш).

Кластернинг шаклланиши учун давлат томонидан керакли шарт-шароитлар яратилиши муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

КБХТ субъектларининг танлов асосида КСЗга жойлаштириш, биринчидан, давлатнинг саноат сиёсатини амалга ошириш имконини яратади; иккинчидан, КСЗнинг ижтимоий ва иктисадий самарадорлигини оширади. Учинчидан, худуднинг хомашё, меҳнат ва молия ресурслари ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилади; тўртингидан, худуддаги корхоналар ўртасида кооперацон алоқалар кучаяди ва бу ўз навбатида, синергетик самарага олиб келади.

2.2. Ўзбекистон Республикасида кичик саноат зоналарининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили

Кичик саноат зоналарининг барпо этилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31 декабрдаги 2014 йилдаги, 378-сонли қарори билан тасдиқланган “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилингандан кейин бошланди. Кичик саноат зоналари Президент қарори ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра барпо этилади. 2020 йил бугунги кун ҳолатига кўра республикада жами 82 та кичик саноат зоналари фаолият юритмокда (2-жадвал). Уларнинг умумий майдони 1243,4 гектарни ташкил этади. Амалга оширилган лойиҳалар сони- 987 та, умумий қиймати 2248,9 млрд сўм. Хорижий инвестиция факат Тошкент шахрига тўғри келади ва у 13,35 млн АҚШ долларига teng. Яратилган иш ўринлари 38283 та. Энг кўп кичик саноат зоналари Тошкент вилоятига – 17 та, ва Самарқанд вилоятига – 14 та тўғри келади. Энг кам кичик саноат зоналари: Андижон ва Сирдарё вилоятларида – 3 тадан, Фаргона вилоятида – 4 та, Жizzах ва Хоразм вилоятларида – 5 тадан кичик саноат зоналари ўз фаолиятини бошлаган. Бухоро, Наманган ва Навоий вилоятларида кичик саноат зоналарини барпо этиш жараёнлари давом этмоқда.

Худудлар бўйича ажратилган умумий ер майдонлари ҳам турлича. Энг кўп ер майдони Сирдарё вилоятига (546,5 гектар), Қорақалпоғистон Республикаси (205,7 гектар) ва Тошкент вилоятига (104,9 гектар) тўғри келади. Энг кам ер майдони Андижон вилоятига (17,4 га), Фарғона (17,8 га) ва Хоразм (15,6 га) вилоятларига тўғри келади. Ўртacha ҳар бир кичик саноат зонасига тўғри келувчи умумий ер майдонини ўргансак, бу кўрсаткич республика бўйича 15,2 гектарга тенг. Ушбу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 29,4 гектарни ташкил қилади, Сирдарё вилоятида – 5,2 гектар ва Хоразм вилоятида 3,2 гектарни ташкил этади.

Амалга оширилган лойиҳалар бўйича ўргансак, энг кўп лойиҳа Тошкент шаҳрига тўғри келади (656 та лойиҳа), ва Андижон вилоятига (38 лойиҳа). Яратилган иш ўринлари бўйича ҳам Тошкент шаҳри етакчи ўринни эгаллайди (15897 та).

2-жадвал

**Худудлар кесимида кичик саноат зоналари ҳолати тўғрисида
(2019 йил ҳолатига)**

Худудлар	Асос: Президент қарори, Вазорлар Махсусас қарори	Фаолият юритаётган кичик саноат зоналари санчи	Умумий майдон га	Амалга оширилган лойиҳалар			Яратилган иш ўринлари санчи	
				Сенин	Умумий хўймагни			
					Млрд. сўм	Млн. додлар		
Қорақалпоғистон Республикаси	ПҚ-2803, 28.02.2017; ПҚ-3588, 06.03.2018.	7	205,7	8	8,7	-	154	
Андижон	ВМҚ-588, 04.08.2017	3	17,4	38	83,4	8,3	10221	
Жисав	ВМҚ-352, 05.06.2017; ВМҚ-897, 08.11.2017.	5	33,6	41	295,7	29,5	1716	
Кашқадарё	ПҚ-3536, 29.03.2018	7	29,8	-	-	-	-	
Самарқанд	ПҚ-3607, 16.03.2018	14	53,1	-	-	-	-	
Сурхондарё	ПҚ-3636, 29.03.2018	9	55,1	-	-	-	-	
Сирдарё	ПҚ-2860, 30.03.2017; ВМҚ-589, 04.08.2017	3	546,5	79	483,7	36,3	3058	
Тошкент	ПҚ-3194, 10.08.2017	17	104,9	116	439,8	45,8	4710	
Фарғона	ВМҚ-672, 25.08.2017	4	17,8	49	114,9	-	2527	
Хоразм	ПҚ-3515, 06.02.2018	5	15,6	-	-	-	-	
Тошкент шаҳри	ПҚ-2973, 18.05.2017; Тошкент шаҳар ўқими қарори № 1161, 29.12.2016	8	163,9	656	822,7	13,35	15897	
Жами		82	1243,4	987	2248,9	133,25	38283	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Йктиносий тараккиёт ва камбагалликни кискартириш вазирлиги мальумотлари асосидага тузилган

АҚШ долларида кириллган инвестициялар, асосан Тошкент вилоятига (45,8 млн. доллар), Сирдарё вилоятига (36,3 млн. доллар), Жиззах (29,5 млн. доллар), Андижон (8,3 млн. доллар), вилоятларига ва Тошкент шаҳрига (13,35 млн. доллар) тўғри келмоқда. Хорижий инвестициялар саноати ривожланган ёки ривожланаётган худудларга тўғри келмоқда.

Энг кўп иш ўринларининг яратилиши Тошкент шаҳрига – 15897 та, Тошкент вилоятига – 4710 та, Сирдарё вилоятига – 3058 та, Фарғона – 2527 та ва Жиззах – 1716 та вилоятларига тўғри келмоқда. Жадвалга кўра, худудлар кесимида лойиҳаларнинг юқори қийматига, юқори яратилган иш ўринлари тўғри келади.

2020 йил 1 июнъ ҳолати бўйича ташкил этилган кичик саноат зоналарининг ҳолатини ўргансак, (3-жадвал) кичик саноат зоналари сони 7 тага ошган, 4та Навоий вилоятида ва 2 та Хоразм вилоятида ташкил этилган. Кичик саноат зоналарининг шаҳар ва туман худудларида жойлашувини ўргансак, 31 та шаҳар худудида, 56 та туман худудига тўғри келади. Жами ажратилган ер майдони 1305,25 га тенг бўлиб, шундан бино, иншоотлар 136,39 гектарни ташкил этади.

Республика бўйича ўртача бир кичик саноат зonasига 14,7 га тўғри келмоқда. Агар лойиҳалар сонини кичик саноат зоналарининг умумий ер майдонига бўлсак, кичик саноат зонаси худудининг резидентлар билан тўлдирилганлик даражаси кўрсаткичини олиш мумкин. Ушбу кўрсаткич Республика бўйича 0,88 га тенг. Яъни Республика бўйича кичик саноат зонасининг ҳар бир гектар ер майдонига, ўртача, 1 та лойиҳа тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 5 га тенг, Андижон вилоятида – 1,8, Жиззах вилоятида – 1,3, Самарқанд вилоятида – 0,7, Тошкент вилоятида – 1, Сирдарё вилоятида – 0,004, Қорақалпоғистон Республикасида – 0,5.

Кичик саноат зоналари худудининг резидентлар билан тўлдирилганлик даражаси бўйича худудлар кесимида, Тошкент шаҳри етакчи ҳисобланади. Тошкент шаҳрида жойлашган кичик саноат зоналарининг ҳар бир гектарига 5 тадан лойиҳа тўғри келади. Энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятига 0,004 ва Қорақалпоғистон

Республикасига – 0,5 тўгри келади, демак бу худудларда КБХТ субъектларини қўшимча жойлаштириш мумкин.

Республикада барча 1144 лойиҳани амамлга ошириш учун миллий валютада 2594,9 млрд. сўм, АҚШ долларида 84,15 млн. доллар инвестиция киритилган. Кичик саноат зоналарига хорижий валютада инвестиция киритишда Самарақанд вилояти (22,78 млн. долл.), Сурхондарё (20,08 млн. долл.), Жиззах (16,9 млн. долл.) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (14,45 млн. долл.) етакчи ўринда бормоқда.

Тошкент шаҳрида ва умуман шаҳарда жойлашган кичик саноат зоналари бир қатор ижтимоий имтиёзларга эга. Хусусан, кичик саноат зоналари ишчилари шаҳар транспорти, супермаркет, мактаб, боғча, медицина хизмати ва бозор инфратузилма турларидан фойдаланиши имкониятига эга. Тошкент шаҳрида барпо этиладиган кичик саноат зоналари энг муҳим, етакчи зоналар сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарини инновацион, юқори технологияга асосланган рақобатбардош, илмсигимли ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи зоналарга айланиши учун барча шароитлар бор.

Худди шундай, юқори ишлаб чиқариш ва саноат салоҳиятига эга худудларга Тошкент вилоятининг шаҳарлари, Самарқанд шаҳри, Навоий, Андижон ва Фарғона шаҳарларини киритиш мумкин. Бу шаҳарларда барпо этиладиган кичик саноат зоналарига ҳам рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, фойдаланиладиган технология ва ускуналарга қўйиладиган талабларни кучайтириш мумкин.

Кичик саноат зоналари худудлар бўйича, шаҳар, шаҳар четида ва туманларда жойлашувига кўра фарқланса, тўгри бўларди. Худудлар иқтисодий салоҳияти, саноат салоҳияти илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари сони, ресурслари, иқлим ва бошқа шароитлари билан ўзаро фарқ қиласди. Худудларнинг иқтисодий салоҳиятини ҳудудий ялпи маҳсулот билдиrsa, саноат салоҳиятини ҳудудда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ифодалайди.

З-ЖАДДАЛ

2018-2019 йилларда Республика мизда ташкил этилган кичик саноат зоналарын түргисида маълумот

Кўрсаткчалар	Кичик саноат зоналаринсон шахарда	Шучлан		Ер майдони ектар	Шучлан мийшоотларга бўйно	Лойиҳалар сони		Картигатган инвеститорлар	
		Тумандар	Тумандар			Милди сўм	Мин. доллар		
Коржингагистон Республикаси	7	-	7	199,88	6,80	97	265,83		
Адликон	3	2	1	21,50	7,20	38	83,38	3,19	
Жиззек	5	-	5	33,60	-	43	473,54	16,90	
Кашкадарё	7	2	5	29,80	2,10	-	-	-	
Навоий	4	2	2	38,20	0,69	-	-	-	
Самарқанд	14	2	12	53,10	3,10	38	-	22,78	
Сардорӣ	3	2	1	546,50	1,50	2	-	6,75	
Сурхондарё	9	1	8	55,10	6,90	65	-	20,08	
Тошкент	17	2	13	104,87	15,40	104	726,4	-	
Фарғона	5	3	2	36,30	3,80	49	114,87	-	
Хоразм	7	7	-	22,50	4,10	53	62,08	-	
Тошкент II	8	8	-	163,90	84,80	655	868,75	14,45	
Республика бўйича	89	31	56	1305,25	136,49	1144	2594,9	84,15	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иктисолий тараккӣ на кормабагтиклини хисматкорларни вазирларни маълумотларни асосида.

КЗСлар зарар кўриб ишилаётган ташкилотларнинг фойдаланилмаётган бўш ишлаб чиқариш майдонларида барпо этилиши назарда тутилган. КЗСлар географик жиҳатдан аниқ бир ҳудудда жойлашади. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, уларнинг ривожланганлик даражаси КЗСларнинг тури, таркиби ва саноат ишлаб чиқариш йўналишларини белгилашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ривожланиш даражаси ўзаро кескин фарқ қиласди, шу сабабли минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, КЗСларнинг тури ва йўналишини танлаган ҳолда барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

4-жавдад

Республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми

	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Ўзбекистон Республикаси	84011,6	97598,2	111869,4	148816,0	235340,7	297815,5
Қоракалпигистон Республикаси	1717,2	2387,6	4265,7	6773,3	10911,9	11569,9
Андижон	10463,2	9744,6	7965,7	13269,8	27454,7	31168,2
Бухоро	3972,6	5143,9	5569,6	6422,3	8601,2	13241,8
Жиззах	1195,8	1474,5	2001,2	2548,8	3581,8	4293,1
Қашқадарё	7194,7	8721,9	9632,2	10945,9	14529,5	18524,2
Навоий	8238,9	9286,9	10657,9	13072,9	22892,4	40298,1
Наманган	2315,2	2861,8	3475,7	4615,5	6586,6	7975,9
Самарқанд	4966,4	6095,5	7446,0	9242,0	13488,1	14390,2
Сурхандарё	1615,3	1910,7	2200,7	2356,4	3234,7	3922,1
Сирдарё	2363,1	2820,6	3522,3	3806,5	5163,1	6508,3
Тошкент	12474,6	14401,0	16864,7	21693,4	37724,4	48322,0
Фарғона	6596,4	7170,2	8040,7	9728,5	13613,8	17797,9
Хоразм	1920,8	2616,0	2802,7	4070,4	6457,2	7947,3
Тошкент ш.	15468,5	18986,1	23511,9	30459,6	43274,1	49515,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика кўмитаси маълумотлари асосида.

Масалан, Тошкент шаҳрини эътиборга олмаганда 2019 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳам ҳудудлар ўзаро кескин фарқ қиласди. Бу соҳада Тошкент вилояти Тошкент шаҳридан кейин етакчи ўринни эгаллайди. Вилоят саноат ишлаб чиқариши (48322,0 млрд.сўм) кўрсаткичи энг кам саноат маҳсулоти ишлаб чиқарган Сурхандарё вилоятиникидан (3922,1 млрд. сўм) қарийб 12 баробарга фарқ қиласди, Хоразм вилоятиникидан (7947,3 млрд.сўм) – 6

баробарга, Наманган вилоятиникидан (7975,9 млрд.сўм) – 6,1 баробарга, Жиззах вилоятиникидан (4239,1 млрд.сўм) – 11,2 баробарга фарқ қиласди. (4-жадвал)

КЗСларни ҳудудлар бўйича барпо этиш ва ривожлантиришда ҳудудлардаги саноатнинг ривожланганлик даражасининг ўрни ва аҳамияти жуда катта.

Биринчидан, у ҳудуднинг республика иқтисодиётидаги ўрни ва келажакда ривожланиш истиқболларини белгилаб беради.

Иккинчидан, ҳудуддаги бошқа ишлаб чиқариш турлари ва хизматлари кенгайшига олиб келади.

Учинчидан, ҳалқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиради ва ахолининг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлайди.

Тўрттинчидан, инновацион ривожланиш ва инновацион бизнесни ривожлантиришга замин яратади.

Бешинчидан, ҳудудда саноатнинг ривожланиши ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузулма ривожланишига олиб келди.

Олтинчидан, саноатнинг ривожланиши, асосан машинасозлик, электроника, химия ва бошқа тармоқларнинг ривожланиши бутун иқтисодиётда фан-техника тараққиётини таъминлайди.

2.3. Тошкент шаҳрида технопаркларни яратиш шарт-шароитлари ва омиллари, истиқболли ривожлантириш йўллари

Тошкент шаҳрида технопаркларни яратиш борасида бир қанча имкониятлар мавжуд бўлиб, булар қаторига ривожланган инфратузилма, олий ўкув юртларининг кўплиги, қулий географик жойлашув, пойтахт шаҳар ва шу каби бир қанча омилларни киритиш мумкин. Бироқ, шундай бўлсада пойтахтимизда технопаркларни яратиш борасида қўйида келтирилганларни инобатга олиш шаҳримизда технопарклар яратиш самарадорлигининг ошишига хизмат қиласди.

Жаҳон мамлакатларида энг кўп ва тез тарқалаётган технопарк турларидан бири - бу техник тадқиқот ҳудудлари ҳисобланади. Ҳозирги замонда барча давлатларда бўлгани сингари, Ўзбекистон учун ҳам тараққиётдан орқада қолмаслик учун инновацион

жараёнларни жадаллаштириш мұхим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифаны бажаришда техник тадқиқот ҳудудлари асқотади. Бундан ташқари, жағон ҳамжамиятида республикамизнинг ўзига муносиб ўрни бўлсин десак, ўз миллий фанизмни ҳамда илм кўп талаб қиласидиган миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришимиз керак. Агар биз замондан орқага қолмай десак, бугун бизнес инкубаторларни, эртага технопаркларни, кейин эса технополисларни яратишимиш керак.

Техник тадқиқот ҳудудларини яратиш Ўзбекистонга нима беради:

- миллатни илмий - техник потенциалини мустаҳкамлайди;
- олимлар, юқори малакали мутахассисларни тез ва сифатли яратадиган микромуҳитни беради;
- илмий, табиий, информацион, моддий, молиявий ва бошқа ресурсларни юқори технологик ишлаб чиқаришларга йиғишга имкон беради ва олиб келади;
- “гоя - синов - татбиқ этиш - ишлаб чиқариш” занжирини тез ва кам харажат билан кечишига шароит яратади;
- гояларни тез туғилишига имкон берувчи олимларни ўзаро мuloқot қила олиши мумкин бўлган микромуҳитни беради;
- яқин келажақда миллатга катта наф бера оладиган соҳаларга (мавзу ва масалаларга) олимларни, миллатнинг интелиектуал потенциалини концентрация қилиш имконини беради;
- давлат ва хусусий бизнес маблагларини юқори самарали лойиҳаларга концентрация қилиш имконини беради;
- бозор мунособатларини ҳәётимизга тезроқ киришига кўмаклашади;
- мамлакатни умумий рақобатбардошлигини кўтаради;
- илмий-техник маълумотлар бозорини шакллантиради;
- мамлакатдан “ақл оқими”ни камайтиради;
- мамлакатда инновацион жараённи жадаллашишига хизмат қилади;
- жағон бозорига инновацион янги технология, товар, хизмат олиб чиқиш имконини беради.


Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда техник тадқиқот худудларини яратишни бошлаш керак. Буни эса бизнес инкубаторлардан бошлаш керак.

Бизнес-инкубатор (*The business-incubator*) - янги яратилаётган корхоналарни оёққа туриши, яшаб кетиши учун шароитни яхшилашга қаратилган тизимдир. Унда биноларни арzon ижарага бериш, умумий хизматлар (телефакс, коммуникация, компьютер...) кўрсатиш, менежмент жиҳатдан ёрдам қўзда тутилган бўлади. Бизнес-инкубаторга янги аъзоларни қабул қилиш кўпчилик ҳолларда аниқ бир шарт-шароитлар (масалан, янги корхоналарнинг очилиши) бўлишини тақозо этади.

Инкубаторлар ишбилармон тадбиркорларга ишлаб чиқариш биноларини таклиф қиласидилар, хизматлар ва шу ердаги университет ёки илмий марказ билан алоқани таъминлар эдилар. Маълум бир мuddат ўтгандан сўнг корхона янги талабгорга ўрин бўшатиб бериши керак. Ҳозирги пайтда республикамизда бундай худудлар секин - аста шаклланиб бормоқда. Бу жараённи жадаллаштириш керак, бунинг учун эса давлат маҳсус дастур ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Бундан кейин эса технопарклар яратишга ўтиш керак. **Технопарклар** (*technology park*) илмий-техника тараққиёти ютуқларини тижоратлашув жараёнини осонлаштиришга хизмат қилишга қаратилган.

Тошкент шаҳрига ижтимоий ишлаб чиқаришнинг анъанавий тузилмаси синаётган шароитда янги ихтисосликни топишга имкон бериши мумкин. Шунингдек, Тошкент шаҳрида технопарклар яратишнинг асосий вазифаларига қўйидагиларни киритиш мумкин (2-расм).



2-расм. Тошкент шаҳрида технопаркларни яратишнинг асосий вазифалари⁷

Тошкент шаҳридаги технопарклар одатда, перспектив илмий ва технологик янгиликларни тижорат асосида ўзлаштириш билан банд бўлган венчур фирмаларга имтиёзли шароитда ижарага берилган ишлаб чиқариш корпуслари ва илмий лабораториялар йиғиндисидан иборат бўлиши лозим. Технопарк - бу худудий илм-фан, таълим ва юқори ривожланган ишлаб чиқариш интеграциясидир. У илмий кузатишлар асосида узлуксиз инновациявий даврни таъминловчи илмий марказ атрофида тўпланган ягона маданий-маиший, турмуш, таълимиy ва илмий ишлаб чиқаришни ўзида мужассамлаштиради.

Шуни айтиш керакки, технопаркнинг асосий вазифаси умумий кризис шароитида ресурсларни тежаш, уни модернизациялаш (янгилаш), қисқа муддат ичida маҳаллий ишлаб чиқаришни рақобатчилик даражасигача кўтариш, иқтисодий-ижтимоий ҳолатни яхшилаш учун ҳамма шароитларни яратиш асосида инновацион модель яратишга қаратилган. Кўпгина давлатларнинг тажрибасидан шуни кўриш мумкинки, инновацион жараён қўшимча ресурсларни жалб қilmайди, у авваломбор, мавжуд бўлган иқтисодий ва илмий потенциални тўла ва оқилона ишлатиш натижасида амалга

⁷ <http://www.Innovbusiness.ru>.

оширилади.

Технопарк - бу замонавий бозор тизимининг асосий элементларидан бўлиб, унда ишлаб чиқариш корхоналари, олийгоҳлар ҳамда консалтинг, инновация ва бошқа хизмат доирасидаги корхоналар, давлат ва муниципал органларга хос бўлган бўлинмалар ривожланишини ягона механизмда амалга оширувчи тизимдир⁸. Технопарклар ривожланиши - корхоналарнинг иш фаолиятини қайта қуришнинг самарали механизми бўлиб, корхоналарни кризис ҳолатдан чиқаришнинг яхши усулидир, иш фаолиятининг натижаси эса - иқтисодий жиҳатдан жадал ўсуви регионлар ва минг - минглаб янги иш жойлариридир.

Тошкент шаҳрида яратиладиган технопарклар Франциядаги каби кичик бизнесни оталикқа олишга мўлжалланган бўлгани мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Тошкент шаҳрининг кўплаб олий ўкув юртлари базасида технопаркларни яратиш мумкин. Бунинг учун етарли имкониятлар бор.


Бир ишни қилишда ҳаддан ташқари кўп мақсад қўйиб бўлмаслиги сабабли, биз Тошкент шаҳрида технопаркларни яратишдан қўйидаги мақсадларни кўзлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

- ҳудуднинг туризм ҳамда енгил ва озиқ овқат саноати корхоналарини техник жиҳатдан қайта куроллантиришга кўмаклашиш;
- янги, юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- Тошкент шаҳридаги қўшни ҳудудлардан ҳамда хориждан инвестиция оқиб келишига имкон туғдириш;
- ҳудуднинг илмий потенциалини самарали илмий тадқиқотларга концентрация қилиш, ҳудуддан “ақллар оқими”ни тўхтатиш.

Хориж мамлакатлари тажрибасига таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, Тошкент шаҳрида, аниқроғи Тошкент давлат техника университети (ТДТУ) қошида технопаркни яратиш лозим ва бунинг учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шунингдек, Тошкент шаҳрида

⁸ Гниденко А. Свободные зоны - иллюзии и реальность // Экономика и жизнь. - 1991. № 2.

яратилиши күзда тутиладиган технопаркларни ривожлантириш бүйича давлат дастури қуидагилариин үз ичига олмоги лозим (3.2-расм).



3-расм. Технопаркларни ривожлантириш бүйича давлат дастури⁹

Тошкент шаҳрида технопаркларни ташкил этишнинг ижобий томонлари билан бир қаторда ўз камчиликлари ҳам мавжуд. Жумладан, технопарк одатда марказий шаҳарда қурилмайди, у асосан унчалик катта бўлмаган чекка шаҳарларда қурилади, чунки агарда бу илмий фаолият инқироз ҳолатига учраса, бунда фақатгина кичик худуд зарар кўради. Ҳатто, АҚШдек қурдатли давлатнинг технопарклари ҳам асосан чекка шаҳарларда қурилган. Шу сабабдан ҳам ҳозирги кунда АҚШда технопаркларнинг умумий сони 170 тадан ошган ва уларнинг бирортаси ҳам марказий шаҳарларда жойлашган эмас.

Тошкент шаҳрида технопаркларни яратишнинг зарурый шарт-шароити шундан иборатки, Тошкент шаҳрининг бир неча асрлар давомида маданият ва илм-фан маркази сифатида намоён бўлишига гувоҳ бўламиз. Албаттa, бу дастурни йирик капитал ва давлат ёрдамисиз амалга ошириш жуда қийин. Шунинг учун бу инновацион

⁹ Монография - Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. "Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий асосларини такомиллаштириш". – Т.: Иқтисодиёт, 2020.

фаолиятни рағбатлантириш учун яратилажак технопаркда куйидагиларни таклиф қилиш мүмкін:

- фоиз ставкалари тұлғанмайдыган қарзлар тақдим этиш;
- дотация (маблағ ажратиши);
- таваккалчылық имкониятини ҳисобга олган ҳолда инновацияларни жалб қыладыған фондларни тузиш;
- якка тарзда фаолият юритувчи илм тадбиркорлари учун давлат солиқлари даражасини пасайтириш ва сонини камайтириш;
- маңаллий солиқлардан озод этиш ва солиқ тұламаслик муддатини узайтириш;
- якка ихтирочилар талабномасига биноан бизнес-режани белупул тузиб бериш ва иш юритишига күмаклашиш.

Илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиши турли сабабларга күра ҳар доим ҳам күтилған натижани беравермайды. Ғарбдаги мутахассисларнинг аниқлашича, юқори технологиялар билан боғлиқ инновацион лойиҳаларнинг 50 фоизи омадсизлик билан тугаган. Албатта, бундай лойиҳаларни маблаг билан таъминлаш хатарли. Аммо, агар лойиҳа муваффақият келтирса, унинг фойдасини одатий фойда билан солишириб бўлмайди. Масалан, “Yahoo” корхонасининг қимматли қофозларининг фойдаси 4 йиллик фаолияти давомида 3998 фоизни ташкил этди.

Технопаркларнинг имтиёзлар тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бунда кичик венчур бизнесни рағбатлантиришига катта эътибор берилади. Солик, божхона, кредит имтиёзлари фирма фаолиятида таваккали катта бўлган бошланғич босқичда фаолиятни енгиллаштиришига қаратилған бўлади. Корхоналарни рўйхатга олишнинг маҳсус содда тартиби жорий қилинади, кичик фирмаларнинг ташкилий муаммолари билан шуғулланувчи маъмурий тузилмалар тузилади.

Булар эса йирик капиталнинг ташқаридан келиши, кўплаб уччалик катта бўлмаган фирмаларни молиялаштирувчи инвестицион фондларни технопаркларда ташкил этиш, технологик ишланмаларни саноат томонидан оммавий ишлаб чиқаришига беришнинг самарасини оширишига имкон беради.

Имтиёзли ҳолда фирма вакилларига етакчи олимлардан маслаҳат олишга, университетларнинг кутубхона фондидан фойдаланишига имкон берилади. Университет ва бошқа илмий ташкилотлар эса, қўшма тижорат лойиҳаларга қатнашиб, қўшимча даромад манбаига ҳамда битириувчи талабаларни иш билан таъминлаш учун маблағга эга бўлади. Илмий ходимларга ҳудудларда яшаш учун жуда яхши шароитлар яратилади. Амалда фанни ишлаб чиқариш билан ҳамкорлиги рўёбга чикади.

Технопарк муваффакият келтиришининг асосий манбаси молиявий ривожланиш қобилиятидир. Технопарклар буюртмачи ва университет томонидан гаровдаги мол-мулкни тижоратда қўллаб, фойда олиш мақсадида ташкил этилади. Бундай парклар ҳеч бўлмаганда зарар кўрмайдиган ҳолатда бўладилар. Одатда, бу натижага қисқа муддат ичida эришиб бўлмайди. Агар бундай технопаркларни молиявий жиҳатдан кучли фирмалар қўллаб - қувватламаса, ишонч билан айтиш мумкинки, бу технопаркнинг бюджет танқислиги 5-10 йил мобайнида давом этади. Биз тақлиф этаётган технопаркни молиялаштиришга жалб қилинадиган манбалар қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- маҳаллий ва минтақавий ривожланиш дастурининг субсидиялари;
- бошқа соҳа ёки давлат дастурлари ҳисобидан давлат инвестицияларни жалб килиш;
- тижорат банкларнинг кредитларини жалб қилиш;
- корхоналарнинг шахсий маблағлари ёки шахсий, корпоратив ички инвестициялардан оладиган фойдасини жалб қилиш;
- давлат ёки минтақавий қимматли қоғозларнинг маҳсус сонини чоп этиш;
- давлат мулкини сотишдан қолган фойданинг бир қисмини ишлатиш;
- тезлаштирилган амортизация усулини ишлатиш;
- лизингни оқилона ишлатишдан қолган маблағлар;
- ҳалқ жамғармасидан фойдаланиш;
- нобюджет фондларининг воситаларидан фойдаланиш;

- чет эл инвестицияларидан фойдаланиш;
- инвестицион солик кредитларини кўллаш¹⁰.

Агар маблағ билан таъминлаш давлат маблағлари ва банклар томонидан амалга оширилса, технопарклар ривожланади ва инновацион бизнес муваффақиятли натижаларни олган ҳолда, катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришни яратиш имконини беради. Бу билан регионнинг иқтисодий тараққиёт даражасини кўтариш имкониятига ҳам эга бўлинади.

Тошкент шаҳрида технопарк таъсисчилари, асосан, техника йўналишидаги университетлар, Фанлар академияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти технопаркни бошқариш учун маҳсус бошқарма ташкил этадилар. Унга технопаркни шакллантириш ва фаолият юритиш бўйича барча вазифалар юклатилиди. Унинг ишига илмий ва тадбиркорлик жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида экспертлар кенгаши ташкил этилади.

Бу кенташга обрўли олимлар, тадбиркорлар ва маҳаллий ҳокимият вакилларидан киритиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, бошқарма ўз ишини юритиш учун таъсисчилар томонидан, маҳаллий ҳокимият кўмагида инновация жамғармаси ташкил этади. Жамғармага имконияти борича кўпроқ маблағ йигиш керак, чунки харажатлар оз бўлмайди. Бу харажатлар эса қуидагилардан иборат бўлади:

- ташкилий харажатлар;
- маркетинг фаолияти харажатлари;
- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари;
- илмий - текшириш ва тажриба - конструкторлик ишларига қилинадиган харажатлар;
- кўргазмалар ташкил этиш харажатлари;
- реклама харажатлари;
- нашриёт харажатлари ва бошқ.

Технопарк учун маблағ топишда барча имкониятларни ишлатиб кўриш керак, яъни хориждан маблағ топиш, миллий тадбиркорлардан

¹⁰ Штыканова Е.Ю. Специальные экономические зоны в Латинской Америке. / Латинская Америка. - 1990, № 10.

ёрдам сўраш, давлат бюджети кўмагига таяниш ва бошқалар(бунда давлатдан катта кредит олган мақсадга мувофиқдир). Лекин, шуни эсдан чиқармаслик керакки, технопаркларнинг муваффақиятли ривожланиш калити худудий ресурслардан оқилона фойдаланишладир.

Технопаркни бошқариш тузилмаси унинг фаолият йўналишига караб аниқланади. Ташкилий тузилма икки даражага эга: оператив ва стратегик. Стратегик жиҳатдан бошқарма таркиби директорлар кенгаши ва эксперталар кенгаши дан иборат. Технопаркнинг энг юқори бошқариш органи акциядор жамият йигилишидир. Бу йигилишлар орасида директорлар кенгаши бошқаради. Унга технопаркларнинг таъсисчилари киради ва улар паркнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини аниқлайди.

Оператив даражага эса технопаркнинг ижро этувчи дирекциясидир. У кундалик, жорий бошқаришни амалга оширади ва қисқа муддатда стратегик ривожланиш режасини ишлаб чиқади. Ижро этувчи дирекциянинг функциялари куйидагилар: паркнинг барча бўлимлари фаолиятини координация қилиш, парк фирмалари билан тўғридан - тўғри алоқа, олинган маълумотлар ёрдамида жорий муаммоларни ечиш, корхоналарнинг изара, молия, меҳнат ва экология бўйича мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш. Ижро этувчи дирекция қошида қатор бўлинмалар бўлиши мумкин, улар тадбиркорларни ўқитиш, кўргазмалар ташкил этиш, сервис хизматлар кўрсатиш кабилар билан шугулланиши мумкин.

Технопаркларни бошқаришнинг юқори илмий-услубий органи - эксперт кенгаши ҳисобланади. У директорлар кенгаши томонидан ташкил этилади ва ўз ичига биринчи навбатда етакчи олимларни ўз ичига олгани мақсадга мувофиқдир. Бу кенгаши экспертиза масалалари билан ҳамда илмий-техник лойиҳаларни танлаш билан шугулланади, технопаркларнинг ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш бўйича таклифлар беради.

Тошкент шахрида технопаркларни бошқарувчи бошқарма таркибига куйидаги 4 бўлимдан иборат идора киргани маъкул:

1. Илмий тадқиқот бўлими. У вилоятдаги ва қўшни

вилоятлардаги илмий потенциални технопарк ишига мобилизация қилиш билан шуғулланади. Технопарк шуғулланишини мұлжаллаётган илмий ишларнинг устувор йұналишлари - туризм, озиқ-овқат ва енгил саноат соқаларга алоқадор илмий ғояларни йигади ҳамда уларнинг муаллифларини технопаркда ишлашга қызықтиради, рағбатлантиради ва чорлайди.

2. Ишлаб чыкариш - технология бўлими. Бўлим шаҳардаги ва кўшни вилоятлардаги корхоналарда мавжуд бўлган технологик потенциални, илмий тадқиқотларга бўлган талабни ўрганиш билан ҳамда ушбу корхона вакилларини технопарк билан ҳамкорлик қилишга чорлаш бўйича иш олиб боради. Бу бўлим турли хил корхоналарни: региондаги катта корхоналарни ҳам, кичик корхоналарни ҳам, якка тадбиркорларни ҳам ҳамкорликка жалб қилиши мумкин.

3. Хизмат кўрсатиш бўлими. Бўлим молиявий, маркетинг, юридик, экспертлик, олди - сотди каби хизматларни кўрсатиб, тадбиркорлар, олимлар, ва бошқа манбаатдор кишиларни технопарк ишига қатнашишига кўмаклашади. Хизмат кўрсатиш бўлими:

- маркетинг;
- реклама;
- нашриёт;
- кўргазма ташкил этиш;
- молия;
- сервис хизматлар кўрсатиш;
- ўқитишиш ва бошқа марказлардан иборат бўлиши мумкин.

Бу албатта, иш давомида аниқ бўлади.

4. “Инкубатор”. Бу бўлим эса ўз бизнесини бошлашга ғояга эга бўлган, аммо бошқа жиҳатдан оқсайдиган тадбиркорларга молиявий, илмий, моддий жиҳатдан ёрдам беришни ташкил этади.

Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг интироқчилари учун фаолият юритиш шароитларини сифат жиҳатидан яхшилаш ва маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш, инвестициялар жалб қилинишини фаоллаштириш, аввалимбор

фойдаланилмаётган, фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида ташкил қилинаётган импортбоп маҳсулотларни чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларнинг жорий этилишини жадаллаштириш, ушбу асосда янги турғун иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш ва аҳоли даромадини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июн куни “Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4363-сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида давлат муассасаси шаклидаги кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияларни ҳар бир кичик саноат зонасига дирекцияларнинг масъул ходимларини бириктирган ҳолда ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳрида халқ фаровонлигини ошириш мақсадида унинг иқтисодиётини янада жадалроқ ўстириш учун жаҳон амалиётида синалган ва жуда кенг микёсда кўлланиладиган қуроллардан бири - эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш, ҳозирги давр учун ўта зарур ва долзарб масалалардан биридир. Бунинг фундаменти эса пухта ўйланган технопарк сиёсати ҳисобланади. Шу боис, республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам технопаркларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

З-БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ФОЙДА КҮРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

3.1. Саноат корхоналарида фойда кўрсаткичларини шакллантириш мезонлари ва тамоийллари

Фойда бу корхона барча топган даромадларидан сарфланган барча ҳаражатлари чиқариб ташланган яъни ҳаражатлар айриб ташлангандан кейин қолган қисмiga айтидали. Корхоналарда товар ва хизматларни сотишдан олинган маблағлар уларнинг пул тушумлари ёки даромадлари деб аталади.

Фойда товарлар ва хизматларни сотишдан олинган даромаднинг ушбу товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган маблағлардан ортган қисмидир. Корхоналар ва тадбиркорларнинг хўжалик фаолияти молиявий натижаларининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, пулда ифодаланади ва бундан ташқари бозор даромади бўлиб, унинг қонун йоидаларига асосан вужудга келади, тақсимланади ҳамда ишлатилади.

Фойда – капитал, ишлаб чиқариш омили сифатида товар ва хизматлар нархи таркибиغا киради, улар сотилгач, пул шаклида соҳиби ихтиёрига келади. Фойда топиш тадбиркорликнинг асили мақсади ҳисобланади, унга интилиш бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминлайди.

Амалиётда фойда (Φ) даромад (D) билан ҳаражатларнинг (X) айрмаси сифатида қаралади:

$$\Phi = D - X \quad (1)$$

Фойда қўйидаги омилларга боғлиқ:

- Бозорбол товарлар ва хизматларнинг яратиш ишлаб чиқариш натижасида уларни сотишдан келган пул тушуми кўпаяди ҳамда унинг таркибидаги фойда ҳам ортади;

- Даромадлар тушумлар микдори (D);
- Тушумлар сотилган товарлар ва хизматлар микдорига (K) ва улардан ҳар бирининг нархи (P) га боғлиқ:

$$D = KP \quad (2)$$

- Ҳаражатлар микдори.

Бозорда нархлар ўзгармай келган тақдирда харажатларнинг камайиши

Фойдани оширади, уларнинг ортиши эса фойдани камайтиради. Харажатлар динамикаси меҳнат унумдорлигига боғлиқ бўлиб, меҳнат унумдорлигининг ортиши харажатларни камайтириш орқали фойдани оширади.

Шу сабабли фойдани кўп олиш шарти меҳнат унумдорлигини доимий бир маромда ошириб бориш ҳисобланади. Харажатлар пасайган шароитда фойданинг даромаддаги ҳиссаси ортиб, акси юз берганда бу ҳисса камаяди. Бордию, товарларга талаб юқори бўлса, уларнинг бозор нархи ошади, ўз-ўзидан харажатлардан қатий назар фойда кўпаяди. Нархнинг фойдага таъсири шундан далолат берадики, бозоргир товарларни чиқармай туриб яхши ва катта фойда олиш мумкин эмас.

Фойданинг ўз ўлчами бор, бу унинг нормаси ва массасидир. Фойда нормаси нисбий кўраткич бўлиб, капитал қандай ишлатилиб фойда кўрилганлигини билдиради ва шу орқали фойда капиталнинг қандай қисмига тенглиги аниқланади.

Фойда кўрилган фойда нормаси капиталнинг нақадар юқори самарали ишлатилганлигини билдиради. Фойда кўриш тадбиркорларнинг асосий мақсади бўлиб ҳар доим фойда нормасини оширишга интилиш сакланиб қолади.

Фойда массаси – бу фойданинг мутлақ миқдоридир. Фойда массаси қанчалик кўп бўлса, фойда шунчалик максимумлашган ҳисобланади. Агар фойда нормаси юқори бўлса, ўз капитал билан ҳам кўп фойда олиш мумкин, бордию фойда нормаси паст бўлса, капитални кўпайтириб фойдани кўпайтириш мумкин. Фойда максимумлаштириш учун ҳам фойда нормаси, ҳам капитал суммаси катта бўлиши зарур.


Фойда нормасини пасайиши ҳисобидан фойда массаси қискарган чоғда, бу йўқотишни бартараф этиш учун инвестициялар ҳисобидан капитал кўпайтирилади. Олинган фойданинг бир қисми инвестицияга айланади, бу билан у капиталлашади. Амортизация ва кредит ҳисобидан ҳам пул инвестицияланганда капитал кўпаяди.

Натижада фойда нормаси пасайган чогда ҳам олинадиган фойда миқдори кискармайды. Агар фойда нормаси пасайишига нисбатан капитал тезроқ күпайса фойда массасининг ортиши юз беради.

Қандай усул билан ҳосил бўлишига қараб оддий ва устама фойдага бўлинади. Оддий фойда эркин – мукаммал рақобат шароитида кўпчилик тадбиркорлар оладиган фойдадир. Устама фойдани фирманинг монопол мавқейи, яъни товарлар таклифнинг танҳо ёки озчилик фирмалар кўлида тўпланиши юзага келтиради.

Монопол бозордаги хукмронликни, яъни нархларга таъсир этиш имкониятини бераади. Монопол фирма нархларини ошириш ҳисобидан устама фойда олади. Фойда нима ҳисобидан яратилишига қараб нормал, иқтисодий ва омад фойдадан иборат бўлади.

Нормал фойда тадбиркорлик қобилияти ҳисобига яратилади.



4-расм. Фойданинг ҳосил бўлиш манбаалари¹¹

Омад фойдаси бу фойдани бозор конюктурасидаги жиддий ўзгаришлар юзага келтиради. Бозорда талаб вақтичалик ошиб, нархлар кўтарилилганда омад фойдаси ҳосил бўлади.

Иқтисодиётда таваккалчилик фойдаси атамасини ҳам учратишимиш мумкин. Буни изоҳлайдиган бўлсак куйидагича таъриф

¹¹ (

) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

бериш мумкин. Бу таваккалига фойда олиш учун риск килиш оқибатида бизнес эгаларига тегадиган мукофот ҳисобланади.

Фойданинг ташкил топиши икки босқичда ўтади:



Биринчи босқичда фойда ишлаб чиқариш жараёнида янги қийматнинг яратилниш чогида вужудга келади. янгидан яратилган қиймат таркибидағи құшимча қиймат фойданинг асосий манбасы дисобланади, бирок у ҳали аник фойда шаклида намоён бўлмайди.



Иккинчи босқичда ишлаб чиқариш жараёнида яратилган фойда товарларни сотилгандан сўнг олинган пул даромади билан ҳаражатлариниг фарқи кўришишида тўлиқ намоён бўлади.

5-расм. Фойданинг ташкил топиш босқичлари¹²

Демак, товар ва хизматлар сотилганда уларнинг умумий қиймати пул даромадларига, ундаги құшимча қиймат эса фойдага айланади. Бундан кўриниб турибдики, фойданинг ҳақиқий манбасы құшимча маҳсулот ёки құшимча қийматдир. Одатда ишлаб чиқариш соҳасидаги йирик корхоналар товарларни катта ҳажмда ишлаб чиқарib, уларни савдо воситачиларига улгуржи нархларда сотадилар. Шундан келиб чиқиб, улар товарнинг улгуржи нархи унинг таннархидан юқори бўлган тақдирда фойда оладилар.

Шу ўринда бухгалтерия фойдаси тушунчасига ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Бухгалтерия фойдаси бу ташкилотнинг даромадлари. яъни унинг активлари умумий қийматининг ошиши ҳамда унинг ҳаражатлари яъни активларнинг жами қийматининг пасайиши ва айни пайтда мулкдор капиталининг камайиши, бунда капитални мақсадли ўзгартириши ўртасидаги ижобий фарқдир. Ўз капиталини мақсадли ўзгартиришга бояглиқ операцияларга мулкдорларнинг құшимча киритмалари, құшимча эмиссия, ҳайриялар, беғараз молиявий ёрдам ва бошқалар киради. Бухгалтерия фойдаси

¹² (

) маълумотлари асосида муаллиф ишламишаси

кўрсаткичи камчиликлардан ҳоли эмас: турли мамлакатларда бухгалтерия стандартларида даромадлар ва харажатлар таркибини белгилашда турли ёндашувлардан фойдаланиш имкониятлари кўзда тутилган, шунинг учун турли корхоналар томонидан ҳисоблаб чиқилган фойда кўрсаткичларини бир-бирига солиштириб бўлмаслиги мумкин. Нархлар умумий даражасининг ўзгариши турли ҳисобот даврлар учун фойда ҳақидаги маълумотларни солиштиришни чеклайди.

Бозор механизмининг асосини корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини режалаштириш ва объектив баҳолаш, маҳсус фонdlарни шакллантириш ва улардан фойдаланиш, кўпайиш жараёнининг индивидуал босқичларидан харажатлар ва натижаларни ўлчаш учун зарур бўлган иқтисодий кўрсаткичлар ташкил этади. Бозор иқтисодиётининг кўрсаткичлар тизимида асосий рол фойда орқали келади.

Фойда олиш ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантиришда катта аҳамиятга эга. Аммо маълум ҳолатлар ёки камчиликлар туфайли (шартнома мажбуриятларини бажармаганлик, корхонанинг молиявий фаолиятини тартибга солувчи месъерий хужжатларни билмаслик) корхона зарар кўриши мумкин. Фойда бу умумий кўрсаткич бўлиб, унинг мавжудлиги ишлаб чиқариш самарадорлиги ва молиявий аҳволи яхши эканлигидан даолоат беради.

Корхоналарнинг молиявий ҳолати унинг рақобатбардошлиги (яни тўлов қобилияти) молиявий ресурслар ва капиталдан фойдаланиш, давлат ва бошка ташкилотлар олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини ўзига ҳос хусусияти. Фойда ўсиши корхонани кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш ва моддий эҳтиёжларини қондириш учун молиявий асос яратади. Фойда олиш тартибининг асоси мулкчилик шаклидан қатий назар барча корхоналар учун қабул қилинган ягона моделдир.

Фойдани яна икки турга бўлиб фарқлаш мумкин, яни солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган фойдага ажратиш орқали. Фойда келтиргандан сўнг, компания соликларни тўлайди ва фойда

қолган қисми компаниянинг ихтиёрида бўлади, яъни, даромад солигини чегирган ҳолда соф фойдани ҳосил қиласи.

Соф фойда – бу тақсимланмаган даромад ва унга боғлиқ солиқ тўловлари ўртасидаги фарқ. Корхона ушбу фойдани ўз хоҳишига кўра ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ижтимоий ривожланиш, ишчиларни рағбатлантириш ва акциялар бўйича дивдентлар учун тасарруф қилиш мумкин, корхонанинг ихтиёрида қолган тақсимланмаган фойда фирманинг шахсий капиталини қўпайтириш учун ишлатилади ва захира фондига қайта тақсимланиши мумкин.

Корхонанинг ишлаб чиқариш, маркетинг, таъминот ва молиявий фаолиятининг турли жиҳатлари молиявий натижалар кўрсаткичлари тизимида тўлиқ пул қийматини олади. Жамиятнинг молиявий натижаларининг якуний хуласалари даромадлар тўғрисида ҳисоботда келтирилган бўлади. Фойда бутун корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини тавсифловчи якуний молиявий натижа, яъни у корхонанинг иқтисодий ривожланишининг асосини ташкил этади.

Шу сабабли бюджет, банклар ва бошқа корхоналар олдидағи мажбуриятларнинг бир қисми бажарилади. Фойда корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини баҳолашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. У ўзининг бизнес фаолияти ва молиявий фаровонлигини баҳолайди. Фойдадан бюджет ажратмалар ҳисобига давлат, минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий ресурсларининг асосий қисми шаклланади ва мамлакатнинг, алоҳида худудларнинг иқтисодий ривожланиш суръатлари, ижтимоий бойликнинг ўсиши ва пировардида аҳоли турмуш даражасининг ўсиши кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Фойда турли хил бизнеси битимларидан олинган даромад ва заарлар ўртасидаги фарқ. Шунинг учун у корхоналарнинг якуний молиявий натижаларини тавсифлайди. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ўлчашда фойдаланиладиган фойданинг асосий кўрсаткичи қўйидагилардан иборат: баланс фойдаси, маҳсулот сотишдан олинган фойда, ялпи фойда, солиқ солинадиган фойда, корхона ихтиёрида қолган фойда ёки соф фойда.

Корхона фойдасининг асосий қисми маҳсулотларни сотишдан

олинганлиги сабабли, фойда миқдорига кўпгина омиллар таъсир кўрсатади: ишлаб чиқарилган ва сотилаётган маҳсулотлар ҳажми, ассортименти, сифати, тузилиши, индивидуал маҳсулотларнинг нархи, нарх даражаси ва ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш. Бундан ташқари унга шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши, етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасидаги ҳисоб – китобларнинг ҳолати ва бошқалар таъсир қиласи.

Фойда бўйича бюджетда чегирмалар амалга оширилади, банк кредитлари бўйича фоизлар тўланади. Замонавий бизнес шароитида фойда олишнинг асосий мақсади корхонанинг ишлаб чиқариш ва маркетинг фаолияти самарадорлигини акс эттиришdir. Бунинг сабаби, фойда суммаси ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар, ижтимоий зарур ҳаражатлар шаклида ишлайдиган, корхонанинг билвосита ифодаси маҳсулот нархи бўлиш керак бўлган корхонанинг индивидуал ҳаражатларини акс эттириши кераклиги билан изоҳланади.

Улгуржи нархларнинг барқарорлиги шароитида фойданинг ошиши корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг камайганлигидан далолат беради. Замонавий шароитда соҳфойдани моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган корхоналар ва давлат ҳамда халқ хўжалигининг турли тармоқлари ва шу соҳадаги корхоналар, моддий ишлаб чиқариш соҳаси ва ноишлаб чиқариш соҳаси ўртасида, корхоналар ва унинг ҳодимлари ўртасида тақсимот обьекти сифатида фойда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Корхонанинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишлаши фойда олишни рағбатлантирувчи ролининг ортиши билан боғлиқ. Фойдадан фойдаланиш асосий баҳолаш кўрсаткичи сифатида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини оширишга, унинг сифатини оширишга, мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга ёрдам беради. Фойдани тақсимлашнинг жорий тизимиға боғлиқ бўлиб, унга мувофиқ корхоналар нафақат фойда умумий миқдорини, балки унинг ихтиёрида қоладиган ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларга ажратилган маблағларнинг асосий манбай сифатида фойдаланишга қизиқиши билдиromoқдалар. Ишлаб чиқариш,

Шуннингдек, сарфланган меҳнат сифатига мувофиқ ҳодимларни моддий рағбатлантириш. Шундай қилиб, фойда ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни рағбатлантиришда, крхонанинг юқори натижаларга эришишида ишчиларнинг моддий қизиқишини кучайтиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Фойдани тақсимаш ва рағбатлантирувчи ролини янада кучайтириш уни тақсимлаш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ. Бироқ, фойда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ягона ва универсал кўрсаткичи сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Агар танинрарх кўрсаткичларининг ўсиш суръати жисмоний маҳсулотда маълум иурдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларидан юқори бўлса, ишлаб чиқариш ресурсларидан унинг фойдали таъсир бирлигига нисбатан самарадорлиги пасаяди. Шуннингдек, бу моддий истеъмолнинг кўпайиши, меҳнат чизиги, иш ҳаки интенсивлиги, капиталнинг интенсивлиги ва пировардида муайян маҳсулот турлари бирлигининг нархини жисмоний кўринишда оширишда ҳам ўз аксини топади. Фойда ҳажми ва ўсиш суръатлари асосий воситалар ва айланма маблағлардан фойдаланиш ҳажми ва самарадорлигининг ўзгаришини тўлиқ акс эттирмайди.

Ҳар қандай давр учун иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши кўплаб турли омиллар таъсирида содир бўлади. Фойда таъсир этувчи омилларининг хилма – хиллиги уларни таснифлашни талаб қиласди, шу билан бирга асосий йўналишларни аниқлашда, бизнес самарадорлигини ошириш учун захираларни қидиришда муҳимдир.

Фойда таъсир қилувчи омиллар турли мезонларга кўра таснифланиши мумкин. Шундай қилиб, ташқи ва ички омилларни ажратинг. Ички омиллар таркибига корхонанинг ўзига боғлиқ бўлган ва ушбу гуруҳ ишининг турли томонларини тавсифловчи омиллар киради. Ташқи омилларга корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган омиллар киради, аммо уларнинг баъзилари фойда ўсиши ва ишлаб чиқариш рентабеллигига сезиларли таъир кўрсатиши мумкин.

Ўз навбатида, ички омиллар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тўрларига қараб бўлинади. Ишлаб чиқаришдан ташқари омиллар асосан тижорат, атроф – муҳит, корхонанинг бошқа шунга

ўхшаш фаолияти билан боғлиқ ва ишлаб чиқариш омиллари фойда шакллантиришда иштирок этадиган ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементларининг мавжудлиги ва ишлатилишини акс эттиради, бу меҳнат воситалари, меҳнат объектлари ва меҳнатнинг ўзи. Ушбу элементларнинг ҳар бири учун экстенсив ва интенсив омиллар гурӯхлари ажралиб туради. Кенг омиллар қаторига ишлаб чиқариш ресурслари ҳажмини улардан ўз вақтида фойдаланиши, шунингдек, ресурслардан самарасиз фойдаланиши киради.

Ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари фойдани юқори буюртманинг умумлаштирилган омил кўрсаткичлари тизими орқали таъсир қиласди. Ушбу кўрсаткичлар, бир томондан таннархни шакллантиришда иштирок этган, уларнинг истеъмол қилинган қисмидан фойдаланиш ҳажми ва самарадорлигини акс эттиради. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш жараёнининг бир хил элементлари, яъни меҳнат воситалари, уларнинг объектлари, бир томондан саноат ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг асосий бирламчи омиллари, иккинчи томондан, асосий омиллар сифатида кўриб чиқиласди.

Фойда ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг таннархи ўртасидаги фарқ, шунинг учун унинг қиймати ва ўсиш суръати саноат ишлаб чиқариши ва ишлаб чиқариш таннархининг кўрсаткичлари тизими орқали фойдани таъсир қиладиган ишлаб чиқаришнинг учта асосий омилига боғлиқ.

Фойда ўсиши ўз – ўзини молиялаштириш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ходимларни ижтимоий ва моддий рағбатлантириши муаммоларини ҳал қилиш учун молиявий базани яратади. Фойда, шунингдек, бюджет даромадларини шакллантиришнинг муҳим манбаси (федерал, республика, маҳаллий) ва ташкилотнинг банклар, бошқа кредиторлар ва инвесторлар олдидаги қарз мажбуриятларини тўлашдир. Фойда кўрсаткичлари корхонанинг ишлаши ва ишибилармонлик сифатини, унинг ишончлилиги ва молиявий фаровонлигини баҳолаш тизимида энг муҳим ҳисобланади. Фойда миқдорига ташқи ва ички омиллар таъсир қиласди:

Ташки омилларга куйидагилар киради:

Демографик

жардіктердің өсуінен тура келген

Одисейттің қолати

жардіктердің өсуінен тура келген

Демографик қолат

жардіктердің өсуінен тура келген

Бозор шаронглари, истиемол товарлар бозори

жардіктердің өсуінен тура келген

Инфляция даражасы

жардіктердің өсуінен тура келген

Кредит учун фойз ставкасы

жардіктердің өсуінен тура келген

Ички омилларга куйидагилар киради:

Ялпи даромад

Товар айланмаси тезлиги

**Тарқатыш харажатлари·
микдори**

**Айланма маблагларнинг
мавжудлиги**

6-расм. Фойда микдорига ташки ва ички омиллар тасири¹³

Молиявий категория сифатида фойда куйидаги учта функцияни баражади:

Тақсимлаш – кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш жараёнида пул ва молиявий ресурсларни тақсимлаш воситаси сифатида. Бир томондан, фойда тақсимот муносабатлари, яғни маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган даромад, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини минималлаштириш натижасида, бошқа томондан эса фойда ўзи белгиланган мақсадга мувофиқ тақсимланади. Баҳоловчи – ушбу функцияда фойда даражаси корхона ва ташкилотнинг иқтисодий фаолияти самарадорлигига қараб баҳоланади.

Рағбатлантириш – бир томондан, фойда бир қисми ишлаб чиқаришни яхшилаш, корхонанинг (ташкилотнинг) молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни молиялаштиришга

¹³ (<http://az.wikipedia.org/w/index.php>) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

йўналтирилган бўлса, иккинчи томондан, корхона ишчилари учун иқтисодий рағбатлантириш жамгармалари фойда хисобига яратилишига асосланади.

Иқтисодиётнинг диверсификацияланган тизими сифатида истеъмолчилар кооперациясининг фойдаси бир катор соҳаларнинг: савдо, умумий овқатланиш, таъминот, саноат, транспорт, қурилиш ва бошқаларнинг даромадларидан иборат.

Шу билан бирга, фойда олиш манбалари ва тартиби саноат хусусиятларига эга. Шундай қилиб, савдо соҳасида истеъмолчилар кооперациясининг етакчи тармоғи, ялни даромад ва фойданинг асосий манбаи етказиб берувчилардан сотиб олинган товарлар бўйича кўшимча тўловлардир. Умумий овқатланиш соҳасида – сотиб олинган товарлар ва ўз ишлаб чиқаришлари маҳсулотларнинг маржаси; сотиб олишда сотиб олинган маҳсулотни сотишдан тушган тушум ва сотиб олинган нархларда уларнинг қиймати ўртасидаги фарқ; саноатда – маҳсулот сотишдан тушган тушум ва уни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ўртасидаги фарқ.

3.2. Саноат корхоналарида соғ фойда кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг услубий асослари

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари улардаги ресурсларнинг бир қисми бўлиб, бу ресурслар пул шаклида амал қиласди. Ресурсларнинг пул шаклида амал қилиши молиявий ресурслар моҳиятан тавсифининг ажralmas қисми ҳисобланиб, бу нарса уларни хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа ресурслари кўринишларидан, хусусан, ишлаб чиқариш воситалари (дастгоҳлар, машиналар, хомашё ва материаллар, ишлаб чиқаришга мўлжалланган бинолар ва шунга ўхшашлар)дан фарқ қиласди. Буни инобатга олган ҳолда хўжалик юритувчи субъект воситаларининг “пул шакли” ва “пул қиймати” тушунчаларини фарқламоқ лозим.

“Хўжалик юритувчи субъект воситаларининг пул қиймати” тушунчаси одатда, пул маблағларининг ўзини эмас, балки турли мақсадлар учун мўлжалланадиган воситалар ва фондлар (масалан, асосий фондлар)нинг қиймат жиҳатидан баҳоланишини англалади.

Мамлакатимиз корхоналаридаги иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижаларига назар соладиган бўлсак. 2019 йилнинг январь – ноябрь ойларида иқтисодиёт тармокларида корхона ва ташкилотлар томонидан 27 656,7 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди. Бу 2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда фойда 139,6 %га кўпайган.

6-жадвал

Фойданинг ўсиш суръати юқори бўлган корхона ва ташкилотлар¹⁴

Компания	Фойданинг ўсиш суръати	Миқдор
“НКМК” ДК	8 702,3	6,0 м.
“Ўзавтосаноат” АЖ	2 752,0	3,2 м.
“ОКМК” АЖ	2 286,5	189,7
“Ўзкимёсаноат” АЖ	410,3	2,9 м.
Электротехника саноати корхонатари уюшмаси	404,5	2,9 м.
“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК	347,6	149,7
“Ўздонмаксудот” АК	222,3	5,7 м.

2019 йилнинг январь – ноябрь ойларида фойданинг ўсиш суръати юқори корхона ва ташкилотлар шунингдек, вазирликлар кесимида назар соладиган бўлсак, “НКМК” ДК юқори натижага эришган, яъни 2019 йилнинг январь – ноябрь ойларида 8 702,2 млрд. сўмга фойданинг ўсиш натишиасига эришган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 маротаба кўп кўрсаткич саналади. Бундан ташкари, “Ўзавтосаноат” АЖ, “ОКМК” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, Электротехника саноати корхоналари уюшмаси, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК каби корхоналар юқори натижаларга эришганини кўришимиз мумкин.

Пулга сотиб олинганлигига қарамасдан ишлаб чиқариш воситалари ҳақиқатда улар пул эмас ва пул хисобланмайди. Ишлаб

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитаси маълумотлари

чиқариш фондларини қайтадан пул шаклига айлантириш учун, аввало, уларни сотиш керак. Бу ҳолда эса, ўз навбатида мол – мулкнинг балансда акс эттирилган қиймат баҳолари эмас, балки ҳақиқатдаги бозор баҳолари ҳаракатта тушади.

Молиявий қийинчиликлар ва банкротлик хавфи остида вужудга келадиган бундай вазиятлар корхонани ёмон оқибатларга, хусусан, маблағлар ва ресурсларнинг йўқотиб кўйишига олиб келиши мумкин. Ҳолбуки, ҳалқаро амалиётдаги маълумотларга кўра банкротга учраган корхона тугатилаётгна пайтда унга тегишли бўлган активлар қийматининг 40 %дан ортиқ бўлмаган қисмини олишга муваффақ бўлиши мумкин. Шу муносабат билан ҳатто, соғлом бозор айланмасида, яъни талабга эга бўлган тайёр маҳсулот реализация килинганда ҳам у фақат сотилгандан сўнг пул маблагига айланади.

7-жадвал

Зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари¹⁵



2019 йилнинг январь-ноябрда иқтисодий фаолият

турлари бўйича зарар кўрган корхона

ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	Зарар суммаси	
		Жиро. сўм	Эсамича нишбетан юни
Жами	232	8254,6	100,0
Тоғ-кон савоати ва отик кондитарни импеш	2	7,1	0,1
Ишљаб чиқаралган савоат	42	704,1	8,5
Электр, газ, бут билан тъминланыш ва ҳавони кондиционлаш	25	1177,9	14,3
Сув билан тъминланам: канализация тизим, чопидостарни ўнгли ва утилизация китниш	5	82,4	1,0
Курилиш	8	14,2	0,2
Савдо	61	333,5	4,0
Ташин ва саклам	35	4990,1	60,5
Яшаш ва овқатланни бўйича хизматлар	15	30,1	0,4
Ахборот ва авока	7	9,7	0,1
Профессионал, илмий ва техник фоолият	2	3,6	0,0
Бошхариш бўйича фоолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	4	2,3	0,0
Санъат, кўнинг очин ва зам олиш	8	72,0	0,9
Бошжалар	18	827,6	10,0

2019 йилнинг январь – ноябрь ойларида иқтисодий фоолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг умумий

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмигаси мавзумоглари

сони 232 тани ташкил қилса умумий микдорда 8 254,6 млрд. сўм зарар кўрилган.

Зарарнинг асосий қисми “Ўзтрансгаз” АЖ га тўғри келиб, 1 439,0 млрд. сўмни ташкил қилади. Шунингдек, “Ўзбекистон темир йуллари” АЖ 1 370,0 млрд. сўм, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ 692,2 млрд. сўм корхоналарига тўғри келади.

Бундан ташқари, зарар кўрган корхона ва ташкилотларни худудлар кесимига назар соладиган бўлсан унинг катта қисми Тошкент шахрига тўғри келади ва 106 та корхона зарар кўрганини кўришимиз мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнини янгидан бошлаш ва ривожлантиришга мўлжалланган корхонанинг молиявий ресурслари бу пул шаклидаги унинг капиталидир. Мехнат воситалари, предметлари ва натижалариiga айланган моддий-буюмлашган капитал, ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиларининг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларидан иборат бўлган инсон капитали мавжудлиги ва ҳаракатнинг бошқа пулсиз шакллари хисобланади.

8-жадвал

Худадлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари¹⁶



2019 йилинин январи-ноябрнада худадлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	Тариф кўрган корхоналарнинг узуми, %	Зарар сўмаси, млрд. сўм
Ўзбекистон Республикаси	232	11,5	8254,6
Киришчилик тариф	5	7,2	27,3
Индикилмади маддий муръаба			
Андроник	17	15,7	244,4
Булоро	6	5,0	16,3
Ахмадабад	4	9,1	5,1
Кашкадарье	9	6,3	239,2
Навоюй	3	5,3	3,4
Наманган	8	7,5	7,3
Самарқанд	12	10,0	39,2
Сурхандарье	8	7,5	88,2
Сибодари	8	18,2	228,3
Тошкент	30	12,5	447,9
Хорезм	5	6,0	5,4
Томонкент ш.	106	16,6	5481,8

¹⁶ Узбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

Принцип жиҳатдан, тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг доиравий айланишига киритилган ва унинг эгасига даромад келтирувчи ҳар қандай мулкий ва интеллектуал бойлик капитал бўлиши мумкин.

Корхоналарнинг молиявий ресурслари дастлаб улар таъсис капиталининг бир қисмини пул шаклида қўйиш шунингдек, бошқа шахслар ва ташкилотлардан мақсадли молиялаштириш ва субсидиялар кўринишида келиб тушган пул маблағлари қисми ҳисобидан шакллантирилади. Таъсис капиталининг пулсиз қисми (саноат ва интеллектуал мулк обьектлари, улардан фойдаланиш хукуқлари ва бошқалар) эса, ҳудди мақсадли тушилмалар сингари, агар улар пул кўринишида қўйилмаган бўлса, уларни корхонанинг молиявий ресурслари таркибига киритиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва товар ҳамда молия бозорларида корхона фаолиятининг фаоллашуви натижасида унинг молиявий ресурслари таркибий тузилмасида фойда ҳал қилувчи ўринни эгаллай бошлайди. Фойда корхона ўз маблағларининг асосий манбай бўлиб, ишлаб чиқариш аппаратининг янгиланишини, сифатнинг яхшиланишини, чиқарилаётган маҳсулот ассортиментининг кенгайишини ва бошқаларни таъминлайди. Фойда ҳисбидан корхонанинг резерв фондлари, маҳсус мақсадларга мўлжалланган фондлар шакллантирилади.

Фойда массаси ва нормаси, унинг харажатларга нисбати корхонанинг кредитга лаёқатлигини ва унинг қарз маблагларини жалб қилиш имкониятини, узоқ ва қисқа муддатли кредитларни олишни аниқлаб берадиган муҳим индикаторлардир. Қарз маблағларини корхона ўз маблағларига нисбати $1/3$ ва ундан катта даражага етгани, унинг тўловга лаёқатлиги борасида кредиторларида ҳам, ҳамкорларида ҳам шубҳа туғдирмаслиги мумкин.

Амалдаги корхоналарнинг молиявий ресурсларини уларнинг шаклланиш манбаларига қўра қўйидагиларга ажратиш мумкин:

- маҳсулот реализациясининг тушуми ҳисбидан шаклланадиган молиявий ресурслар;
- бошқа реализация ҳисбидан олинадиган молиявий ресурслар;

- молиявий бозорда шаклланадиган молиявий ресурслар;
- кредиторлик қарзлари ҳисобидан ташкил топадиган молиявий ресурслар;
- бадаллар ва мақсадли характердаги тушилмалар ҳисобидан шакллантириладиган молиявий ресурслар.

Иқтисодий муносабатларни такрор ишлаб чиқариш шаклларидан бири сифатида корхоналар молиясининг ҳаракати минимал харажатларда максимал натижалар олинишини назарда тутувчи самарадорликнинг умумиқтисодий мезонига бўйсунади. Шу сабабли корхона молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини куйидаги формула орқали тасаввур этиш мумкин:

$$C = H / X$$

Бу ерда, С – корхона молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги; Н – маълум давр учун корхона фаолиятининг молиявий натижаси; Х – шу молиявий натижани қўлга киритиш учун корхона томонидан қилинган молиявий ресурслар харажатлари

Корхона молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда шу нарсани инобатта олиш керакки, молиявий натижа фақат молиявий эмас, балки моддий ва меҳнат ресурслари харажатларининг натижаси ҳамdir. Шунинг учун ҳам маҳсулотни реализация қилишдан олинган фойдани таққослаб туриб, бунинг натижасида фақат фаолиятининг соф молиявий томонини характерловчи кўрсаткичга эга бўламиз деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмас. Бу корхона молиявий – хўжалик фаолияти самарадорлигини характерловчи яхлит кўрсаткичлардан бири бўлиб, унга кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида моддий ишлаб чиқариш ва молиявий оқимларнинг ажралмаси bogлиqligidi.

Юқорида билдирилган фикр ўзига молиявий натижа ва молиявий харажатларнинг тавсифини мужассам этувчи корхона молиявий – хўжалик фаолиятининг самарадорлигини характерловчи бошқа кўрсаткичларга ҳам тўлиқ тегишилди. Шундай бўлишига қарамасдан аналитик мақсадлар учун бу мажмуудан айнан корхонанинг молиявий фаолиятини, унинг молиявий ва баҳо сиёсатининг самарадорлигини адекват тарзда характерловчи

күрсаткичларни ажратиш мухимдир.

3.3. Саноат корхоналарини ривожлантириш мақсади ҳамда фойда ҳажмининг оширилиши

Саноат корхоналарини стратегик ривожлантиришни муқобил йўлларини белгилаб олиш мұхим ҳисобланади сабаби айнан стратегик қатий белгиланган йўл орқали қандайдир кўзланган мақсадга эришиш мумкин ҳисобланади.

1) Чекланган ўсиш - бунда корхона эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, бозордаги ўрнини кучайтириш стратегияси – корхона ҳозирги кунда молиявий барқарор ҳисобланиб ушбу кўрсаткичларни бир маромда ушлаб туриши ва бозорда ўз ўрнини бошқа рақобатчиларга бериб кўймаслиги зарур. Бунинг учун ишлаб чиқаришни интенсив усулда ривожлантириш, яъни ишлаб чиқариш хом – ашёларидан маҳсулот олишини янада ошириш, маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш ҳисобига рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

2) Ўсиш – диверсификация стратегияси, бозорни ривожлантириш стратегияси – чегараланган хомашёлардан олинадиган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва чукур қайта ишлашни амалга ошириш натижасида маҳсулотлар диверсификацияси кўрсаткичларини ошириш ва янги тур маҳсулотлар ҳисобига бозорни ривожлантиришдан иборат.

3) Қисқартириш – тугатиш, ишлаб чиқаришни қисқартириш ва ҳаражатларни қисқартириш стратегияси – ишламай турган, иқтисодий самара бермаётган цех ва ускуналарни тугатиш ҳисобига ишлаб чиқаришни айрим соҳаларини қисқартириш ва уларни ўрнига янги замонавий ускуналар ўрнатиш ёки бошқа тур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига ҳаражатларни оптималлаштириш (энергия ресурслари, материаллар сарфини камайтириш ва иш ўринларини атесстация қилиш, ҳодимларни малакаси бўйича атесстациядан ўтказиш ҳисобига ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш) зарур бўлади.

4) Уйғулаштирилган - ушбу стратегия жамият учун макбул

стратегия ҳисобланиб жамиятнинг бир маромда ривожланиши, иқтиносидий самарасиз ишлаб чиқаришлардан воз кечиш ишлаб чиқариш кувватларидан унумли фойдаланиш ва ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади. Ушбу стратегияни амалга ошириш ўта муҳим ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган стратегик 2021 – 2025 йилларда ривожлантириш стратегия режаси лойижасида ҳам кўзда тутилган.

Саноат корхоналарини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишдан кутилаётган натижаларга назар соладиган бўлсак, узок муддатли истиқболга оид ривожланиш стратегияси амалга оширилиши натижасида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг усиши, ишлаб чиқариш кувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш амалга оширилади.

Жамият аъзоларига, корхонанинг стратегик ривожлантириш асосида аниқ мақсадларга эришиши тўғрисида маълумот бериш асосида ўз акцияларининг келгусида қандай мақсадларда ишлатилиши ва ундан олинадиган даромадлар бўйича маълумотларга зга бўладилар.

Ривожлантириш стратегияси амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш каби йўлларни ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ саналади, бунда корхонада стратегик ривожланиш режаси бўйича белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган сон ва сифат мезонларини жорий этади.

Кузатув кенгаши ижроия органи, корхона ички назорат органи, корхонада ташкил этилган коллегиал органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, корхонанинг стратегик ривожланиш режасида белгиланган мақсадларни бажарилишини назорат қиласди. Шунингдек, ижроия органи ҳисботларини тинглайди. Шундан келиб чиқсан ҳолда қарорлар қабул қиласди. Зарур бўлганда стратегик ривожланиш режаси бажарилиши бўйича мониторинг ўtkазиш учун

экспертларни жалб этади.

Корхонанинг моилявий натижалари ҳақида прогоз кўрсаткичларидан олдин унинг мазмунига эътибор қаратсак, корхонанинг моилявий натижалари ҳисобот даврида капиталнинг ўзгариши билан ифодаланади. Корхонанинг ўз капиталининг ўсишини тъминлаш қобилияти молиявий натижалар кўрсаткичлари тизими томонидан баҳоланиши мумкин. Буларга қуидагилар киради:

- сотишдан тушган фойда;
- молиявий – иқтисодий фаолиятдан олинган фойда;
- ҳисобот давридаги фойда;
- ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда;
- бошқа сотишдан тушган фойда (асосий восит ва бошқа мулк);
- операцион бўлмаган фаолиятдан олинган фойда;
- даромад солиги ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан кейин ташкилот ихтиёрида қолган фойда.
- товарлар, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларни сотишдан тушган ялпи фойда.

Саноат корхоналарини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишдан кутилаётган натижаларга назар соладиган бўлсак, узоқ муддатли истиқболга оид ривожланиш стратегияси амалга оширилиши натижасида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни тъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш амалга оширилади.

4-БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАМАЙТИРИШ АСОСИДА РАҚОБАТДОШЛИКНИ ОШИРИШ

4.1. Саноат корхоналари рақобатбардошлигини таъминлашда ишлаб чиқарип харожатларини пасайтиришининг назарий ва услубий асослари

Рақобатбардошликнинг юқори даражаси мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширади, аҳолининг турмуш даражаси ўсади ва сифатининг яхшиланишини таъминлайди. Иқтисодиётнинг таркиби, инфратузилмаси, бошқаруви, геоиктисодий ҳолати, миллий қийматликлари ҳамда тарихидаги тафовутлар барчаси у ёки бу даражада мамлакат ва унинг корхоналар рақобатбардошлигига таъсир қиласди. Глобализация жараёнида миллий товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи ташки омиллар миқёси ва таркибida салмоқли ўзгаришлар юз беради.

Истеъмолчилар учун кураш – бу биринчи навбатда бозорда ўз таъсир доирасини ўрнатиш учун кураш бўлиб, ў ўз навбатида арzon нархлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари, яъни истеъмол қиймати билан боғлиқ. Рақобат кураши жараёнида шу маҳсулотга бўлган талаб ва нарх жиҳатидан баҳо берилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 ноябрдаги “Рақобат тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида рақобат тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “**Рақобат** - хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди¹⁷”.

К.Макконнел ва С.Брюларнинг таъриф беришича: “Ҳар бир шахснинг ўзи учун пул даромади ишлаб топишга интилиши шаклида амалга ошириладиган танлов эркинлиги капитализмнинг туб

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. 4-модда www.Lex.uz.

хусусияти бўлган рақобат ёки иқтисодий мусобақалашув учун асос бўлиб хизмат қилади. Рақобат иқтисодчилар учун қуидагиларни англатади:

1. Ҳар қандай аниқ маҳсулот ёки ресурс бозорида бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракат қилувчи кўп сонли сотувчилар ва харидорларнинг мавжудлиги.

2. Сотувчилар ва харидорларга у ёки бу бозорга кириш ёки ундан чиқиб кетиш учун эркинликнинг мавжудлиги¹⁸.

Е.Н.Киселева, О.В.Власова, Е.Б.Конноваларнинг фикрича: “Рақобат – бозорга асосланган товар ишлаб чиқаришни тартибга солиб турувчи асосий куч, товарлар бозорида сотувчилар ва харидорларнинг ўз шахсий манфаатларини максимал даражада амалга ошириш йўлидаги иқтисодий курашидир”¹⁹.

Илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, товар ишлаб чиқарувчиларнинг тармоқ ичидағи ва тармоқлараро, нарх орқали ва нархсиз рақобат турлари фарқ қилади.

Тармоқ ичидағи рақобатда бир хил маҳсулотлар турини (маҳсулотлар турлари гуруҳларини) ишлаб чиқарувчилар бозорда куляй мавқени кўлга киритиш ва ўз маҳсулотларини манбаатли нархларда сотиш учун иқтисодий кураш олиб борадилар. Тармоқ ичидағи рақобат натижасида маҳсулотга ўртacha бозор нархи ўрнатилади. Бозорда юз бераётган ўзгаришларга тез мослашадиган, ишлаб чиқаришга замонавий техника-технологияларни жорий эта олган ва маҳсулот таннархини минималлаштиришга эришган товар ишлаб чиқарувчилар муваффақиятга эришади. Шунинг учун ракобат иқтисодиётни ривожлантирувчи асосий кучлардан бири сифатида тан олинади.

Тармоқлараро рақобат – бу бозорда турли тармоқларга мансуб товар ишлаб чиқарувчиларнинг капитал сарфлашнинг манбаатли соҳаларини эгаллаш орқали максимал фойда олишга йўналтирилган курашидир. Тармоқлараро рақобатда капиталнинг кам даромад

¹⁸ К. Макконнелл, С. Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. с англ. 11-го изд. Т. 1. –М.: Республика, 1992. – 52 стр.

¹⁹ Е.Н.Киселева, О.В.Власова, Е.Б.Коннова. Рынок продовольственных товаров: учебное пособие. http://www.pian.ru/uchebnik/rynek_predovolstvennyh_tovarov_p2.php. -14 стр.

келтирувчи соҳалардан рентабеллиги юқори соҳаларга оқиб ўтиши юз беради. Натижада капиталга нормал фойда нормаси ўрнатилади.

Нархсиз рақобат - сотувчиларнинг реклама, қадоқлаш, дизайн, кафолат бериш, сотишдан олдинги ва кейинги сервис хизмати кўрсатиш каби нархдан ташқари механизмлар орқали ҳаридорлар учун курашини акс эттиради.

Рақобатлашув шартларига кўра қўйидаги рақобат турлари амал қиласди:

- соғ рақобат;
- монополистик рақобат.

Соф (идеал) рақобат – бир хил турга мансуб товар бозорида нархга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлмаган кўп сонли сотувчилар ва ҳаридорлар мавжуд бўлганда юзага келади.

Монополистик рақобат бозорда соғ рақобатга нисбатан кам сонли сотувчилар мавжудлиги билан характерланади, аммо уларнинг ҳар бири ўз товарлари нархини маълум чегарада назорат қиласди, яъни улар кичик бўлса ҳам монопол ҳокимиятга эга. Бунда товарлар мўлжалланиши жиҳатидан бир турга мансуб бўлсада, ҳар бир сотувчи ўз товарини бошқалардан савдо маркаси, ўзгача қадоқланиши ва ўрами, шакли ва бошқа хусусиятлари бўйича ажralиб туришига интилади. Бу ҳолат унга товар нархини кичик доирада бўлсада назорат қилишга имкон беради.

Рақобат муаммоси бугунги кунда энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бирига айланиб бормоқда. Чунки, ички ва ташки бозорларда рақобат муҳити кундан-кунга кучайиб, рақобатлашиш чегараси фирмалараро рақобатдан тармоқ, мамлакатлар ва ҳудудлар доирасигача кенгайиб кетди.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиқ даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашганлиги ва диверсификациялашганлиги, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган

талааб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислоҳотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ, деб хулоса қилиш мумкин.

Корхоналарнинг бозорларда эгаллаган позицияси мустаҳкамлиги уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатбардошлиги ҳамда рақобатлаша олиш имкониятлари билан ўлчанади. Товарнинг истеъмол ва қиймат кўрсаткичлари йиғиндиси унга тижорат муваффакиятини таъминлаган тақдирдагина у рақобатбардош ҳисобланади. Рақобатбардош товар – бу ўзининг сифат ва ижтимоий-иқтисодий белгилари билан худди шундай бошқа товардан манфаатли тарзда ажралиб турувчи товардир²⁰.

Маҳсулотларининг рақобатбардошлигини аниқлашни 7-расмда келтирилганидек тўртта босқич бўйича амалга ошириш мумкин.

1. Бозор конъюнктурасини ўрганиш (талааб, таклиф, нархлар, бозор сигими, бозорнинг товар ва жуғрофий таркиби, сотиш каналлари, реклама).

2. Маҳсулотлар рақобатбардошлигининг истеъмол (товарнинг сифат кўрсаткичлари, дизайнни, қадоқланиши, сотишдан олдинги ва кейинги сервис) ва иқтисодий (товар таниҳиҳи, материал сигими, меҳнат сигими, энергия сигими, фонд кайтими, фонд сигими, фойда, рентабеллик даражаси ва бошқалар) кўрсаткичларини тизимли таҳлил этиш.

3. Рақобатчиларни ўрганиш ва таққослама таҳлил этиши асосида уларнинг рақобат устуниллари ва занфликларига баҳо бериш.

4. Маҳсулотлар рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш.

7-расм. Маҳсулотлар рақобатбардошлигига баҳо бериш босқичлари

Юқорида келтирилган расмдан маълумки, товарлар ва

²⁰ Е.Н.Киселева, О.В.Власова, Е.Б.Коннова. Рынок продовольственных товаров: учебное пособие. http://www.plam.ru/uchebnik/tynok_prodrovolstvennyy_tovary_p2.php. -16 с.

жизнестарлар бозорларида маҳсулотлар рақобатбардошлигини белгилаб берувчи омиллар ичидаги маҳсулотлар рақобатбардошлигининг иқтисодий (товар таннархи, материал сифими, меҳнат сифими, энергия сяғими, фонд қайтими, фонд сифими, фойда, рентабеллик даражаси ва бошқалар) кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга.

Илмий адабиётларни ўрганиш ва хусусан М.Портернинг “истеъмол қиммати занжири концепцияси” асосида шундай хуносага келиш мумкинки, бугунги кунда рақобатбардошликтин таъминлашнинг энг асосий омилларидан бири – бу маҳсулотларнинг бозордаги рақобатбардошлик устунлигидан фойдаланишdir. Портер назариясига кўра рақобат устунлигини таъминлашда иккита ёндошув мавжуд:

Биринчи ёндошув – ишлаб чиқаришда масштаб самарасидан фойдаланиш ва энг яхши технологияларни кўллаш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш, демак рақобатчиларга нисбатан маҳсулот нархини арzonлаштириш орқали рақобат устунлигини таъминлаш.

Иккинчи ёндошув – харидор учун маҳсулотнинг нафлиилиги ва қадр-қимматини ошириш (истеъмол хусусиятлари, фойдалилиги, сифати, дизайнни, қадоқланиши, сотишдан олдинги ва кейинги сервис, кафолат бериш ва бошқа) орқали унинг эҳтиёжларини максимал қондиришга интилиш орқали рақобат устунлигига эришиш.

Саноат маҳсулотларига нисбатан бу юкори сифатли, экологик хавфсиз ва мустаҳкам, инсон эҳтиёжларини комплекс қондириш хусусиятларига эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларни сифат кўрсаткичлари бўйича табақалаштириш, саклаш, истеъмолчилар учун қулай тарзда қадоқлаш ва етказиб бериш (керак бўлса уйларига) масалаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон маҳсулотларининг ички ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш учун товар ишлаб чиқарувчиларимиз ўзларининг рақобат стратегияларини аниқ белгилаб олишлари лозим бўлади. Бунинг учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ички ва жаҳон бозорларидаги аналогик маҳсулотлардан рақобат устунлигини таъминлаш ва шу орқали бозорларда ўз позициясини мустаҳкамлаш мумкин бўлади.

Мамлакатимиз саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш-сақлаш-қайта ишлаш ва экспортга чиқариш технологик занжирида маҳсулотларнинг ассортименти, сифати, истеъмол хусусиятлари ва бошқа жиҳатларини яхшилаш билан bogлиқ ташкилий-иқтисодий, техник-технологик ва ижтимоий характердаги тадбирларни тизимли йўлга қўйиш билан бирга энг асосий омиллардан бири сифатида ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш, ресурс тежовчи технологияларни қўллаш эвазига маҳсулотлар таннархини арzonлаштириш имкониятларини қидириб топишdir.

Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг корхона рақобатбардошлигига таъсирини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот таннархини арzonлаштириш имкониятига эга корхоналаргина муваффакият қозониши мумкин.

Умуман олганда харажатларни турли мезонларга мос келишига қараб қўйидагича туркумлаш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш жаражёнидаги иштирокига кўра:

- ишлаб чиқариш харажатлари;
- муомала (ноишлаб чиқариш) харажатлари.

2. Маҳсулот таннархига олиб борилиниши жиҳатидан:

- бевосита харажатлар;
- билвосита харажатлар.

3. Ишлаб чиқариш ресурсларининг манбаига кўра:

- ички харажатлар;
- ташки харажатлар.

4. Маҳсулот ҳажми ўзгаришига нисбатан:

- доимий (ўзгармас) харажатлар;
- ўзгарувчан харажатлар .

5. Хўжалик юритувчи субъектларининг умумий ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа хўжалик фаолияти натижасида юзага келадиган:

- маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар;
- давр харажатлари;

- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- фавқулодда заарлар.

Ишлаб чиқариш харажатлари бевосита ишлаб чиқариш жараёнини амалға ошириш билан боғлиқ куйидаги харажатлардан ташкил топади:

- бевосита моддий материал харажатлари;
- бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тааллукли устама харажатлар.

Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажат турлари ноишлаб чиқариш харажатлари деб юритилади. Унинг таркибига:

- маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар;
- бошқарув харажатлари;
- бошқа операцион харажатлар ва заарлар;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- фавқулодда заарлар киради.

Айрим турдаги ишлаб чиқариш харажатларини яратилаётган маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри киритиш мумкин. Унга ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақи ва истеъмол қилинган моддий ресурслар сарфини киритиш мумкин. Бундай харажат турлари бевосита ишлаб чиқариш харажатлари деб юритилади.

Иккинчи бир харажат турлари бир неча хил маҳсулот етиштириш жараёнида иштирок этиши туфайли (масалан, асосий воситалар амортизацияси), уларга кетган харажатларни шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги иштирокига мутаносиб тақсимлашга тўғри келади. Бундай харажатлар билвосита ишлаб чиқариш харажатлари деб юритилади.

Бевосита ишлаб чиқариш харажатлари фақат товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олиб, товар бирлиги қийматининг фақат унинг бир қисмини ташкил қилади²¹.

Ишлаб чиқариш харажатлари деганда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлар тушунилади. Ишлаб чиқариш сарф-харажатлари

²¹ Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Фофуров. Иқтисодиёт назарияси. Дағслик, -Т.: Иқтисод-молия, 2010. – 270 б.

таркибига хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилги ва энергия учун қилинган харажатлар, асосий капитал амортизацияси, иш ҳаки ва ижтимоий сугуртага ажратмалари, фоиз тўловлари ва бошқа харажатлар киради.

Корхонанинг ишлаб чиқариш, операцион, молиявий ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган ва унга киритилган ўзгартиришлар асосидаги “Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ қуидагича туркмланади (9-жадвал):

9-жадвал

Харажат турлари элементлари ва уларнинг таркиби

МАҲСУЛОТНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИ (МТ):	
1.1.	Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари: <ul style="list-style-type: none"> - ўзи ишлаб чиқарган ва сотиган хом ашё материаллари; - ёрдамчи ишлаб чиқариш учун хом ашё ва материаллар; - ташки субъектлар томонидан асосий фаолият туринга оид бўлмаган, аммо - ишлаб чиқариш характеристидаги иш ва хизматларни бажариш харажатлари; - ўз кучи билан ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларни техник кўрик, жорий, оралиқ ва капитал таъмилашига сарфланган моддий ресурслар сарфи; - корхонанинг ўз техникалари билан бажарадиган ишлаб чиқариш ишларига сарфланадиган моддий ресурслар сарфи; - табиий камайини мебўрида моддий қийматларни камомади ва маҳсулотларнинг бузилишидан кўрилган заарлар; - бошқа моддий харажатлар.
1.2.	Ишлаб чиқаришга хусусиятiga эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари: <ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқаришда корхона аъзоларни ва ёлланма ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари (иш ҳакига ҳар хил устамалар, тунги сменада ва дам олиш кунлари ортиқча ишлагани учун кўшимчалар, натурада тўланган маҳсулотлар қиймати ва бошқаларни ҳам кўшиб); - амалдаги қонунчилик бўйича иавбатдаги ёки кўшимча (олдин фойдаланилмаган) меҳнат таътили учун ҳақ тўлаш; - мажбурий таътилда бўлган ходимларга ишланмаган вақт учун иш қакини кисман саклаган холда ҳақ тўлаш; - давлат вазифаларини бахарганилик учун (харбий йигинлар, фавкулодда вазиятлар бўйича йигинлар ва бошқалар) ҳақ тўлаш.
1.3.	Ишлаб чиқаришга тегишили бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар: <ul style="list-style-type: none"> - меҳнат ҳакидан ижтимоий сугурта, нафака ва бандлик фондига мажбурий ажратмалар; - ихтиёрий асосда нодавлат нафака фондига, тиббий сугурта ва бошқа кўнгилли сугурта фондларига ажратмалар;
1.4.	Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси: <ul style="list-style-type: none"> - асосий ишлаб чиқариш фондларининг амортизация ажратмалари (лизингта

	<p>олинган воситаларнинг лизинг тўловлари ҳам киради).</p> <p>Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ташки субъектлар томонидан ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан таъминлаш харажатлари; - ташки субъектлар томонидан корхонанинг асосий воситаларини иш ҳолатида саклаб турни учун бажарилган таъмирлаш харажатлари; - ишлаб чиқариш воситаларини мажбурий сугурталаш харажатлари; - ёнгинга қарши, экинзорлар, асосий воситаларни кўриклаш харажатлари; - ишлаб чиқариша оид асосий воситаларни жорий ижара олиш харажатлари; - ишлаб чиқариша олган жароҳати натижасида меҳнат қобилиягини ўқотганлик учун суд қарори билан тўланадиган нафақалар; - чиқариш аҳамиятига эга бошқа харажатлар.
II.	ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ (ДХ):
2.1	Бошқарув харажатлари:
	<ul style="list-style-type: none"> - ассоциация, кооператив ёки бошқарув органлари учун ажратмалар; - бошқарув ходимларни мешнатига ҳақ тўлаш ва унга нисбатан ижтимоий ажратмалар (хар хил устамалар, мукофатлар ва бошқаларни ҳам кўшиб);
2.1	Бошқарув харажатлари:
	<ul style="list-style-type: none"> - бошқарув характеридаги асосий воситаларни саклап ва таъмирлап; - бошқарув ходимларининг хизмат сафари харажатлари; - бошқарув ходимларининг техник таъминоти ва транспорт хизмати харажатлари; - кадрлар тайёrlаш ва малакасини ошириш харажатлари; - бошқарувга тегишли мол-мулкни мажбурий сугурталаш харажатлари ва бошқалар.
2.2	Махсулотни сотиш харажатлари:
	<ul style="list-style-type: none"> - маҳсулотни ўраш, қадоқлаш, саклаш, ортиш ва ташниш харажатлари; - белгиланган меъёрда реклама уюштириш, кўргазма ва ярмаркаларда қатнишиш харажатлари; - бозорни ўрганиш харажатлари (маркетинг харажатлари): - сотиш билан боғлиқ бошқа харажатлар.
2.3	Бошқа операцион харажатлар:
	<ul style="list-style-type: none"> - четта хизмат кўrsatiш ва ёрдамчи тармоқларни саклаш бўйича харажатлар; - маслаҳат, аудиторлик, банк хизмати ва бошқа хизматлар учун тўловлар; - асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни сотиш бўйича зарарлар; - ўкув муассасалари ва бошқа жамоат ташкилотлари, жамиятларга бепул хизмат кўrsatiш ва хайрия тадбирлари харажатлари; - ходимларнинг даволаниши, дам олиши ҳамда экскурсияга чиқиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш; - ходимларга кўrsatiladigan компенсация ва маддий ёрдамлар; - ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул берип; - амалдаги қонунчилик билан амалга ошириладиган бюджеттга мажбурий тўловлар ҳамда маҳсус нобюджет фондларга йигимлар, ажратмалар; - судлашув чиқимлари, давъо мурдати ўтган ҳамда шубҳали дебиторлик карзларни хисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар; - корхона шартномаларни бузгандиги учун турли жарималар ҳамда етказилган зарарларни қоплаш харажатлari; - даромад ёки солника торгиш объектларини яширганлигини (камайтириб кўrsatilganchligi) учун жарималар; - хисобот йилида аниқланган ўтган йиллар операцияларидан кўрилган зарарлар; - айбдорлари аниқланмаган ўғирлик ва сунистъмолликдан кўрилган зарарлар; бошқа операцион харажатлар.

III.	МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БҮЙИЧА ХАРАЖАТЛАР (МФХ):
	<ul style="list-style-type: none"> - банк кредитлари ва бошқа қарзларнинг фоизлари учун тўловлар; - мол-мulkни узоқ муддатли ижарага олиш (лизинг) тўловлари; - валюта операциялари ва валюта счетидаги маблағлар курснинг салбий фаркланишидан кўрилган заарлар; - қимматли қоғозлар чиқариш ҳамда тарқатиш билан бοғлиқ харажатлар; - молиявий куйилмаларнинг қайта баҳоланишидан кўрилган заарлар; - молиявий фаолиятга оид бошқа харажатлар.
IV.	ФАВҚУЛОДДА ЗААРЛАР (ФЗ).
	<ul style="list-style-type: none"> - сув тошкни, гигия, жала, дўл каби табиий оғатлар ва мамлакат қонунчилиги ўзгарини натижасида кўрилган заарлар ва бошқалар.

Манба: "Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотини харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўгрисидаги Низом" асосида қисқартириб ишланган.

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуидаги элементлар бўйича ажратилади:

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари;
- ишлаб чиқаришга оид меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар;
- асосий фондлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдани аниқлашда ҳисобга олинадиган давр харажатлари элементлари:

- маъмурий-бошқарув харажатлари;
- маҳсулотни сотиш харажатлари;
- бошқа операцион харажатлар.

3. Корхонанинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдасини аниқлашда ҳисобга олинадиган молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- фоизлар бўйича тўловлар;
- мол-мulkни узоқ муддатли ижарага (лизингга) олиш тўловлари;
- хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;
- қимматли қоғозларга кўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- молиявий фаолиятга оид бошқа харажатлар.

4. Корхонанинг одатдаги фаолиятига мос келмайдиган, бир неча йиллар давомида тақрорланиб турмайдиган ва фермер хўжалиги бошлигининг (мулк эгасининг) қабул қилган бошқарув қарорларига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келадиган воқеалар ва ҳодисалар (сув тошқини, ёнгин, жала, дўл каби табиий оғатлар ва мамлакат қонунчилиги ўзгариши) натижасида кўрилган заарлар.

Корхонанинг умумий харажатлари ичидаги ишлаб чиқариш харажатлари энг катта салмоққа эга. Ишлаб чиқариш харажатлари корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш қанчага тушишини кўрсатади, яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил қиласди. Шу сабабли ҳам саноат тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш масаласи энг авволо ишлаб чиқариш харажатларини кисқартиришга бориб тақалади.

Таннархда корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг сифат кўрсаткичлари – ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, корхонани тежамкорлик билан ва оқилона юритиш омиллари ўз аксини топади.

Маҳсулот таннархи корхона харажатлари тушунчасидан фарқ қиласди. “Таннарх – бу маҳсулотнинг ҳар бир бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларнинг пулдаги ифодасидир”²². Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа молиявий-хўжалик фаолияти натижасида юзага келадиган барча харажатлари маҳсулот таннархига киритилмайди. Маҳсулотнинг (ишнинг, хизматнинг) ишлаб чиқариш таннархига уни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади. Уларга кўйидагилар тегишли бўлади:

- бевосита моддий харажатлар;
- бевосита меҳнат харажатлари;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган билвосита устами харажатлар.

Бу харажатларнинг кўпчилигини натурада, яъни дона, кг, метр ва бошқа кўринишларда ҳисобга олиб бориш ва режалаштириш

²² Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Фофуров. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: Иқтисод-молия, 2010. – 283 б.

мумкин. Аммо, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган барча харажатларни биргаликда ҳисобга олиш учун уларни ягона ўлчов бирлигига - қиймат-пул кўринишига келтириш талаб этилади.

Айрим турдаги ишлаб чиқариш харажатларини яратилаётган маҳсулот таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш мумкин. Унга ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақини ва истеъмол қилинган моддий ресурслар сарфини киритиш мумкин. Бундай харажат турлари бевосита ишлаб чиқариш харажатлари деб юритилади.

10-жадвал

Бевосита ва билвосита харажат моддаларининг таннархга тасдири

Харажат моддалари	Маҳсулот таннархига бориши жиҳатидан	
	бевосита	бильвосита
Хомашё ва асосий материаллар (кайта кирим қилинган чиқитлардан ташкари)	+	-
Сотиб олинган бутловчи кисмлар ва яримфабрикатлар	+	-
Ишлаб чиқариш характеристидаги иш ва хизматлар	+	+
Технологик максадлар учун ишлатилган ёқилги ва энергия	+	-
Ишлаб чиқаришга тегишли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	+	-
Ишлаб чиқаришга тегишли ижтимонӣ сугуртага ажратмалар	+	-
Асосий воситалар амортизацияси	+	+
Моддий қийматлар камомади ва маҳсулотларнинг бузилишидан кўрилган зарарлар	+	-
Ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар	+	+

Иккинчи бир харажат турлари бир неча хил маҳсулот этишириш жарагнида иштирок этиши туфайли (масалан, амортизацияси), уларга кетган харажатларни шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги иштирокига мутаносиб тақсимлашга тўғри келади. Бундай харажатлар **бильвосита ишлаб чиқариш харажатлари** деб юритилади (10-жадвал).

Маҳсулот таннархи бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатларини шу маҳсулот миқдорига бўлиш орқали топилади²³:

$$MT = \frac{MX + MXT + ICA + A + BIX}{M}$$

²³ Ходисев Б.Ю., Самадов Г.А., Юсупов М.С., Мелибосов Ш.А., Ишмуровов С.Т., Туласев М.А., “Кичик тадбиркорлик менеджменти” (ўкув-амалий кўлланма) –Т.: ЕХ ТЕМПУС дастури “Матадор-2000” лойиҳаси, 2004 – 76 б.

Бу ерда:

МТ – маҳсулот таннархи сўм/дона, сўм/кг ва бошқа;

МХ – ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари, сўм;

МХТ – ишлаб чиқариш хусусиятидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, сўм;

ИСА – ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар, сўм;

А – ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар амортизацияси, сўм

БИХ – бошқа ишлаб чиқариш харажатлари, сўм

М – маҳсулот микдори, центнер, дона, кг, тонна ва ҳоказо.

Корхонада режадаги (бизнес-режада белгиланган) ва ҳақиқий (хисобот бўйича ҳақиқатда эришилган) таннарх ҳисоблаб борилиши мумкин. Режадаги таннарх корхонанинг мавжуд техник, технологик ва кадрлар салоҳияти доирасида маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланиши мумкин бўлган харажатларнинг кутилаётган максимал даражасини акс эттиради.

Ҳақиқий таннарх корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараённада ҳақиқатда сарфлаган бевосита ишлаб чиқариш харажатларидан ташкил топади. Ҳақиқий таннарх режадаги таннархдан фарқ қилиши мумкин. Агар у режадаги таннархдан юкори бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишидан, паст бўлса, капитал, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш натижаларини акс эттиради.

Маҳсулот таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш харажатлари харажат элементлари ва моддалари бўйича гуруҳларга ажратилади. Бундай гуруҳлаш:

- режалаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг моддий ва меҳнат сарфларига эҳтиёжни аниқлаш;
- харажатларни иқтисодий мазмунига кўра тақсимлаш;
- умумий ишлаб чиқариш харажатлари микдорида у ёки бу харажат элементларининг улушкини аниқлаш имконини беради.

Иқтисодий ҳисоб-китобларда маҳсулот таннархини режалаштириш ва ҳисоблашда харажатларни ҳисоблаш моддалари бўйича гуруҳлаш қабул қилинган. Маҳсулот таннархини ҳосил

Килювчи харажат элементлари ва ҳисоблаш моддалари орасидаги ўзаро боғлиқлик мавжуд (11-жадвал).

11-жадвал

Харажат элементлари ва ҳисоблаш моддаларининг ўзаро боғлиқлиги

Ҳисоблаш моддалари	Харажат элементлари				
	Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари	Ишлаб чиқаришга тегишли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	Ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий сугуртага ажратмалар	Асосий воситалар амортизацияси	Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари
Хомашё ва асосий материаллар (қайта кирим қилинган чиқитлардан ташқари)	+				
Сотиб олинган бутловчи қисмлар ва яримфабрикатлар	+				
Ишлаб чиқариш характеридаги иш ва хизматлар	+				+
Технологик мақсадлар учун ишлатилган ёқилғи ва энергия	+				
Ишлаб чиқаришга тегишли меҳнатта ҳақ тўлаш харажатлари		+			
Ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий сугуртага ажратмалар			+		
Асосий воситалар амортизацияси				+	
Моддий қийматликлар камомади ва маҳсулотларнинг бузилишидан кўрилган заарлар					+
Ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар					+

Корхонанинг қайси тармоққа мансублигидан келиб чиқиб, маҳсулот таниархини ҳисоблаш моддалари фарқ қиласди. Масалан, саноатда таниархни ҳисоблаш моддалари қуидагича туркумланади (8-расм):

1. Ишлаб чиқаришга тегишли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.
2. Ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий сугуртага ажратмалар.
3. Хомашё ва асосий материаллар.
4. Сотиб олинган бутловчи қисмлар ва яримфабрикатлар.
5. Ишлаб чиқариш характеридаги иш ва хизматлар.
6. Технологик мақсадлар учун ишлатилган ёқилғи ва энергия.
7. Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси.
8. Моддий қийматликлар камомади ва маҳсулотларнинг бузилишидан кўрилган заарлар.
9. Ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар.

ХАРАЖАТЛАРНИНГ МОДДАЛАР БЎЙИЧА ГУРУХЛАНИШИ

Ишлаб чиқаришга оид меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари
Ишлаб чиқаришга тегишили ижтимоий сугуртага ажратмалар
Хомашё ва асосий материаллар (кайта кирим қилинган чиқитлардан ташқари)
Сотиб олинган бутловчи қисмлар ва яримфабрикатлар
Технологик мақсадлар учун ишлатилган ёқилги ва энергия
Ишлаб чиқариш характеристидаги иш ва хизматлар
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси
Моддий қийматликлар камомади ва маҳсулотларнинг бузилишидан кўпилган запаплан
Ишлаб чиқариш тусидағи бошқа харажатлар

8-расм. Саноат корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоблаш моддалари²⁴

Корхонанинг қайси тармоққа мансублигидан келиб чиқиб, маҳсулот таннархини ҳисоблаш моддалари фарқ қиласди. Масалан, саноат тармоқларида “Ишлаб чиқаришга оид моддий харажатлар” моддасида маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишида) зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинадиган хомашё ва материаллар, шунингдек, бир маромдаги технология жараёнини таъминлаш, маҳсулотларни ўраш ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, саклаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган), харид қилинадиган материаллар ўз аксини топади.

Маҳсулот таннархига киритиладиган хомашё ва материаллар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати ва идиш ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши,

²⁴ адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади.

4.2. Саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар таҳдили

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг З-моддасида масъулияти чекланган жамиятга қўйидагича таъриф берилган: “Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис хужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар²⁵”.

Масъулияти чекланган жамияти ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Жамият уставида қўйидагилар кўрсатилган:

- жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи;
- жамият фаолиятининг предмети;
- жамиятнинг почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият органларининг таркиби ва ваколатлари тўғрисидаги, шу жумладан жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кирувчи масалалар тўғрисидаги, жамият органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан қарорлар бир овоздан ёки квалификацион кўпчилик овоз билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги маълумотлар;

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуни www.lex.uz.

-жамият устав фондининг (устав капиталининг) микдори тўгрисидаги маълумотлар;

-жамият ҳар бир иштирокчиси улушининг микдори ва номинал киймати тўгрисидаги маълумотлар;

-жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

-жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушнинг (улуш бир қисмининг) бошқа шахсга ўтиши тартиби тўгрисидаги маълумотлар.

“Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ – пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ҳисобланади. Корхона пластмассадан ишланган кенг ассортиментли уй-рӯзгор буюмлари, турли кўриниш ва ҳажмдаги полизтилен плёнкаларни, полизтилен ва полипропилен идишлар, қутилар, пенополистирол (пенопласт), профнастил, пенополистирол панел ва совуқ сув учун турли диаметрли полизтилен қувурларни ишлаб чиқаради. “Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ ўз маҳсулотларини Хитойнинг “Hangzhou Fangyuan Plastics Machinery” компаниясининг замонавий ишлаб чиқариш жиҳозларида, ишлаб чиқаришнинг самарали технологияларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқармоқда (12-жадвал).

Корхона полимер материаллардан тайёрланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича барча хизматларни таклиф этади:

- босим остида қўйиш усулида пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

- 100 дан 85 литргача ҳажмли турли идишларни пуфлаб тайёрлаш;

- технологик ускуналарни (куйилган шаклларни) синаш;

- тайёр маҳсулотлар юклаш ва буюртмачининг омборига етказиб бериш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш.

Пластмасса маҳсулотларга қўйидагилар киради: кичкина воронка; туттичли тогорача; қишки кийим осгич; офис учун аҳлат чепак; қопқоқли чепак 7 л ҳажмли; болалар ваннаси; 4 қаватли пойабзал жовони; хонтахта ва боқа маҳсулотлар.

Пластмасса ишлаб чикаришида күлланиладиган технологиялар ва уларнинг хусусиятлари

Махсулот тури ва технологияси	Ускунанинг стандарт таркиби	Техник параметрлари
Полимер материаллар - термошлакт автомат ёрдамидан ишлаб чикарилини. Полимерларни кайта ишланаш күлланиладиган ускунанарнинг ярминан ортиги босим остида куйнеш мүлжалланган. Куйиш технологияси мураккаб шаклиларни яили таърёлш учун оптималь ечим хисобланаб. Улчамчарга мосникини юкори аниқлик билан таъминланайди.	Электр мотор, гидравлик мотор, мойни насос, компьютер, шевматика, манометр, клапандар, ўтказтичлар, гидравлик мотор Термоласт автоматнинг вазни - 2,6т	Цинек диаметри - 25 мм Үрнатиладиган пресс-форманинг максимал баландити - 320 мм. Кизитиб куввати - 5 кВт
Поливинилхлориддан (ПВХ) маҳсулотлар - ПВХ кабель ва ўтказтичларни элекстрдан изоляция килини, курув ва копламларни таг'ирлан, турил, плёнкалар, жумладар, тараған шифтлар учун күлланади. Тезда эскермаслик, меҳаник, каттинослик, енгил, вазн, занглашаслик, кимёвий, об-хаво ва харорат тасвирларига чидамлиларни ушбу маҳсулотнинг энг муҳим хусусияти хисобланади.	Экструдер; экструзиян каллак; совитиши стоя, тортуви мостаптагерлар, ма: кесувчи мослама; жойлаштирилган; РЕС компьютер тизими, кесувчи-кавашаровчи станок; пресс; флексографик станок.	Максулотнинг максимал эни (мм) - 180 мм. Ишлаб чикарни куввати - 120-150 кг/сөзат Цинек узулилги: 1200 мм. Цинек диаметри — 55 мм.
ПЭТ-ядишишлар арzon танинбар, ентил вазн, мустахкамлик, исталган дизайн ва синтами ишини яратиш имконияти мажбур матернатини энг яоссий афзалишлардан. Ускуна 0,1 дан 25 ликтагача бўлган турли сиймадаги ПЭТ (полизтилентерефталати) идишларни шинширишга хизмат килини.	Пишириш автомати; преформани юклайдиган мослама; форма; жаволи конвејер.	Ишлаб чикарни куввати - 4000-5000 б/сөзат Шинширилдилик идиш диаметри - 110 мм, баландити - 300 мм Шиншириш босимни - 3,0 МПа/6,32 м ³ /дак
Пластик кувулярни ишлаб чикариш - канализация ва иситиш тизимларida, газ ва сув, шунингдек, "иссык пол" тизимларida фойдаланилади. Материалнинг хусусиятлари: мустахкамлик, занглаш ва чириш холаттарнинг йўқумли, ноҳодит, хароратча чидамлилик: 160-170° гача; пластик кувуляр сувнинг таъми ва сифатига тасвир кўрсатмайди. Узидан оҳаксимон чидамлар колдирниди; фойдаланиш муддати камиди 50 йил, енгли вазн ва бошалар.	Хомячёни кувулярни кесин машинаси; калибраш ва совитиш учун ваннадар; тортиш мосламаси; смисутиль; вакуумли шакл берува; кувулярни жойлаштиришга хизмат килини.	Битта ишлаб чикариш линииси учун зарур майдон - 100 м ² . Советиш утун сув : ≤ 20°C - 20°C Умумий куввати: 175 кВт Ишлаб чикарни куввати - 200-300 кг/сөзат

Манба: Саноат корронаси мэйлумотлари асосида.

Полиэтилен пакетларни ишлаб чиқариш ўзини тез оқладиган, даромадли бизнес туридир. Пакетларни тайёрлашга мүлжалланган ускуна ярим бутали ва стационар турларга бўлинади. Биринчи турдаги станоклардан, асосан, “яримфабрикат” лардан пакет тайёрлашда фойдаланилади. Бундай ускуналар ишлаб чиқардиган пакетларга шу мақсадга хизмат қиласидиган бошқа тўлиқ циклли ускуналарга қараганда кўпроқ маблағ сарфланади. Кўпинча полиэтилен қоплар ва маҳсулотларни қадоқлашга хизмат қиласидиган пакетлар тайёрланади.

Тайёр маҳсулотнинг ташқи кўриниши мувафиқиятли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имконият берадиган омиллардан бири ҳисобланади. Ҳозирда қадоқ ҳар доимгидан-да муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, гап суюқ маҳсулотлар ҳақида борганда, уларнинг қадоқлари харидорни ўзига тортадиган даражада чиройли ва ишлаб чиқарувчи учун тежамкор бўлиши мақсадга мувофиқдир.

ПЭТ-идишлар юқорида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб беради: арzon таннарх, енгил вазн, мустаҳкамлик, исталган дизайн ва сигимдаги идишни яратиш имконияти мазкур материалнинг энг аоссий афзаллуклардан, десак янглишмаймиз.

Алоҳида маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархини аниқлаш, молиявий натижага дахлдор бўлган элементларни ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши корхонанинг молияхўжалик фаолиятини бошқаришда муҳим ҳисобланади. Алоҳида олинган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархини аниқлашга ҳисоб-китобларнинг муҳим обьекти сифатида қаралади.

Бунда маҳсулот таннархининг тўғри аниқланишига аҳамият берилади. Маҳсулотлар таннархини аниқлаш ва ҳисобга олиш, молиявий натижаларни таркибли ўрганиш билан бирга, фойданинг шаклланиш омилларини тўғри баҳолаш имконини беради. Бир хиддаги маҳсулот турларини ишлаб чиқардиган корхоналарда маҳсулот таннархининг қиёсий таҳлили ва унинг натижалари иқтисодий самараదорлик кўрсаткичларини оширишга хизмат килади.

Маҳсулот таннархининг таҳлили харажатларни иқтисодий элементлари бўйича эмас, балки, харажат моддалари бўйича ўрганишни, уларнинг ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига баҳо беришни ҳамда ўзгариш сабабларини ўрганишни тавсифлайди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг калкуляция моддалари ишлаб чиқариш ва технология жараёнлари хусусиятига боғлиқ. Саноат корхоналаридаги калькуляция моддалари таркибини бир хил кўринишга эга бўлиши таннархни умумий ҳажмда ва моддалари бўйича тахлил этиш имконияти туғилади.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни харажат моддаларининг ҳар бир тури бўйича алоҳида таркиблаш мумкин. Масалан, материал харажатлар ёки хомашё харажатлари катори бўйича харажатлар ўзгаришига моддий сарфлар меъёрининг ўзгариши, уларни сотиб олиш нархларининг ўзгариши таъсир қиласа, меҳнат ҳаки харажатларининг ўзгаришида ишчилар сони ва бир ходимга тўгри келадиган иш ҳақларининг ўзгариши таъсир қиласи. Амортизация харажатлари бўйича ҳам худди шу шакдда таркиблашни айтиб ўтиш мумкин, яъни, амортизацияланган қийматнинг ўзгариши, амортизация меъёрлари, шунингдек, амортизация ажратмалари ажратиладиган асосий воситалар тури, салмоғига боғлиқ ва ҳоказолар.

Маҳсулот таннархини ифодаловчи кўрсаткичлардан энг муҳими, бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатдир. Бу кўрсаткич тийин ҳисобида қуидагича аниқланади²⁶:

Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат (тийин)	=	Ишлаб чиқариш таннархи Товар маҳсулотининг ултуржи нархи
--	---	---

Бу кўрсаткич орқали қилинган харажатларнинг самарадорлигини аниқлаш мумкин. “Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ да бир сўмлик товар маҳсулотини ишлаб чиқариш

²⁶ А. Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2005. – 280 б.

ҳаражатлари куйидаги 13-жадвалда келтирилган.

13-жадвал

“Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ да маҳсулот ишлаб чиқаришнинг молиявий натижалари динамикаси

Ҳаражатлар номи	Ўлчов бирлиги	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2019 й. 2017 й.га нисбатан фарки, (+/-)
Сотишдан ялши пул тушуми	минг сўм	1 481 048,6	1 647 049,6	2 233 460,8	+752 412,2
Сотилган маҳсулот таннархи	минг сўм	1 146 853,6	1 275 553,2	1 786 568,8	+ 639 715,2
Ялши фойда	минг сўм	334 195,5	371 496,4	446 892,0	+ 112 696,5
Бир сўмлик товар маҳсулотига нисбатан ҳаражатлар	%	77,43	77,4	79,9	- 2,47
Сотилган маҳсу-лотнинг рентабеллик даражаси	%	22,6	22,5	20,0	- 7,4

“Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ да 2017 йилда бир сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқаришга нисбатан ҳаражатлар 77,43 %ни ташкил этган бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларини ошиши натижасида жамиятда 2019 йилда ҳар бир сўмлик товар маҳсулотга нисбатан ҳаражатлар 79,9 %га ёки 2,47 пунктга ошган. Натижада сотилган маҳсулот рентабеллиги 2017 йилда 22,6 % ни ташкил этган бўлса 2019 йилда 20,0 %ни ташкил этиб 7,4 % пункктга пасайган. Рентабелликни ошириш учун корхонада бир қатор тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. “Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ да бир тонна маҳсулотга нисбатан таннарх динамикаси 14-жадвалда келтирилган.

14-жадвал

“Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ да ишлаб чиқариладиган айrim маҳсулот турлари бирлигининг таннархи динамикаси

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2019 й. 2017 й.га нисбатан фарки, (+/-)
Тутгичли тогора	сўм/дона	9132	11595	14956	163,7
Болалар ваннаси	сўм/дона	36536	48972	59874	163,9
Офис учун ахлат челак	сўм/дона	16020	23760	27658	172,6
Қопқоқли чепак (9 л)	сўм/дона	24336	31022	39056	160,5
Полиэтилентерефталат сув идиши (30 л)	сўм/дона	18340	24213	28762	156,8
Пластик кувур	сўм/метр	10765	14595	18070	167,9

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўринниб турибдики, 2017-2019 йиллар давомида бир бирлик маҳсулотга нисбатан ишлаб чиқариш харажатлари, яъни маҳсулот бирлиги таннархи жорий нархларда ошиб борган. Жумладан, шу даврга нисбатан бу кўрсаткич болалар ваннаси бўйича 36536 сўмдан 59874 сўмга ёки 63,9 %га, қопқоқли чеълак бўйича 24336 сўмдан 39056 сўмга ёки 60,5 %га, туттичили тогора бўйича 9132 сўмдан 14956 сўмга ёки 63,7 %га ва пластик қувур бўйича (бир метрга) 10765 сўмдан 18070 сўмга ёки 67,9 % га ошган. Бу ошиш иш ҳаки, моддий хомашё, электр энергияси ва ёнилғи-мойлаш материаллари нархлари кўтарилиб бориши билан изохланади.

Маҳсулот таннархини таҳлил этганда таннарх таркибида таннарх қаъкуляцияси моддаларининг эгаллаган улуши ва уларнинг йиллар давомида ўзгаришини таҳлил этиш муҳимдир (15-жадвал).

15-жадвал

Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлариг (таннархи) таркиби

Харажатлар моддалари	2017 йил		2019 йил		2019 й. 2017 й.га нисб, % (+,-)
	суммаси, минг сўмда	жамига нисб., %да	суммаси, минг сўмда	жамига нисб., %да	
Хомашё ва материаллар	641091,2	55,9	1055862,2	59,1	+ 3,2
Иш ҳаки фонди	299328,8	26,1	464507,9	26,0	- 0,1
Иш ҳақидан ижтимоний сугуртага ажратмалар	74545,4	6,5	69676,2	3,9	-2,6
Ёнилғи ва электр энергияси	63077,0	5,5	116127,0	6,5	+ 1,0
Қол ва тара харажатлари	19496,5	1,7	21438,8	1,2	- 0,5
Асосий воситаларнинг эскириши ва уларни капитал таъмирлаш харажатлари	14909,1	1,3	23225,4	1,3	-
Транспорт харажатлари	25230,8	2,2	26798,5	1,5	- 0,7
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	9174,8	0,8	8932,8	0,5	- 0,3
Жами маҳсулот таннархи	1 146 853,6	100	1 786 568,8	100	-

Корхонанинг ишлаб чиқаришини ҳаражатлари таркибида 2019 йилда 59,1 %ини хомашё ва материаллар, 6,5 % ини ёнилғимойлаш материаллари ва электр энергияси, 26,0 % ини ишлаб чиқаришга тегишли ишчи ва ходимлар иш ҳақи, 3,9 % ини иш ҳақидан ижтимоий сугуртага ажратмалар, 1,2 % ини қоп ва бошқа таралар, 1,3 % ини асосий воситаларнинг эскириши ва уларни капитал таъмирлаш ҳаражатлари, 1,5 % ини транспорт ҳаражатлари ва 0,5 % ини бошқа ишлаб чиқариш ҳаражатлари ташкил этган.

Маҳсулот таннархини ҳосил қилувчи калькуляция моддаларининг 2017-2019 йилларда ўзгаришини таҳлил этдиган бўлсак, шу даврда хом-ашё ва материаллар улуши 3,2, ёнилғимойлаш материаллари ва электр энергияси 1,0 % га ошган бўлса, иш ҳақидан ижтимоий сугуртага ажратмалар 2,6, ишлаб чиқаришга тегишли ишчи ва ходимлар иш ҳақи 0,1, қоп ва бошқа таралар 0,5, транспорт ҳаражатлари 0,7 ва бошқа ишлаб чиқариш ҳаражатлари 0,3 % пунктга камайганини кўриш мумкин.

Хомашё ва материаллар ҳаражатлари таннархга энг катта таъсир кўрсатадиган (59,1 %) бўлгани учун кўпроқ шунга аҳамият бериб уни нима сабабдан юқори эканлиги аниқланиши керак. Хомашё нархининг ошиб бориши, уларни олиб келиш қимматга тушаётгани, моддий таъминотчиларнинг узоқдалиги ва транспорт ҳаражатлари, бозордаги бошқа сотувчилар бунга таъсир кўрсатган.

Кейинги ўринда иш ҳақи ҳаражатлари ҳам юқори. Бу кўрсаткичининг жамига нисбатан салмоғи, 2017 йилда 26,1 % ни, 2019 йилда эса 26,0 %ни ташкил этган, 0,1 пунктга пасайиш рўй берган. Уни оптималлаштириш учун ишчиларни иш режимини тўғри ташкил қилиб, уларнинг аниқ бажараётган ишларини ўрганиб чиқиши керак. Бу ерда ҳар бир ишчини аниқ бажарадиган ишларини белгилаб олиб ҳаммасига режа тузилиши ва ишчиларнинг шу режага амал қилишини кузатиш керак. Ишчилар бекорчи бўлиб қолмаслигини таъминлаш керак. Энг аввало айни вақтда қайси ишчи нима иш қилаётгани, у бу ишни бажариши учун қанча вақт кетишини ва қанча вақт у бўш бўлиб қолишини ўрганиб таҳлил қилиш керак. Иложи бўлса икки ишни икки киши эмас бир киши

бажаришига эришиш керак.

Фойдали томони эса иш унумдорлигига эришиш мумкин бўлади. Яъни, янги техника келса ишчи кучини камайтириш мумкин бўлади, агар янги техника кўп функцияли бўлса, ёқилғи ҳаражатлари кам бўлади, таъмирлаш ва техника хизмати ҳаржатлари ҳам кам бўлади.

4.3. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳаражатларини оптималлаштириш ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш орқали таннархни пасайтириш йўллари

Бугунги кунда маҳсулот таннархини пасайтиришнинг аҳамияти турли мулкчилик шаклларида иш юритаётган корхоналар учун бекёсдир, зоро, ишлаб чиқариш ҳаражатларини пасайтирасдан туриб ишлаб чиқаришни самарли ташкил қилиш ва фойдани ошириш мумкин эмас. Маҳсулот таннархини арzonлаштириш жонли меҳнат ҳамда буюмлашган меҳнатни тежашни акс эттиради, фойданинг ортишини таъминлайди, улгуржи ва чакана нархларни арzonлаштириш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш вазифалари белгилаб берилган²⁷.

“Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ да маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш омилларидан бири сифатида маҳсулотлар таннархининг таркибий элементларидан бўлган моддий-техника

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги [Фармони](http://Farmoni). www.lex.uz.

ресурсларидан унумли ва самарали фойдаланиш юзага чиқмоқда.

“Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ да маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини унинг элементлари бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жамиятнинг ишлаб чиқариш ҳаражатлари таркибида 2019 йилда 57,1 %ини хом-ашё ва материаллар ташкил этмоқда. Хомашё ва материаллар ҳаражатлари таннархга энг катта таъсир кўрсатадиган бўлгани учун кўпроқ шунга аҳамият бериб уни нима сабабдан юқори эканлиги аниқланиши керак. Хомашё нархининг ошиб бориши, уларни олиб келиш қимматга тушаётгани, моддий таъминотчиларнинг узоқдалиги ва транспорт ҳаражатлари, бозордан бошқа сотувчи ва арzonроқ нархдаги хомашё ва материаллар топиш керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида тежамкорлик режимининг кучайтириш, хамма турдаги ресурсларни оқилона ва тежаб-тергаб сарфлаш, уларнинг нобуд бўлишини камайтиришга эришиш, ресурсларни тежайдиган ва чиқитсиз технологияга ўтишни амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг иккиласми ресурслари ва чиқитларидан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг қайта ишладиган ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш, иккиласма хомашёни тўплашни шу жумладан ахолидан тўплашни ташкил қилиш ва тайёрлов ташкилотларининг моддий-техникавий базасини янада мустахкамлаш керак.

“Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ да материал сарфини камайтиришнинг кўйидаги йўллари мавжуд:

-маҳсулотларнинг конструкциясини ўзгартириш ва такомиллаштириш;

-ишлаб чиқариш жараёнлари ва ишлаб чиқариш дастгоҳларининг технологиясини такомиллаштириш;


-энг мақбул технологик хариталарини қўллаш орқали материалларга кетадиган ҳаражат нормаларини камайтириш;

-ишлаб чиқаришнинг иккиласми ресурслари ва чиқитлардан фойдаланишни йўлга қўйиш.

-ишлаб чиқаришда бракка асло йўл қўймаслик ва х.к.

Ушбу вазифани амалга ошириш доирасида мамлакатимиз

корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди (10-расм).



10-расм. Саноат корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари

Мамлакат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни ички ва ташки бозорларда сотиш ҳажмини кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ўстириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2014 йил 8 январдаги, 5-сонли “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида” ги Қарорини қабул қилди.

Ушбу қарорга кўра Қарорга кўра Вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва йирик саноат корхоналарига 2014 йилда қўйидаги омиллар хисобига ишлаб чиқариш объектлари бўйича саноат маҳсулоти таннархини пасайтиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилди²⁸:

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги “Саноатда ишлаб

- энергия ресурслари истеъмолини қисқартириш ва ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш;

- ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан технологик жараёнларни ва моддий-хом ашё ресурслари сарфи, фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш харажатлари нормаларини рационализациялаштириш;

- меҳнат унумдорлигини ўстириш, бошқарув ва саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сонини мақбуллаштириш, бошқа омиллар.

Саноат корхоналарида маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича амал қиласиган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мунтазам мониторинг қилиб борилади ва олиб бориладиган мониторинг якунлари бўйича, зарурият бўлганда, маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича параметрларга эришишнинг тўлиқлиги ва самарадорлигига боғлиқ равишда корхона мутахассисларини моддий рағбатлантириш ёки уларнинг шахсий жавобгарлиги чораларини қўллаш таклиф этилмоқда. Маҳсулот таннархини пасайтириш натижасида тежалган маблағлар корхоналарнинг ўзида қолади ва улардан корхоналар томонидан ўз хоҳишига кўра фойдаланилади.

Тежамкорлик инсон фаoliyatinining барча жабҳаларида, унинг меҳнат буюмларига таъсири ҳамда бу жараёнда иқтисодий ресурсларни сарфлаши ва фойдаланишида намоён бўлади. Айниқса, у меҳнат жараёнида кўпроқ юз береб, бунда жонли меҳнат сарфини қисқартиришга эришилади.

Маълумки, сарфланган меҳнат миқдори иш вақти билан ўлчанади ва шу сабабга кўра, жонли меҳнат сарфини қисқартириш иш вақтини тежаш шаклига эга бўлади. Иш вақтини тежаш яратиладиган моддий ёки маънавий неъматлар қиймати бирлигидаги жонли меҳнат салмоғини қисқартиришда ва иш вақти ўқотишлирини камайтиришда ўз ифодасини топади.

Шунингдек, тежамкорлик ёрдамида йўқотишлиарга, меҳнат воситаларининг қисман ёки тўлиқ емирилишига олиб келувчи

чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” даги 5-сонли Қарори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2-сон, 23-модда.

турли сабаб ёки ҳолатларни бартараф қилиш йўли билан уларда буюмлашган меҳнатни тежаш мумкин бўлади. Шундай қилиб, тежамкорлик натижасида ҳам жонли, ҳам буюмлашган меҳнатни ўзида мужассамлаштирадиган бутун ижтимоий меҳнат сарфи тежалади.

Тежамкорликни таъминлаш моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ўстириш бўйича бутун амалий ишларнинг асоси бўлиб ҳисобланади. “Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ да маҳсулот таннархини пасайтиришда ресурс тежамкорлигининг асосий йўналишлари сифатида қўйидагиларни ажратиб кўрсатамиш:

- ресурслар тежамкорлигини таъминлашнинг маъмурий усулларидан иқтисодий усулларига ўтиш;
- ресурслар тежамкорлигини мақсадли дастурлар асосида ташкил қилиш, ресурсларни тежаш сиёсатининг миқдорий аниқ мақсадларини ишлаб чиқиш ва уларга ташкилий-техник чора-тадбирлар, биринчи навбатда, ФТТ ютуқларини кўллаш асосида эришишни ташкил қилиш;
- харажатларнинг ҳамда барча турдаги моддий ресурсларнинг илгор техник-иктисодий меъёрлари тизимини яратиш;
- меҳнат интизомини ўстириш;
- барча турдаги ресурслар тежамкорлигини иқтисодий ва маънавий жиҳатдан рагбатлантириш ҳамда хўжасизлик ва истрофгарчилик учун жавобгарликни кучайтириш (бу эса ресурслар тежамкорлигига таъсирчан восита ҳисобланади);
- кадрларнинг иқтисодий билимларини ошириш, ўқитиш, ресурслар тежамкорлиги соҳасидаги илгор тажрибаларни умумлаштириш ва тарқатиш.

Бундан ташқари, “Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ да эҳтиёжларни тўлароқ қондириш мавжуд ресурслар заҳирасини кўпайтиришни ҳам талаб қилиб, унинг омиллари сифатида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш зарур:

- ресурслар истеъмолининг оқилоналигини белгиловчи таркибий омил (ресурсларнинг янги турларини–анъанавий

ресурслар самарали ўринбосарларини қўллаш, хомашё, материал ва ёқилгининг ҳар хил маҳаллий турларидан фойдаланиш). Бунда ўриндош товарларни ва иккиламчи хомашёларни ишлатишдан фойда олиш, шунингдек, якуний маҳсулотнинг шаклланиши жараёнида ресурсларни тежашга эътиборни кучайтириш натижасида хомашё ва материалларни истеъмол қилишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали таркибини яратиш талаб қилинади;

- берилган истеъмол хусусияти ва паст материал сифимига эга бўлган янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳамда чиқарилаётган маҳсулот оғирлиги кўрсаткичларининг пасайишини белгиловчи конструкцион омил;

- бирламчи хомашёдан тўлароқ фойдаланишни, чиқинди ва йўқотишларни қисқартириш ҳамда иккиламчи ресурсларни асосий технологик жараён талабларига мувофиқ истеъмолга тайёрлаш асосида ишлаб чиқаришга жалб қилишни белгиловчи технологик омил. Бу омиллар орқали янги технологиялар яратиш, илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари, шунингдек, маҳсулотнинг материал сигими даражасини мунтазам равиша пасайтириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнларида материалларни тежаш таъминланади;

- мавжуд, аммо ишлатилмай турган ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб қилишни ва ички заҳираларни ҳаракатлантиришни белгиловчи ташкилий омил ва бошқалар.

Ресурслардан тежамли фойдаланишда ишлаб чиқариш истеъмоли учун зарур эҳтиёжларни қисқартириш омиллари ҳам муҳим ўрин эгаллаб, уларни қуидагиларда кўриш мумкин:

- маҳсулот сифати, унинг чидамлилиги ва эскирмаслик даражасини ошириш; бу маҳсулотни қўшимча ишлаб чиқаришга ҳамда таъмирлаш ишларини ўтказишга кетадиган зарур ресурсларга бўлган эҳтиёжни қисқартиришни белгилайди;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот энергия сигимини пасайтириш; бу энергия ресурсларидан фойдаланиш жараёнида уларни тежашни билдириб, энергияга бўлган эҳтиёжларни қисқартиради;

- ресурсларнинг самарали турларини чиқариш (прокатнинг тежамли турлари, курилиш материалларининг енгил конструкциялари ва бошқалар); бу улардан фойдаланиш умумий ҳажмларини, ишлаб чиқаришдаги чиқинди ва йўқотишларни ҳамда бу ресурсларнинг ўзларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ресурс харажатларини камайтиришни таъминлайди;

- ишлаб чиқариш истеъмолига хом ашё, материал ва ёқилгини унумли тайёрлаш; бу улардан фойдаланиш коэффициентини оширади, чиқиндилар микдорини камайтиради, истеъмолчилар ўртасида ресурсларни қайта тақсимлашни ташкил қилишга ва дастлабки хомашёни самарали қайта ишлашга ёрдам беради, корхонанинг уларга бўлган талабини камайтиради;

- ресурс йўқотишларининг (сақлаш, жўнатиш ва бошқалардаги) барча турларини қисқартириш.

Юқоридагилар билан бир қаторда, “Замонавий қайта ишлаш” МЧЖ да тежамкорликнинг муҳим омиллари сифатида қуйидагиларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин: ижтимоий меҳнат тақсимоти; фан-техника тараққиёти ютукларидан фойдаланиш; иқтисодиётнинг турли таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатнинг таъминланиши; иқтисодий субъектлар ўртасида самарали рақобат муҳитининг шаклланиши; ишчи кучи малакасининг ошиши; ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш замонавий усул ва воситаларининг жорий этилиши; ресурсларни тежовчи ва чиқитсиз технологияларнинг яратилиши; хом ашё ва материалларнинг сифат жиҳатидан такомиллашуви; маҳсулот материал сифимилилигининг пасайишига олиб келувчи сунъий материалларнинг яратилиши.

Ресурслар тежамкорлигини таъминлашда маъмурий ва иқтисодий усулларни оқилона кўшиб олиб бориш ҳозирги ресурслар тежамкорлиги иқтисодий сиёсати доирасида ҳал қилишни талаб қиласидаган муҳим муаммо бўлиб ҳисобланади. Маъмурий тизим даврида бу муаммони ҳал қилишга илмий асосланган ёндашувнинг мавжуд эмаслиги шунга олиб келган эдик, ресурслар тежамкорлигининг иқтисодий усуллари амалда

қўлланилмади.

Ресурслар тежамкорлиги муаммосини бутун иқтисодиёт миқёсида ташкилий ҳал этиш тармоққа, мазкур турдаги ресурсларнинг ишлаб чиқарувчисига топширилиши керак. Ҳар бир тармоқ муайян турдаги ресурсларнинг ишлаб чиқарувчиси сифатида иқтисодиётнинг унга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун жавобгардир.

Бу тармоқ доирасида мос келувчи ресурсларни тежаш сиёсати шаклланиши зарур. Бундай сиёсатни ишлаб чиқишида, энг аввало, тежамкорликнинг иқтисодий ҳодиса-жараёнларга кўрсатадиган тъсири ва алоқасини ўрганиш талаб этилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари таркибидаги корхоналарнинг техник-иктисодий салоҳиятини янада ошириш ва келажакда ушбу корхоналарда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бироқ, айрим йирик саноат корхоналарида технологик жиҳатдан маънавий эскирган асбобускуналар салмоғи юқорилигича қолмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, ишлаб чиқариш харажатларининг юқори экани, тайёрланадиган маҳсулотларнинг материал ва энергияни кўп талаб қилиши ва аввало иқтисодиёт реал сектори тармоқларининг технологик жиҳатдан қолоқлиги бугунги кунда рақобатдошлиқни оширишда жиддий тўсиқ бўлмоқда.

5-БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

5.1. Саноат корхоналарида иқтисодий хавфсизлик тушунчаси, унинг моҳияти ва кўринишлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шундай фикр юритган, “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий кенгаш ва бошқа нуфузли ҳалқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни жадаллаштириши давом эттиришимиз зарур. Биз Ўзбекистоннинг 2021-2023 йиллар мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиши масаласини изчил илгари суриш ниятидамиз”²⁹.

Глобал ривожланиш давлатлараро самарали ҳамкорлик ўрнатиш имкониятларини кенгайтириши ва чуқурлаштириши билан бирга, мамлакат иқтисодиётига бир қатор хавф ва таҳдидларни ҳам юзага келтиради.

“Иқтисодий хавфсизлик” термини расмий равиша 1985 йилда тасдиқланган. БМТ нинг 40-сессиясида ҳалқаро иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масалаларига оид 173-сонли Резолюция қабул қилинган эди. Унда барча давлатлар томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва барқарорликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашига қаратилган зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқишининг муҳимлиги эътироф этилган. 1987 йилда Бош Ассамблея Ҳалқаро иқтисодий хавфсизлик концепциясини қабул қилди.

1990 йиллардан бошлаб кўпгина давлатлар иқтисодий хавфсизлик масалаларига миллий хавфсизликнинг муҳим қисми сифатида карай бошладилар. Мазкур муаммога тизимли ва кенг қамровли ёндашувни таъминлаш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларлар устидан мониторинг ўрнатиш механизмини ишлаб чиқиш, давлатлар томонидан иқтисодий

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Ҳалқ сўзи, 25 январь, 2020 йил.

Хавфсизликнинг индикатив кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг тизимли ва кўп омилли таҳлил усуллари ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган стратегиялари (концепциялари) устида иш олиб борила бошланди.

Давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг бугунги кунда долзарблиги қуидагилардан иборат:

Биринчидан, турли молиявий-иктисодий инқирозлар, ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг кескинлашуви, давлат бюджетлари дефицитининг ўсиб бориши, ишсизликнинг юкори кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришнинг пасайиши каби омиллар бир қатор ривожланган ва ривожланаётган давлатларда сиёсий нотурғунылкнинг ўсишига ва ижтимоий тангликнинг кучайишига олиб келади.

Иккинчидан, баъзи давлатларнинг ўз геосиёсий ва бошка манфаатларини амалга ошириш мақсадида иқтисодий восита ва усулларни кўллаш тенденцияси кучайганлиги кузатилмоқда.

Учинчидан, шиддат билан ривожланаётган трансмиллий капитал томонидан миллий иқтисодиётга ўтказилаётган негатив таъсирдан ҳалос бўлишга, ички бозорларни глобал молиявий бозорларнинг конъюнктура билан bogliq ўзгаришлардан ҳимоя қилиш ва бу омилларнинг олдини олишга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш зарурияти туғилди.

Шу билан бирга, яқин ва узоқ истиқболда барқарор ривожланиш тенденцияларини сақлаб қолиш ва таъминлаш кўп жиҳатдан иқтисодий соҳада кечайдиган ўзгаришларга bogliq бўлиб қолмоқда. Демак, давлат миқёсида иқтисодий хавфсизлик омилини тадқиқ қилиш бир жиҳатдан, иқтисодий сиёсат талабларидан бири бўлса, иккинчи, амалий жиҳатдан, бундай изланишлар замонавий сиёсатшунослик ва иқтисодиётда нечоғли аҳамиятли эканлигини кўрсатиб турибди.

Жаҳон иқтисодиётининг глобал жараёнларида ривожланаётган мамлакатлар анъанавий ва ноанъанавий таҳдидларга дуч келмоқда. Шунга кўра, иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизлик тизимида асосий таркибий қисм сифатида

намоён бўлмокда. Жаҳон тажрибасидан маълумки, мамлакат хавфсизлигини таъминлашда мамлакатга таҳдидларнинг барчасига қарши туриш мураккаб масала бўлиб, потенциал таҳдидларни аниқлаш ва олдиндан кўра билиш анча саъй-ҳаракат ва маблағ талаб этувчи соҳа ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда, хусусан, барча соҳаларнинг барқарор ривожланишига таҳдид солувчи ва таъсири қилувчи омилларнинг бир-бирига боғлиқлиги, таъсири ва истиқболларини аниқлашда замонавий техник ва дастурий таъминотдан фойдаланиш тизими бугунги кунда долзарб масала ҳисобланади.

Илмий доиралар ва эксперталар орасида “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасига нисбатан ягона ёндашув ҳалигача ҳам шаклланмаган. Шунинг учун биз мазкур тадқиқот ишида индикатив кўрсаткичлар билан бирга, иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ҳамда барқарор ривожланишга эришишга таъсири этувчи омилларнинг агрегатлашган кўрсаткичларини ҳам таҳлил этишни мақсад қилиб қўйдик.

Фарб илмий манбаларида иқтисодий хавфсизликка миллий хавфсизликнинг давлат барқарор иқтисодий ривожланиши ҳамда иқтисодий суверенитетини таъминлаш контекстидаги таркибий қисм сифатида қаралади. Европалик ва америкалик олимлар иқтисодий хавфсизлик деганда, миллий иқтисоднинг иқтисодий инқирозлар шароитида барқарор ривожлана олишини, шунингдек, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзининг рақобатбардошлигини таъминлай олишини назарда тутадилар.

Европа халқлари лексикасида бу ибора XVII асргача қисман ишлатилиб келинган, яъни 1881 йил 14 августда қабул қилинган «Жамоат хавфсизлиги ва давлатни ҳимоялаш тўғрисида» ги тартибида “давлат ва жамоат хавфсизлиги” бир тушунча сифатида ишлатилган.

1934 йилда “Давлат хавфсизлиги” тушунчасининг қонуний бириктирилишига Ф.Рузвельт асос солган бўлиб, худди мана шу даврда биринчи марта “иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси кўллана

боншанди ҳамда иқтисодий хавфсизлик бўйича федерал қўмита ташкил қилиниб, уни Меҳнат вазири Френсис Перкинс бошқара бошлади³⁰.

АҚШнинг Миллий хавфсизлик стратегиясида иқтисодий барқарорлик ва ривожланиш масалалари миллий хавфсизликни таъминлашнинг ажралмас элементи сифатида кўрилади.

Ҳозирги кунгача иқтисодий хавфсизликка аниқ бир таъриф берилмаган бўлиб, турли олимлар томонидан турлича ёндашувлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар бу кўрсаткич мудофаа салоҳияти, давлатнинг олиб бораётган сиёсатини ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги, турли хил шароитда миллий манфатларни ҳимоя қила оладиган иқтисодиётни назарда тутади. Яна бир гуруҳ олимлар томонидан эса ҳалқнинг мустақил равишда ташки кучларнинг аралашувисиз ва тазиқисиз иқтисодий тараққиёт йўли ва шаклларини ўзи белгилаб олишига имкон берадиган ҳолат сифатида таърифланган.³¹

Бир гуруҳ олимлар “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасини иқтисодиётнинг ижтимоий эҳтиёжларини самарали қондиришга қодирлиги деб баҳоласалар³², бошқа олимлар гуруҳи қуйидагича таърифлайди: “Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишининг муҳим шарти, бу соҳада шахс, жамият ва давлатнинг энг муҳим манфатларининг ички ва ташки таҳдидлардан ҳимояланганлиги даражаси билан белгиланади”. Уларнинг фикрича, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш шахс, жамият ва давлат мавжудлиги, уларнинг изчил ривожланишига имкон яратадиган талаб-эҳтиёжларнинг қондирилиши демакдир.³³

Япония ҳокимиятининг расмий ҳужжатларида иқтисодий хавфсизлик иқтисоднинг, энг аввало, иқтисодий воситалар билан ҳалқаро омиллар таъсири остида пайдо бўладиган жиддий таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати, деб белгиланади.

³⁰ Экономическая и национальная безопасность: Учебник/ Под. ред. Е. А. Олейникова. –М.: Издательство «Экзамен», 2004. –768 бет.

³¹ Экономическая безопасность. Производства, финансы, банки. –М., ЗАО “Финстатинформ”, 1998.

³² Жандаров А.М. Петров А.А. Экономическая безопасность России: определения гипотез, расчет. // Безопасность 1994, №3

³³ Артикова Д. Иқтисодий хавфсизлик. –Т.: 2010. ТДИУ.

Россия Федерациясининг “Хавфсизлик тўғрисидаги” Қонунида иқтисодий хавфсизликка қуйидагича таъриф берилган: “Иқтисодий хавфсизлик бу – шахснинг, жамиятнинг, давлатнинг ҳаётий муҳим бўлган иқтисодий манфатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганигидир”.

МДҲ худудида “иқтисодий хавфсизлик” муаммоси 90-йилларнинг бошларида, Россия ФА Иктиносидёт институтида фаол ўрганила бошланди. 1994 йилда академик Л.И.Абалкин “Вопросы экономики” журналида чоп этилган мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг амалий масалаларини илмий асослаш муаммолари бўйича мақоласи ушбу йўналишдаги илк илмий ишлардан ҳисобланади.

Кейинчалик, мазкур институт профессори В.К.Сенчагов раҳбарлигида “Экономическая безопасность” (“Иқтисодий хавфеизлик”) номли тўрт жилдли китоб нашр этилди. 2001 йилда проф. Д.Е.Сорокин томонидан тубдан янги бўлган “мутлақ миллий хавфсизлик” концепциясини яратиш зарурятининг аҳамияти ва имкониятлари масаласи кўтарилади. Ушбу концепцияда давлат ўз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда стратегик таҳдидлар мажмуига қарши чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиши зарурлиги таъкидланади.

Ўзбекистонда Миллий хавфсизлик сифатидаги “хавфсизлик” тушунчаси 1997 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Миллий Хавфсизлиги Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонунда: “Унда мамлакатнинг шундай ҳолатини тушуниш керакки, унинг миллий қадриятлари, манбаатлари ва миллий ҳаёт тарзига бўлган ҳақиқий ташқи ва ички таҳдидлар йўқ ёки бартараф этилган бўлади, яъни шахс ва давлатнинг ҳаётий зарур манбаатлари амалга ошиши таъминланади” деб баён этилган. Миллий хавфсизликка таҳдид деганда эса - ҳаётий муҳим миллий манбаатларга путур етказиши мумкин бўлган омиллар ва шарт-шароитлар тушунилиши кўрсатиб ўтилган³⁴.

³⁴Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси. - Т.: 1997. 8-б.

Ўзбекистонлик тадқиқотчи А.Р.Рахмоновнинг “миллий хавфсизлик” атамасига берган таърифи ҳам Миллий хавфсизлик концепциясида баён этилган таърифдан деярли фарқ қилмайди: “Миллий хавфсизлик деганда, мамлакатнинг шундай ҳолати тушуниладики, бунда миллий қадриятлар, манфаатлар ва миллий ҳаёт тарзига нисбатан ташқи ва ички таҳдидлар бўлмайди ёки бартараф этилган бўлади, яъни шахс, жамият, давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари қондирилиши таъминланади”³⁵. Ушбу йўналишда илмий иш олиб борган бошқа олимларнинг ҳам фикрларига кўра, “миллий хавфсизлик” тушунчаси погонали (шахс, жамият ва давлат), кўп унсурли тузилишга эга ёки хавфсизлик тизими тушунчадир.

Умуман олганда, “хавфсизлик” атамасининг мазмунидан келиб чиқиб, иқтисодий хавфсизликни иқтисодий тизимнинг турли хил ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати, давлат иқтисодий манфаатларининг барқарор ривожланиши ва таъминланиши учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги, деб таърифлаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, кенг маънода миллий хавфсизлик бу мамлакат ва жамият ўз ички қонунларига амал қилган, бошқарувда ижобий ўзгариш ва йўналишларни рағбатлантириш, шунингдек, салбий ўзгаришларни тузатиш, мамлакатни ташқи муҳит таҳдидидан ҳимоя қилишни топширган ҳолда ўзаро узвий амал қилувчи ва ривожланувчи шароитлар ҳамда омиллар тизимиdir. Бундай ёндашувлар қуидагиларда акс эттирилган:

- биринчидан, объектнинг (ижтимоий муҳит - жамиятнинг) ҳолатини белгиловчи барқарор ва ўзгарувчан сабаблар (шароит ва омиллар);
- иккинчидан, жамият нормал ривожланишини таъминлашдан иборат бўлган мақсад мазмунидан;
- учинчидан, жамиятнинг ўз ички қонунлари бўйича амал қилишидан иборат бўлган мамлакат хавфсизлиги ҳолати мезони;

³⁵Рахманов А.Р. Международно-правовые аспекты обеспечения всеобъемлющей национальной безопасности Республики Узбекистан. Автореф. дисс. на соиск. уч.ст. д.ю.н. - Т.: 2001. - С. 13.

➤ тўртинчидан, миллий хавфсизликни таъминлашнинг ички ва ташқи сиёsat бўйича бошқарув вазифаларини қамраб олади.

Иқтисодиёт ҳар бир давлат фаолиятининг моддий ва молиявий асоси бўлганлиги сабабли иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликни таъминлашнинг барча йўналишлари учун муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётдаги муаммолар, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, бюджет маблағларининг етишмовчилиги муқаррар равища ҳарбий хавфсизлик ҳолатида, аҳолининг ижтимоий қайфиятида, илмий изланишларнинг кўллаб-куватланишида, экологик лойиҳаларни молиялаштиришда ўз аксини топади.

Ташқи иқтисодий соҳадаги негатив тенденциялар (чет эл капиталининг экспансияси, ташқи қарзларнинг катта ҳажми, бирор-бир давлатнинг монопол таъминотига ёки халқаро молия институтларига қарам бўлиш) ташқи ўйин иштирокчиларининг таъсир ўтказиш усул ва воситаларини кучайтириши ҳамда давлат суверенитетининг қисман йўқотилишига олиб келиши, бу эса, ўз навбатида, давлат сиёсий хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин.

Демак, давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини коплашга кодирлиги ва барча иқтисодий кўрсаткичлар “баланслашганлиги” (яъни иқтисодий соҳадаги таҳдидларнинг йўқлиги) бошқа соҳаларда миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий омилларидан биридир.

Мамлакатимизнинг миллий хавфсизлик концепциясида “иқтисодий хавфсизлик” тушунчasi ишлатилган бўлса-да, унинг таърифи, таъминлаш механизмлари тўла очиб берилмаган. Бу ўз навбатида, қўйидаги тадбирлар амалга оширилиши зарурлигини англатади:

➤ биринчидан, соҳадаги илмий ва амалий ишлар интенсив равища давом эттирилиши керак;

➤ иккинчидан, иқтисодий хавфсизлик терминини тўлиқ қамраб олувчи таърифни топиш лозим. Унинг асосида Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлайдиган давлат тузилмалари, уларнинг мақсади,

вазифалари ва функцияларини шакллантирадиган вазифа ҳали олдинда турганлиги кўрсатилади.

➤ учинчидан, концепция ўз мазмунига кўра миллий хавфсизликни таъминлашда умумий йўналишларни эътиборга олган бўлиб, иқтисодий хавфсизликнинг энг асосий жиҳатларинигина кўзда тутади.

Шу билан бирга концепция, мамлакат иқтисодий ҳаётида фаолият юритаётган давлат, унинг барча институтционал ташкилотлари миллий ва иқтисодиёт хавфсизлигининг субъектлари ҳисобланишини кўрсатиб беради.

Улар: солиқ ва божхона хизматлари, банклар, биржалар, сугурта ташкилотлари ва фондлар, ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи соҳа ҳамда кўрсатиб ўтилган давлат бошқаруви органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ва бошқалар ҳисобланади.

Бунда давлат барқарор ривожланишни таъминлашнинг асосий ташкил этувчиси ҳамда иқтисодий хавфсизликнинг субъекти бўлиб майдонга чиқади. Бу ҳолат бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигини ҳам билдиради. Шу сабабдан, миллий иқтисодий хавфсизликнинг ҳимояланганлиги шахс, жамият ва давлат эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ишлаб чиқариш кучлари, табиий ресурсларнинг микдори ва хавфсизлик даражаси, бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги ҳамда юқори малакали инсон капиталининг мавжудлиги даражаси билан белгиланади.

ХХ аср охириларига келиб, “хавфсизлик” ва “миллий хафсизлик” тушунчалари тез-тез кўлланила бошланди. Бу инсоният ривожланишининг мураккаблашуви, ядро, атом ва бошқа оммавий қирғин қуролларининг кенг тарқалиши, экологик вазиятнинг оғирлиги, янги хавфли касалликларнинг вужудга келиши, терроризм хавфининг кучайиши, тоталитар тузум ёмирилгандан кейин дунёнинг қарама-қарши кутбларга бўлиниши барҳам топгандан кейинги давлатлар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, уларда

бозор ислоҳотларининг амалга оширилиши билан изоҳланади. Дунёдаги бундай ўзагаришлар хавфсизлик, умумий ва миллий хавфсизлик муаммоларига бўлган эътиборни янада кучайтиради.



11-расм. Иқтисодий хавфсизлик соҳалари³⁶


Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда иқтисодий хавфсизликка оид соҳаларни қуидагича тасвирлаш имкони мавжуд (11-расм).

XX аср охириларига келиб, “хавфсизлик” ва “миллий хафсизлик” тушунчлари тез-тез қўлланила бошланди. Бу инсоният ривожланишининг мураккаблашуви, ядро, атом ва бошқа оммавий қирғин куролларининг кенг тарқалиши, экологик вазиятнинг оғирлиги, янги хавфли касалликларнинг вужудга келиши, терроризм хавфининг кучайиши, тоталитар тузум емирилгандан кейин дунёнинг қарама-қарши қутбларга бўлиниши барҳам топгандан кейинги давлатлар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, уларда бозор ислоҳотларининг амалга оширилиши билан изоҳланади. Дунёдаги бундай ўзагаришлар хавфсизлик, умумий ва миллий хавфсизлик муаммоларига бўлган эътиборни янада кучайтиради.

³⁶ Б.Х. Каттаев. Иқтисодий хавфсизлик амалиёти ва назарияси. (Маъruzalar matni)-Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси. 2015.

Хавфсизлик хавф-хатардан ҳимояланиш шарти ва стратегияси сифатида ижтимоий тизим, шахс, жамият ва давлат ҳаёт-фаолиятининг нормал амал қилишини таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Хавфсизлик тушунчаси ўзининг объектлари ва субъектлари нуқтаи-назаридан турли шаклларда намоён бўлади. Аммо ҳозирги даврда бу тушунчанинг умумлашган шакли миллий хавфсизлик деб аталади.



12-расм. Хавфсизлик субъектлари ва объектлари³⁷

³⁷ “Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги”. Ҳ.П.Абулқосимов. Тошкент - 2012, 9 бет.

Давлат фаолиятида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг асосий омили ижтимоий-иқтисодий тизим ва давлатнинг қисқа ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган дастурларини амалга оширишга салбий таъсир этувчи омилларни белгилаш ва мониторинг қилиш, бу омилларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш мақсадида ягона иқтисодий ислоҳотлар доирасида институционал ўзгартиришлар ва иқтисодий сиёsatни амалга ошириш ҳисобланади. Бунда, энг аввало, мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари устувор бўлади. Миллий иқтисодиётнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг таъминланганлигини билдиради.

Иқтисодий хавфсизлик тушунчасининг мазмун ва моҳиятини ёритиб беришдан олдин миллий хавфсизлик тушунчасига тўхталиб ўтиш керак бўлади. Миллий хавфсизлик манфаатларни ҳимоялашнинг умумий шакли сифатида манфаат ва эҳтиёжларни қондириш, моддий, маънавий, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш ва фаровонликка интилиш тўғрисидаги барча тасаввурларни ифодалайди.

Иқтисодий хавфсизлик – иқтисодий категория ҳисобланади. У иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсиш таъминланган, ижтимоий эҳтиёжлар оптimal даражада қондирилган, рационал бошқариш амалга оширилган, миллий ва халқаро даражаларда иқтисодий манфаатларнинг ҳимоялангандаги ҳолатини ифодалайди.

Иқтисодий хавфсизлик мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан мустакил, барқарор ривожланишига қодирлигини таъминлашга йўналтирилган.

Республикамизда иқтисодий хавфсизлик масаласи мамлакат миллий хавфсизлигининг бир қисми сифатида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида кўриб чиқилди. Унда мамлакатнинг миллий хавфсизлиги, унинг ажралмас қисми бўлган иқтисодий хавфсизлик масалалари назарий жиҳатдан чукур таҳлил қилинди.

Ҳозирги пайтда иқтисодий хавфсизлик бу – мамлакат иқтисодиётини доимий барқарор ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг умуммиллий мажмуаси бўлиб, у албатта давлатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ва мустақиллигини ҳамда ташқи ва ички таҳдидларга қарши туриш механизмини кўзда тутади.

Илмий адабиётларда ва дарслкларда «иқтисодий хавфсизлик» тушунчасининг турлича талқинлари берилган. Бир гурух олимлар мазкур тушунча мазмунини мамлакатнинг етарли мудофаа салоҳиятини, давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини, миллий манбаатларни ҳимоя қилишни кафолатлашга қодир бўлган иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг аҳволи сифатида таърифлайди³⁸.

Бошқа бир гурух олимлар эса ўрганилаётган тушунчани ҳокимият институтларининг иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган, миллий манбаатларни ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш механизмларини яратишга қодирлиги ва тайёрлиги, деб талқин киладилар.

А.Исаходжаев ва А.Расуловларнинг фикрича, иқтисодий хавфсизлик бу фақат миллий манбаатларни ҳимоя қилишдан иборат бўлмай, давлат ҳокимияти институтлари, ижтимоий ассоциациялар, хусусий секторнинг мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг миллий манбаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш механизмини яратиш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашга тайёрлиги ва қобилиятидир³⁹.


“Иқтисодий хавфсизлик” деганда иқтисодиётнинг мамлакат ижтимоий, сиёсий ва мудофаа қобилиятининг етарли даражасини таъминлаш имконини берадиган ҳолати тушунилади. “Иқтисодий хавфсизлик” – бу ҳалқнинг (давлат орқали) мустақил равиша, ташқаридан бўладиган аралашиш ва тазиқларсиз ўз иқтисодий

³⁸ Экономическая безопасность. Производство, финансы, банки. М.: ЗАО «Финстатинформ», 2000. с.12.

³⁹ Исаходжаев А., Расулов А. Хуфёна иқтисодиёт ва иқтисодий хавфсизлик. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004, 157-бет.

тараққиёт йўли ҳамда шаклларини белгилашидир.

“Иқтисодий хавфсизлик” – бу нафақат миллий манфаатларни ҳимояланганлиги, балки ҳокимият институтларининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги миллий манфаатларни амалга ошириш ва ҳимоялаш механизмларини яратишга бўлган тайёрлиги ва қобилияти ҳамdir.



13-расм. Иқтисодий хавфсизлик даражалари⁴⁰

Миллий Хавфсизлик Концепциясида кўрсатилган иқтисодий хавф ва таҳдидлардан ташқари, иқтисодиётимиз ривожланишига тўсиқ бўлиши мумкин бўлган қуйидаги ички ва ташқи хавф ҳамда таҳдидларни таҳлил қилиш ва ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнинг фикримизча, булар қуйидагича таснифланади:

а) ички таҳдидлар:

- аҳолининг айрим гурӯхларида реал даромад билан реал харажатнинг номутаносиблиги;
- иқтисодий ислоҳотлар пайтида аҳолининг кўпчилик қисмида иқтисодий турмуш даражаси пастлигининг сақланиб қолаётганлиги;

⁴⁰ Вечканов Г.С. Экономическая безопасность. – СПб.: Питер, 2007, с. 67

- давлат мулкини хусусийлаштиришда аҳоли кенг қатламлари иштирокини таъминлашида қонунийлик ва ижтимоий адолат принциплари бузилиши эҳтимолининг юқорилиги;
- мамлакатдаги демографик ўсиш жараёнига нисбатан иқтисодиёт ривожланиш суръатининг пастлиги;
- уюшган жиноятчилик элементларининг иқтисодиётнинг асосий соҳаларига кириб боришга ҳаракати;
- бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ижтимоий – иқтисодий шароитларнинг аҳоли ҳаётига салбий таъсири;
- сифатсиз уй-жой, инсоннинг овқатланишидаги сифатнинг ёмонлашуви;
- молиявий, шартнома маданиятининг пастлиги;
- даромадларни соликдан яшириш ва солик тўлашдан бўйин товлашнинг турли кўринишлари мавжудлиги;
- иқтисодиёт ва уни бошқаришнинг криминаллашуви жараёни;
- бозор муносабатларига ўтиш шароитида доимий характерга эга бўлган пуллик хизматларнинг (коммунал ҳаражатлар, таълим, соглиқни сақлаш, электр энергияси ва бошқа ҳаражатлар аҳоли даромадларига номутаносиблиги) нархи ва кўламининг аҳоли реал даромадларига нисбатан ошиб бориши;
- ишсизликнинг, айниқса, ёшлар орасидаги ишсизликнинг, ноқонуний меҳнат миграциясининг мавжудлиги натижасида ижтимоий низоларнинг келиб чиқиш эҳтимолининг ошиши;
- илм-фан ютуқлари ва юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришнинг етарли даражада мавжуд эмаслиги;
- саноатга ички инвестицияларни жалб этишнинг пастлиги;
- аҳолининг ҳаёт фаолиятини таъминловчи инфратузилмавий соҳалар моддий- техника базасининг эскириши;
- инновацион фаолликнинг пастлиги, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик қолоқлиги;
- илмий-техникавий потенциалнинг ёмонлашуви, «интеллектуал салоҳият» нинг четга чиқиб кетиши;
- кишлоқ хўжалигига иқтисодий муносабатларнинг етарлича либераллашмаганлиги, унда буюртмачининг монополлиги сакланиб

қолаётганлиги;

- мавжуд инвестицион мұхитнинг етарли даражада тақомиллашмаганлиги, фонд биржаларининг фаолияти етарли даражада самарали эмаслиги;

- айрим ҳудудларда ижтимоий-иктисодий, экологик ҳолатнинг кескинлашуви;

- ички ишлаб чиқаришнинг ривожланишига маъмурий тўсиқларнинг салбий таъсири;

- иктиносидиётда хом ашё етказиб берувчи соҳаларнинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан улушининг етакчи эканлиги ва бошқалар.

б) ташқи таҳдидлар:

- товарлар импортида техника ва технологиялар ўрнига истеъмол молларининг етакчи эканлиги;

- экспортни, биринчи навбатда, илмталаб соҳаларда етарли даражада кўллаб-кувватланмаётганлиги;

- саноат тармоқларини жадал модернизация ва диверсификациялаш жараёнларини таъминлаш, техника ва технологияларни импорт қилиш масалалари етарли равишда олиб борилмаётганлиги;

- ташқи бозорга маҳсулот экспорт қилишда коммуникацион-маркетинг тизимининг ривожланмаганлиги;

- жаҳон сиёсий ва иктиносидий майдонида нотўғри тасаввур уйғотиш натижасида инвестицион жозибадорликни пасайтиришга доир уринишлар;

- айрим ички муаммолар ташқи таъсир омилларини кучайтириши ёки аксинча.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда иктиносидий хавфсизликни таъминлашнинг асосий кафолати сифатида умумий жиҳатдан айтишимиз мумкинки, иктиносидиётда бозор муносабатларини қарор топтириш, сиёсий соҳада қонун устувор бўлган демократик давлатни, ижтимоий соҳада кучли демократик, фуқаролик жамиятини барпо этишдир. Бу ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган иктиносидий-сиёсий ислоҳотларнинг стратегик

максади ҳисобланади. Бунда асосий мезон мамлакат иқтисодиёти жамиятимиз аъзоларининг (шахснинг) ҳаётй зарур эҳтиёжларини қондира олишини таъминловчи яшаш шароитларини яратишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида қўйидаги фикрларини яъни, “Барча қўшниларимиз билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан бирига айланди. 2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа ҳалқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Ҳалқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидлар тобора кучайиб бораётганини ҳисобга олиб, биз янги Мудофаа доктринасини қабул қилдик.

Миллий иқтисодиётимизнинг ҳалқаро доирада хавфсизлигини химоя қилиш асосида миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризм ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиш, шунингдек, молиявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳалқаро тажрибаларни ўрганиш ҳамда Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гурухнинг (ФАТФ) тавсиялари ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ПҚ-2752-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблагларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан

ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идораларро комиссияни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3947-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Курилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кент жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4464-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони ва бошқа меъёрий-хукуқий хужжатлар асосида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалалари устувор вазифа сифатида белгилаб берилган.

16-жадвал

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси тизими

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси тизими	<ul style="list-style-type: none"> - марказий аппарат - вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалар - Олмалиқ кон-техника инспекцияси - Ангрен кон-техника инспекцияси - Кизилкум кон-техника инспекцияси - Ҳарбийлаштирилган кон-кутқарув кисми - «Саноат хавфсизлиги» ДУК - «Контехназораттӯкув» ДУК - «Саноат назорати лабораторияси» ДУК
--	--

Манба: Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси маъбу мотлари асосида тайёрланган.

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, кон-техника инспекциялари ва идоравий мансуб хўжалик ҳисобидаги ташкилотлари саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви ва тартибга солишининг ягона тизимни ташкил этади.

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади⁴¹:

- атом энергетикаси ва ядро технологиялари объектларида радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги соҳаларида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича ишни мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш;

- саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги ҳамда истироҳат боғлари аттракционларидан фойдаланиш борасидаги қонун хужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувани амалга ошириш;

- саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш борасида республикада ёқилғи-энергетика комплекси ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларини янада ривожлантириш бўйича стратегик режалар ва дастурларни ишлаб чиқиша иштирок этиш;

- атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида лицензиялаш, саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат назорати органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

- саноат хавфсизлигини экспертизадан ва аккредитациядан ўtkазиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, атом энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ объектлар хавфсизлигини экспертиза қилишни ташкил этиш;

- саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланишда ишларни хавфсиз юритиш ҳамда истироҳат боғлари аттракционларидан фойдаланиш борасидаги норматив-хукукий хужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси тўғрисида Низом. 2019 йил 1 февраль, 75-сон.

- халқаро ва хорижий ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек, соҳа фаолиятига тааллуқли бўлган халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

- техника ва технологияларнинг жадал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги соҳаларида фаолиятни амалга оширувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш.

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси унга юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

➤ атом энергетикаси ва ядро технологиялари обьектларида радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш обьектларида саноат хавфсизлиги соҳаларида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича ишни мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш соҳасида;

➤ хавфли ишлаб чиқариш обьектларида, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш обьектларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда қўлланиладиган ишлаб чиқаришлар (технологиялар), обьектлар ва техник қурилмалар рўйхатини белгилайди ва тасдиқлади;

➤ иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлади;

➤ хавфли ишлаб чиқариш обьектларида саноат хавфсизлиги экспертизаси тизимини ривожлантиришни, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида обьектлар хавфсизлиги экспертизасини ўтказишни, шунингдек, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолиятни лицензиялаш тизимини ташкил этади;

➤ хавфли ишлаб чиқариш обьектларида ва истироҳат боғлари аттракционларида қўлланиладиган техник қурилмаларни сертификатлашни ташкил этади;

➤ ўз ваколатлари доирасида ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг давлат ҳисоби ва назоратини, уларнинг миллий реестри юритилишини таъминлайди;

➤ Радиация аварияларида прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва муносабат билдириш ягона давлат тизими мавжуд бўлишини таъминлашда иштирок этади;

➤ хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида хавфли ишлаб чиқариш объектлари ҳисобини, шунингдек, рухсат берувчи тусдаги ҳужжатлар реестрини юритади;

➤ юқори техник хавфли зоналарнинг давлат кадастри юритилишини мувофиқлаштиради;

➤ авария ҳолатининг ва ишлаб чиқариш жароҳатининг олдини олиш мақсадида саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги талабларига, ер қаъридан хавфсиз фойдаланиш талабларига риоя килиш зарурлиги тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб боради;

➤ саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратини ташкил этиш тўғрисидаги маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилади;

➤ саноат хавфсизлиги давлат кўмитасининг назорат остидаги объектларида авариялар, ишлаб чиқаришда майиб бўлиш, портловчи моддалар йўқолиши ҳолларининг сабабларини белгиланган тартибда суриштиради.

Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги ҳамда истироҳат боғлари аттракционларидан фойдаланиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш соҳасида:

-юридик ва жисмоний шахслар томонидан саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, геология-қидирав ва кон ишларини олиб боришнинг хавфсизлиги ва углеводород ҳом ашёли ер қаърини муҳофаза қилиш соҳасида, шунингдек, истироҳат боғлари аттракционларидан фойдаланиш соҳасида техник жиҳатдан

тартибга солиш соҳасида қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувани амалга оширади⁴²;

-ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси хузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари давлат комиссиясининг захираларни тасдиқлашда қабул қилинган саноат хавфсизлиги бўйича қарорлари ва хulosалари бажарилишини назорат қиласди;

-хавфли ишлаб чиқариш обьектларида фойдаланиладиган буг ва сув иситиш қозонларини, босим остида ишлайдиган идишларни, буг ва иссиқ сув учун сув кувурларини ҳамда кўтариш иншоотларини, шунингдек, истироҳат боғларидаги аттракционларни рўйхатга олади;

-Ҳарбийлаштирилган кон-күтқарув қисмини оператив бошқаради ва методик раҳбарлик қиласди, шунингдек, кон фаввораларига қарши курашиш, газдан кутқариш ва авария-диспетчерлик хизматлари корхоналари, бўлинмаларининг бўлиши мумкин бўлган аварияларни локализация қилиш ва оқибатларини тугатишга тайёрлигини назорат қиласди;

-назорат остидаги корхоналар ва обьектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиялари таркибида иштирок этиш учун ўз вакилларини тайинлайди, ушбу обьектларда фойдаланишга қабул қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қиласди;

-хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланишга ташкилотларнинг тайёрлигини, шунингдек, назорат остидаги обьектларда авариялар ва ишлаб чиқариш жароҳатининг олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилиши ва ўтказилишини назорат қиласди;

-истироҳат боғлари аттракционларини фойдаланишга тайёрлаш ва уларни қабул қилиш устидан белгиланган тартибда назорат қиласди;

⁴² Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси тўғрисида Низом. 2019 йил 1 февраль, 75-сон.

-саноат хавфсизлиги декларациялари ишлаб чиқилиши ва тақдим этилишининг тўғрилиги мониторингини олиб боради;

-ишлаб турган ва курилаётган хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлигини декларациялашни назорат қилади.

Саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш борасида республикада ёқилги-энергетика комплекси ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларини янада ривожлантириш бўйича стратегик режа ва дастурларни ишлаб чиқишида иштирок этиш соҳасида⁴³:

➤ вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ёқилги-энергетика комплексини ва саноатнинг базавий тармоқларини янада ривожлантириш бўйича стратегик режалар ва дастурларга таклифларни ишлаб чиқади;

➤ саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ёқилги-энергетика комплексини ва саноатнинг базавий тармоқларини янада ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш ишлари олиб борилишини назорат қилади;

➤ радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш юзасидан атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида давлат мақсадли дастурлари ишлаб чиқилиши, кўриб чиқилиши ва амалга оширилишида иштирок этади.

Саноат хавфсизлигини экспертизадан ва аккредитациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, атом энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ объектлар хавфсизлигини экспертиза қилишни ташкил этиш соҳасида:

➤ саноат хавфсизлиги соҳасида эксперт ташкилотларини белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказади ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради;

➤ саноат хавфсизлиги соҳасида берилган эксперт хулосаларининг ягона ҳисобини юритади;

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси тўғрисида Низом. 2019 йил 1 февраль, 75-сон.

➤ атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолият турлари хавфсизлиги экспертизасини (хавфсизликни асослаш экспертизасини) ташкил этади.

Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги ҳамда истироҳат боғлари аттракционларини эксплуатация қилиш борасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиши ва қабул қилиш соҳасида:

✓ саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳаларида техник жиҳатдан тартибга солиш, ер қаъридан фойдаланишда ишларни хавфсиз юритиш соҳасида, путур етказмайдиган назорат бўйича, шунингдек, истироҳат боғлари аттракционларидан фойдаланишда ва Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ваколатига кирадиган бошқа масалалар бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатларни ва норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва қабул қиласди;

✓ радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш соҳасида, ядро курилмаларини, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини, ядро материалларини, радиоактив моддалар пунктларини ва радиоактив чиқиндилар омборларини физик ҳимоя қилиш соҳасида талабларни белгилайдиган нормалар ва қоидалар ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда қабул қилинишини таъминлади;

✓ саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида, путур етказмайдиган назорат бўйича, истироҳат боғлари аттракционларидан фойдаланишда ишларни хавфсиз юритиш талаблари мавжуд бўлган норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва белгиланган тартибда келишади;

✓ фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича корхоналар, объектларни тутатиш ва консервация қилишда ер қаъридан фойдаланувчилар бажариши шарт бўлган техник талабларни (foydaли қазилмалар конларидан фойдаланишда ишларнинг

хавфсизлиги ва иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш учун яроқли бўлган кон ишланмаларини сақлаб қолиш юзасидан) белгилайди.

Халқаро ва хорижий ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек, соҳа фаолиятига тааллуқли бўлган халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш соҳасида:

- саноатда, кон назоратида, атом энергетикаси ва илмий тадқиқотларда ишларни хавфсиз олиб бориш устидан назорат қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қиласи, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро ташкилотлар, бошқа мамлакатларнинг тегишли назорат органлари билан белгиланган тартибда алоқа қиласи;

- атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, кимёвий, бактериологик (биологик) ва заҳарли қурол-яроғни тақиқлаш, шунингдек, кимёвий, биологик, радиологик ва ядро материалларининг таъсири хавфини пасайтириш бўйича халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлайди;

Техника ва технологияларнинг жадал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги соҳаларида фаолиятни амалга оширувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш соҳасида⁴⁴:

- саноат хавфсизлиги соҳасида ходимларнинг малакасини тизимли асосда оширади, шунингдек, техника ва технологияларни динамик ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида мутахассислар тайёрлашни ташкил этади;

- хавфли ишлаб чиқариш обьектлари, саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида атом энергетикаси обьектлари, ер қаъридан фойдаланишда ишларни хавфсиз юритиш соҳасида ходимларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартибини тасдиқлайди.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси тўғрисида Низом. 2019 йил 1 февраль, 75-сон.

5.2. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг индикатив кўрсаткичлари

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун унинг барча фаолият соҳалари ҳолатини кўрсатиб белгиловчи кўрсаткичлари - индикаторларлари мониторингини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мониторинг жараёни иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларнинг ўзгариш тенденциялари ҳамда истиқболини аниқлаш имконини беради.

Иқтисодий хавфсизликнинг умумий кўрсаткичлари (индикаторлари) қўйидагилардан иборат:

- турмуш даражаси ва сифати;
- инфляция суръати;
- бюджет дефицити;
- давлат қарзи;
- жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув даражаси;
- “хуфиёна иқтисодиёт” фаолияти;
- мулк таркиби;
- солиқ тизими;
- бозор инфратузилмаларининг ривожланиши ва бошқалар.

Худудий даражада умумий кўрсаткичлардан ташқари яна қўйидаги индикаторлар иқтисодий хавфсизликни ифодалайди:

- аҳоли даромадлари;
- чакана нархлар миқдори;
- уй-жой билан таъминланганлик;
- ҳудуднинг мамлакат ЯИМидаги улуши;
- ҳудуднинг тўлов баланси;
- экспорт-импорт сальдоси.

Юқоридаги кўрсаткичлар миқдорининг таҳликали қўйи чегарасини кўрсатиш ва аниқ белгилаш зарур. Кўрсаткич миқдори қўйи чегарадан паст тушгандагина иқтисодий таҳдид вужудга келади. Бу чегара - иқтисодий манфаатлар нуқтаи назаридан хўжалик нисбатларининг энг қўйи мақбул нисбатларини

ифодаловчи миқдорий индиқаторлар бўлиб, уларга риоя қилмаслик тақрор ишлаб чиқариш турли элементларининг иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қиласди ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солади.


Таҳликали куйи чегаранинг миқдорий ўлчамларини аниқлаш учун куйидагиларга асосланиш лозим:

- миллий иқтисодиёт ҳолати ва ундан мутаносибликлар ҳамда тақрор ишлаб чиқариш элементлари ва омиллари ҳолатининг бирламчи, муҳим хусусиятларини таснифлаш;

- иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатларни тўлиқ ва кенг қамровли ифодалаш;

- иқтисодий хавфсизликнинг куйи таҳликали чегарасини ифодаловчи индиқаторлардан ҳокимият органлари мамлакат иқтисодиёти ҳолатини аниқ баҳолашда ва бошқа мамлакатлар билан қиёслашда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;

-ушбу индиқаторларларнинг мамлакат ҳисоб, статистика ва прогнозлаштириш тизими билан мувофиқ келиши.⁴⁵



15-расм. 2015-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони, бирлик⁴⁶

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларига кўра, 2019 йилда жами 46089 та жиноятчилик ҳолатлари қайд этилган бўлиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 6,0 % га камайган. Рўйхатга олинган жиноятлар сони бўйича ҳар 10,0 минг аҳолига нисбатан 13,7 та жиноят тўғри келмоқда. Сўнгти 5 йилда рўйхатга олинган жиноятлар сони 47,6 % га камайган, 2015

⁴⁵ Шамагдиев А. Иқтисодий хавфсизлик ва божхона сиёсати. - Т.: ТДИУ-2012.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. 2020 йил.

йилда жиноятлар сони 87946 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, бу кўрсаткич 46089 тани ташкил этди.


Аввал жиноят содир этганлар томонидан амалга оширилган жиноятлар сони охирги 5 йилликда 54,8 % га камайган, яъни 2015 йилда 9249 тани ташкил этган бўлса, 2019 йил (4182 та жиноят)га келиб, 5067 тага камайган. Гуруҳ бўлиб содир этилган жиноятлар сони 55,6 % га камайган, яъни 2015 йилда 11746 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда эса 5216 та жиноят содир этилган. Жамоат жойларида содир этилган жиноятлар сони 2019 йил (2647 та жиноят)да 2015 йил (5467 та жиноят)га қараганда 51,6 % га камайган, мастлик ҳолатида содир этилган жиноятлар эса 59,7 % га камайган, яъни 2015 йилда жиноятлар 2705 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда 1089 тадан иборат бўлган.



16-расм. 2015-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида жиноятчилик ҳолати тўғрисида қиёсий маълумот, бирлик⁴⁷

Содир этилган жиноятларнинг оғир-енгиллиги бўйича худудлар кесимида таҳлил қилинганида жами содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятларнинг асосий қисми 14,6 % Тошкент вилояти, 11,8 % Тошкент шаҳри, 11,4 % Фарғона вилояти ҳиссасига тўгри келса, оғир жиноятларнинг 18,5 % Тошкент вилояти ва 12,2 % Фарғона вилояти ҳиссасига ҳамда ўта оғир жиноятларнинг 20,5 % Тошкент шаҳри ва 12,8 % Самарқанд вилояти ҳиссасига тўгри келмоқда.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. 2020 йил.




17-расм. 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони худудлар кесимида, бирлик⁴⁸

Ўзбекистоннинг барча худудларида 2019 йилда 2018 йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда, жиноятлар сони Навоий вилоятида 10,2 % га, Бухоро вилоятида 8,5 % га, Тошкент вилоятида 6,8 % га, Фарғона вилоятида 5,3 % га, Наманган вилоятида 5,1 % га, Қашқадарё вилоятида 3,9 % га, Андижон ва Самарқанд вилоятларида 3,8 % га, Сирдарё вилоятида 2,6 % га, Жиззах вилоятида 2,2 % га, Хоразм вилоятида 2,1 % га, Сурхондарё вилоятида 1,8 % га, Қорақалпоғистон Республикасида 5,0 % га ва Тошкент шаҳрида 6,0 % га камайганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ўта оғир жиноятлар сони 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 2082 тадан 2073 тагача (0,4 % га) камайганлигини кўриш мумкин. Оғир жиноятлар эса 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 8778 тадан 8089 тагача камайган (7,8 % га). Унча оғир бўлмаган жиноятлар эса 2018 йилга нисбатан (15394 та ҳолат) 2019 йилда 13289 тани ташкил этиб, 13,7 % га камайган.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари. 2020 йил.



18-расм. 2018-2019 йилларда барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг даражалари бўйича тақсимланиши,%

2018 йилнинг шу даврига нисбатан талончилик 37,4 % га, ўғрилик 31,6 % га, босқинчилик 21,7 % га, қасддан баданга оғир шикаст етказиш 18,7 % га, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга уриниш 16,9 % га, номусга тегиш ва номусга тегишига уриниш 4,1 % га, фирибгарлик 2,5 % га, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш 1,0 % га камайган. Шу билан бирга, хонадонларни ва шахсий уйларни тунаш 42,4 % га ва дўкон ва савдо нукталарини тунаш 25,3 % га камайган. Шунингдек, безорилик 6,6 % га, гиёҳванд воситалари билан қонунга хилоф равища мумомала қилишга оид жиноятлар 5,5 % га кўпайган.

Иқтисодий хавфсизликни баҳолаш учун миллий иқтисодиётнинг деярли барча қирраларини акс эттирувчи, ҳам ички, ҳам ташқи потенциал хатарларни аниқлашга имкон берувчи, шунингдек, уларнинг салбий оқибатларидан огоҳлантирувчи қатор индикаторлар белгиланган.

Иқтисодий хавфсизликнинг қуий таҳликали чегаралари⁴⁹

Кўрсаткичлар	Қуий таҳликали чегара	
	Мазмуни	Даражаси
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	16
Ишсизлик даражаси	Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан, фоиз	8
Монетизация даражаси	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	25
Ташки қарз	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	40
Ички қарз	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	30
Ташки қарзлар бўйича тўловлар	Тўловларнинг йиллик экспорт ҳажмига нисбатан, фоиз	25
Мудофаага ҳаражатлар	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	3
Фукаролик фанларига ҳаражатлар	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	1,5
Инновацион маҳсулотлар	Саноат маҳсулотлари умумий ҳажмига нисбатан, фоиз	15
Саноат ишлаб чиқаришида машинасозлик ва металлни кайта ишланиш	Саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, фоиз	25
Давлат бюджети дефицити	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	3
Давлат қарзини қоплаш ҳаражатлари	Давлат бюджети ҳаражатлари ҳажмига нисбатан, фоиз	20
Яшаш минимумидан паст даражада даромад олувчи аҳоли	Аҳоли умумий сонидаги улуши, фоиз	7
Аҳоли даромадлари бўйича табакаланиши	Децил коефициенти	8

Миллий манбаатларга риоя қилиш нуқтai назаридан, имкон қадар микдорий кўрсаткичларни акс эттирувчи бошлангич микдорлар қиймати асосий эътиборга молик. Жаҳон тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлиги тизимида улар шартли равишда қуидагича гурӯҳланиши мумкин:

- ташки хавф ва хатарларга бардошлиликни акс эттирувчи макроиқтисодий кўрсаткичлар;

⁴⁹ Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекций: учеб-метод пособие. М.: Финансы и статистика; ИНФРА-М, 2009. С. 76-92.

- муайян соҳа ва тармоқларнинг потенциал ташқи ҳамда ички хавф ва хатарларга заифлигини акс эттирувчи мезоиқтисодий кўрсаткичлар;
- ташқи ва ички хавф ва хатарларни акс эттирувчи микроиқтисодий кўрсаткичлар.

Иқтисодий хавфсизликнинг қуи таҳликали чегараси индикаторлари миллий иқтисодиёт соҳалари ва уларнинг ҳар қайсидағи миллий манбаатлар нуқтайи назаридан туркумланади. Жаҳон миқёсида қабул қилинган иқтисодий хавфсизликнинг қуи таҳликали чегаралари 16-жадвалда келтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликнинг индикатив кўрсаткичлари барқарор ривожланиш стратегиясини амалга ошириш имконини яратмоқда ва ушбу йўналишда сезиларли муваффақиятларга эришилди. Булардан энг асосийлари:

- юкори сифатли давлат бошқаруви таъминланганлиги;
- самарали фискал ва монетар сиёsatни амалга ошириш йўли билан макроиқтисодий ўсиш ва бошқарилувчи инфляциянинг барқарорлиги;
- иқтисодиётда ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларни тақсимлашни таъминловчи самарали стратегиянинг шакллантирилиши;
- хусусий мулкдорлар ҳуқуқи ва шартномалар бажарилиши ҳимоясини кафолатловчи иқтисодиётни бошқаришнинг қонунчилик тизимининг яратилганлиги ва бошқалар.

5.3. Саноат корхоналарини барқарор иқтисодий ўсишга эришиш йўлида иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари

Ўзбекистонда саноатни барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш, саноат

тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида республика саноатини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари этиб қуидагилар белгиланди:

- структура ҳосил қилувчи тармоқларни ва умуман саноатни ривожлантиришнинг аниқ, чукур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш;

- саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзgartиришларни янада чуқурлаштириш, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чукур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

- саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илфор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чукур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган

рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

-ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

- меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашга таъсир этувчи омилларни таҳлил этишда юзага келадиган муаммоларнинг бирбирига боғлиқлигини миқдорий кўрсаткичлар, прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишада иқтисодий-математик усулларнинг ўрни мухимдир.

Жумладан, макроиқтисодиётдаги аҳолининг истиқболдаги сони иқтисодий хавфсизлигимизда мухим аҳамият касб этиб, макроиқтисодиётнинг келажагини олдиндан режалаштириш, энг аввало, аҳолининг келгусида кўпайиш истиқболини аниқлашдан бошланади. Чунки режа кўрсаткичларининг асосий қисми жамият эҳтиёжини, хусусан, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга бўйсундирилиши лозим.⁵⁰

Ишлаб чиқариш соҳаси ҳам иқтисодий хавфсизлигимизда мухим аҳамият касб этиб, бунда ҳам юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва ана шу муаммоларнинг бир-бири билан боғлиқлигини, таъсирини аниқлашда математик формула ва услубларнинг ўрни мухимлигини кўришимиз мумкин.

⁵⁰ Ё.Абдуллаев. “Макроиқтисодий статистика” Т., “Мехнат” -1998., 56-58 -бетлар.

Хусусан, америкалик иқтисодчи олимлар П.Дуглас ва Д.Кобб 1899-1922 йилларда АҚШ саноатининг ишлаб чиқариш жараёнини узоқ вақт давомида ўрганишган ва “Дуглас-Кобб” формуласини ишлаб чиқишиган. Улар ишлаб чиқариш жараёнини йиллик статистик маълумотлар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва унга таъсир этувчи капитал ва меҳнат ҳаражатлари каби асосий омилларниң устида тажриба ўтказишиган.

П.Дуглас ва Д.Кобблар ишлаб чиқаришнинг асосий омилларини бир-бирига боғлиқлиги ва таъсирини ўрганишган. Ҳозирги кунга келиб ҳам бу формула⁵¹ бутун дунёда ишлаб чиқариш муаммоларини ечишда қўлланиб келинмоқда. Бундан ташқари, расмий маълумотлар етарли бўлмагандан, математик услубларни қўллаб аниқ маълумотларни ҳисоблаб, иқтисодий хавфсизлигимизга таъсир қилувчи “хуфиёна иқтисодиёт”ни аниқлаш мумкин.

Таҳдиллар шуни кўрсатадики, иқтисодий масалалардаги кўпгина расмий маълумотлар етарлича бўлмаса, берилган маълумотлар реал воқеиликка тўла мос келмаслиги, ҳамда бундай ҳолатлар натижасида иқтисодий йўналишни танлашимизда, талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб миллий ишлаб чиқаришимизда чалкашликлар келиб чиқади ва натижада, ушбу ҳолатлар иқтисодий хавфсизлигимизга салбий таъсир кўрсатади.

Мутахассисларнинг фикрича, иқтисодий хавфсизликни барча соҳларда таъминлаш йўналишларида, индикатив услублардан фарқли равишда агрегатлашган макроиктисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ⁵². Агрегатлашган макроиктисодий кўрсаткичлар иқтисодиётга татбиғидан фойдаланиб ЯИМ нинг ўсиб боришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш ва прогнозлаш мумкин бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигининг барча соҳаларда тўлалигича таъминланиши учун ЯИМнинг 7% дан кам бўлмаган ўсиш

⁵¹ Е.А. Олейников. Экономическая и национальная безопасность. -М., «Экзамен». 2004. -С. 204.

⁵² Бокун Н., Кулибаба И. Проблемы статистической оценки теневой экономики // Вопросы статистики. 1997, №7, -С.11-19.

суръатларини таъминлаш кифоя. Бунда энг асосий омиллар сифатида инфляция, ЯИМда солиқ юқи, ташқи иқтисодий фаолият сальдоси, миллий валютанинг курси, ишсизлик даражаси, инвестициялар ҳажми, аҳоли даромадлари каби агрегатлашган кўрсаткичларни таҳдил этиш лозим бўлади⁵³.

Бугунги кунда узоқ муддатли иқтисодий ўсиш шартларини асослаш иқтисодиётда барқарор ривожланишни таъминлаш борасидаги тадқиқотларнинг марказий йўналиши бўлиб, у истиқболда ишлаб чиқариш динамикасини шакллантирувчи омилларнинг сабабларини тушунтириш, ундан ўсишнинг янги манбаларини белгилаш ҳамда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масалаларини самарали ечишга хизмат қиласди.

Ууман, иқтисодий ўсиш моделларини таснифлашдан мақсад мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун қайси омилга кўпроқ эътибор бериш кераклиги ва қайси моделнинг самарадорликка олиб келувчи имкониятлари юқорилигини аниқлашдан иборатдир. Жумладан, иқтисодий ўсишнинг модификацион моделлари, асосан, инсон омилининг ролига, инновация ва иқтисодиётнинг инновацион ривожланишига, илмий-техник билимларни яратишга алоҳида эътибор қаратди.

Бундан ташқари, расмий маълумотлар етарли бўлмаганда, масалан, хуфиёна иқтисодиётни аниқлашда фойда ва харажатларни солиштириш услуби ҳам мавжуд бўлиб, биринчи бор постсовет мамлакатларидан Россия Федерациясида қўлланилди. Бу услугуб уй хўжалиги секторида барча турдаги ҳисоб-китоб турларини ўз ичига олади. Бунда уй хўжалигидаги фойда барча сарф-харажатлар билан солиштириш имкониятини беради. Бунга асосий капитал захираларини, қимматбаҳо ва молиявий активлар, яъни нақд пуллар, валюта, банк депозитлари, қимматбаҳо қоғозлар ва ойлик маош тўплашдаги сарф-харажатлар инобатга олинган⁵⁴.

Иқтисодий хавфсизлик муаммоларини тадқиқ этишда қўлланиладиган математик услубларнинг баъзиларини куйида

⁵³ Экономическая безопасность. Производство-Финансы-Банки. – М.: ЗАО «Финстатинформ», 1998.

⁵⁴ Джурасев К. Теневая экономика: причины существования, меры по сокращению. – Г.: //Экономическое обозрение. №6. 2004.

кўришимиз мумкин.

Пул муомаласи модели – пул муомаласида нақд ва нақд бўлмаган пул айланмаси, харакати марказий ўрин тутиб, пулларнинг банклардан ташқарида айланиши, пул тезлиги каби муаммолар юзага келади. Бу муаммолар натижасида иқтисодий хавфсизликка таъсир қилувчи таҳдидлар келиб чиқади. Жумладан, нақд пулнинг банклардан ташқарида айланиши пулга бўлган талабнинг кучайиши, банк заҳираларининг сусайиши ва ҳуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади. Шу сабабли иқтисодий хавфсизликка таъсир қилувчи таҳдидларнинг олдини олишда ушбу услубдан фойдаланиш мумкин.

Идельсон методи – аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг давлат иқтисодий хавфсизлигига таъсирини аниқлашда мазкур услубдан фойдаланиш мумкин.

Даромад (реал даромад)ларни ҳисоблаш услуби – иқтисодий хавфсизликка таҳдидлардан бири бўлган аҳолининг турмуш даражасини аниқлашда аҳолининг реал даромадларини ҳисоблаш зарурати пайдо бўлади ва шу услуг билан аниқланади.

Гинзбург методи – ушбу услуг мамлакатнинг камбағаллик индексларини аниқлаш учун қўлланиладиган услублардан бири ҳисобланади.

Наран методи - аҳоли миграциясининг мамлакат ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларига, масалан, аҳоли даромадлари ва истеъмол харажатларига таъсир кучини аниқлашда ишлатилади.

Регрессия тенгламалари – бу услуг орқали иқтисодий хавфсизликка таъсир қилувчи омилларнинг бир бирига боғлиқлик даражаси ўрганилади. Жумладан, валюта курсини инфляция даражасига боғлиқлиги, экспорт ва импортнинг бир-бирига боғлиқлиги, истеъмол товарлари нархлар индексининг ЯИМга нисбатан ўсиши каби муаммоларнинг таҳлилида қўллаш мумкин.

Бруно-Фишер методи – давлат бюджети камомадининг мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таъсирини аниқлашда самарали усул ҳисобланади.

Риккардо-Барро модели – давлат қарзларининг камайиши

солиқ тизими билан бевосита боғлиқ. Давлат қарzlари билан солиқ тушумлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда ушбу моделдан фойдаланиш мүмкін.

Домар модели - давлат қарzlарининг ўсиб кетиши мамлакат иқтисодий хавфсизлигига етарлича таҳдидлар даражасини аниқлашда фойдаланилади.

Аврамович модели - давлат ташки қарzlарининг мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таъсирини аниқлашда қўлланилади. Шу билан бирга, мамлакатнинг ташки қарzlари реал хажмини ўз вақтида аниқлаб бориш, тартибга солиш каби муаммоларни бартараф этиш мүмкін бўлади.

Замков модели – мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) давлатнинг иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. ЯИМ ўсиш кўрсаткичларининг юқорилиги мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаб, мамлакатда юзага келаётган муаммоларнинг олдини олишда яъни давлатнинг ички ва ташки қарzlарининг камайишига таъсир қиласди. Шу ўринда иқтисодий хавфсизлигимиз билан боғлиқ бўлган давлат қарzlари билан ЯИМнинг боғлиқлиги каби муаммолар юзага келади. Юзага келаётган муаммонинг сабабларини аниқлашда ушбу моделдан фойдаланиш мүмкін.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиб бораётганлиги натижасида бизнинг иқтисодий кўрсаткичларимиз таҳликали кўрсаткичлардан анча юқори кўрсаткичларни намоён этиб келмоқда. Давлатимизнинг барқарор ривожланиб боришини таъминлаш ҳамда иқтисодиётилизга салбий таъсир қилиши мүмкін бўлган потенциал таҳдидларнинг олдини олиш мақсади бу борадаги энг самарали усул ва воситалардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу усуулларнинг самарали қўлланилиши мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳамда барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қиласди.

Саноат хавфсизлиги шахс ва жамият ҳаётий муҳим манфаатларининг хавфли ишлаб чиқариш обьектларидағи авариялар ва нохуш ҳодисалардан ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимояланғанлик ҳолатидир. Хавфли ишлаб чиқариш

объектларидаги авария иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш объектларida қўлланиладиган техника курилмаларининг бузилиши, назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажралиб чиқишидир⁵⁵.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги нохуш ҳодиса хавфли ишлаб чиқариш объектларida қўлланиладиган техника курилмаларининг ишдан чиқиши ёки шикастланиши, технология жараёни режимидан четга чиқиш, саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун хужжатларida, шунингдек норматив техник хужжатларда кўрсатилган талабларнинг бузилишидир.

1) Хавфли ишлаб чиқариш объектлари жумласига:

-портлаш-ёнгин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар;

-тасдиқланган стандартларга мувофиқ тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра I, II ва III хавфлилик даражаларига (ўта хавфли, юқори даражада хавфли ва ўртача даражада хавфли) мансуб зарарли моддалар;

-муайян турдаги ташқи таъсир чогида иссиқлик ажратган ва газлар хосил қилган ҳолда ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар;

-инсон соғлиғи ва атроф-муҳит учун хавфли концентрацияли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, хосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган;

2) 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидағи қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда ишлайдиган ускуналардан фойдаланиладиган;

3) кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулёрлардан (тоғ темир йўлларидан) фойдаланиладиган;

4) қора ва рангли металлар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида қотишмалар олинадиган;

⁵⁵ “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида” ги қонуни. 29.06.2006 й.

5) кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек ер ости шароитида иш олиб бориладиган корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари, шунингдек бошқа ишлаб чиқариш объектлари киради.

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари саноат хавфсизлиги соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи томонидан хавфли ишлаб чиқариш объектларининг давлат реестрида албатта хисобга олинади. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ушбу Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ амалга оширилади⁵⁶.

Саноат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳсус ваколатли давлат органи, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади. Саноат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан тартибга солиш:

- саноат хавфсизлиги талабларини бслгилашни;
- саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини;
- хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техника қурилмаларини сертификатлаштиришни;
- фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни;
- саноат хавфсизлиги экспертизасини;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқачораларни ўз ичига олади.

Саноат хавфсизлиги талаблари қонун ҳужжатларида, шунингдек норматив техник ҳужжатларда назарда тутилган шартлар, тақиқлар, чеклашлар ва бошқа мажбурий талаблар бўлиб, уларга риоя этилиши саноат хавфсизлигини тъминлайди.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш,

⁵⁶ “Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида” ги қонуни. 29.06.2006 й.

қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишни амалга ошириш учун лойиҳа ҳужжатлари саноат хавфсизлиги экспертизасининг ижобий хulosаси бўлиши зарур.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатиш жараёнида лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқишиларга йўл кўйилмайди. Хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиҳа ҳужжатларини ўзгартириш саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказилиши керак.

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққан ташкилотлар хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатиш жараёнида белгиланган тартибда муаллифлик назоратини амалга оширади.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектини фойдаланишга қабул қилиб олиш белгиланган тартибда ўтказилади. Хавфли ишлаб чиқариш обьектини фойдаланишга қабул қилиб олиш жараёнида хавфли ишлаб чиқариш обьектининг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, ташкилотнинг хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланишга ҳамда хавфли ишлаб чиқариш обьектida авариянинг кенгайиб кетишига йўл кўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш бўйича ҳаракатларга тайёрлиги текширилади.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланувчи ташкилот:

- саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларида, шунингдек норматив техник ҳужжатларда кўрсатилган талабларга риоя этиши;

- хавфли ишлаб чиқариш обьекти ходимлари штатининг белгиланган талабларга мувофиқ тўлдирилишини таъминлаши;

- хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги ишга оид малака талабларига жавоб берадиган вакўрсатилган ишга тиббий жиҳатдан лойиқ шахсларни қўйиши;

- хавфли ишлаб чиқариш объектлари ходимларининг тайёргарликдан ваагтестациядан ўтказилишини таъминлаши;

- ишлаб чиқариш жараёни устидан назорат қилувчи зарур асбоблар ватизимларнинг белгиланган талабларга мувофиқ мавжуд бўлиши ҳамда ишлашини таъминлаши;

- Конуннинг 15-моддасига мувофиқ саноат хавфсизлиги экспертизаси ўтказилишини, шунингдек хавфли ишлаб чиқариш обьектида қўлланиладиган иншоотлар ватехника курилмалари диагностикаси, синовлари, текшируви ўтказилишини белгиланган муддатларда вамахсус ваколатли давлат органи ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органларининг белгиланган тартибда такдим этиладиган ёзма кўрсатмасига биноан таъминлаши;

- бегона шахсларнинг хавфли ишлаб чиқариш обьектига рухсатсиз киришининг олдини олиши;

- хавфли моддаларни сақлашга оид саноат хавфсизлиги талабларининг бажарилишини таъминлаши;

- саноат хавфеизлиги декларациясини белгиланган тартибда ишлаб чиқиши ватасдиқлаши;

- маҳсус ваколатли давлат органи вақонун ҳужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органларининг буйруқлари, қарорлари ва ёзма кўрсатмаларини бажариши;

- авария ёки нохуш ҳодиса юз берган, шунингдек саноат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар аниқланган тақдирда, хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланишни тўхтатиб туриши;

- хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текширишда иштирок этиши, аварияга олиб келган сабабларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриши;

- хавфли ишлаб чиқариш обьектидә нохуш ҳодисаның юзага келгәнлеги сабабларини таҳлил қилиши, мазкур сабабларнинг бартараф этилиши ваолдини олиш чораларини күриши;

- маҳсус ваколатли давлат органини, қонун ҳужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айрим ваколатларга зга бўлган бошқа давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолини хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария тўғрисида ўз вақтида белгиланган тартибда хабардор қилиши;

- авария юзберган тақдирда, хавфли ишлаб чиқариш обьектлари ходимларининг ҳаёти ва соглигини муҳофаза қилиш чораларини күриши;

- хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авариялар ванохуш ҳодисалар ҳисобини олиб бориши шарт.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектининг ходимлари:

- саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларидан, шунингдек норматив техник ҳужжатларда кўрсатилган талабларга риоя этишлари;

- саноат хавфсизлиги соҳасида тайёргарликдан ва аттестациядан ўтишлари;

- хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария ёки нохуш ҳодиса ҳақида тегишли шахсларни дарҳол хабардор қилишлари;

- хавфли ишлаб чиқариш обьектидә авария ёки нохуш ҳодиса юзберган тақдирда, ишларни белгиланган тартибда тўхтатиб туришлари;

- хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш бўйича ишларни амалга оширишда белгиланган тартибда иштирок этишлари шарт.

6-БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ

6.1. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш тушунчаси, моҳияти ва иқтисодий аҳамияти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодиёт тармоқларидағи таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни күрсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффакиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларининг ўрни бекиёс ҳисобланади.

Хозирги замон ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёни ички тузилиши жиҳатдан бир хил эмас: у мустақил жараёнлардан ташкил топган бўлиб, турли шаклларга ва ўзига хос ҳусусиятга эга. Бу айрим мустақил жараёнлар, одатда, асосий ва ёрдамчи жараёнларга бўлинади. Шунингдек, ҳар қандай асосий жараённи ҳам таркибий қисмларга бўлиш мумкин (маҳсулотларнинг айрим қисмларини тайёрлаш жараёни параллел ва кетма-кет олиб борилади). Бундай қисмлар асосий маҳсулотни тайёрлаш босқичи ёки босқичси дейилади (ҳар қайси босқич ёки босқич технологик жиҳатдан алоҳида ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисмини ташкил этади). Ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари бир-биридан қўлланиладиган технологик усуллар, ускуналарнинг характеристи ва кадрларнинг итисосланиши билан фарқ қилинади. Масалан, машинасозлик корхоналарининг асосий жараёни учта босқичдан иборат: тайёрлаш, қайта ишлаш ва йигув. Босқичлар айрим операциялардан ташкил топади. Операция ўзгармас ишлаб чиқариш қуроллари, меҳнат предметлари ва иш жойида амалга оширилади.

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ишлаб чиқаришни диверсификациялашга олиб келади. Ушбу атамага мамлакатимиз иқтисодиёти ислоҳотчилари

күйидагича таъриф беришган: “Диверсификация – юқори қўшилган қиймат ўсиш динамикасини таъминловчи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиши ва кенгайиши жараёнидир. Диверсификация жараёни иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғуналашган”.

Умуман олганда, иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги, аҳолини иш ўринлари ва турмуш даражасининг юксалиши ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади. (19-расм)



19-расм. Модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш пировард натижаси⁵⁷

Саноат сиёсатидаги асосий устуворлик институционал ислоҳотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, саноат ишлаб чиқаришни модернизациялаш

⁵⁷ Урганилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ва диверсификациялаш, иқтисодиётининг реал сектори корхоналарини кўллаб-кувватлаш, ўрта ва узоқ муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Давлат раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш зарурати алоҳида таъкидланди.

Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш масаласи ҳал этиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг базавий тармоқларидағи 4400 дан ортиқ корхоналарнинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий согломлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш асосида ишчилар сонини кўпайтиришга эришиш режалаштирилган. Бу тадбирлар натижасида корхоналарнинг рентабеллик даражаси ошади, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва ишчилар сонини кўпайтиришга олиб келади.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурининг асосий мақсади ҳалқ фаровонлигини ошириш ва унинг эртанги кунга ишончини ошириш ҳамда розилик ҳиссини таъминлаш бўйича устувор вазифаларни амалга оширишдир. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради. Юқоридаги юксак мақсадларга эришиш учун кўйидаги йўналишларга алоҳида ўргу берилган ва аниқ ечимлари қўрсатиб ўтилган :

- миллий иқтисодиётнинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкини кўпайтириш;
- ишлаб чиқаришни модернизация қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;
- юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;
- иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;
- ички ва ташки бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш;
- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;
- фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;
- хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини тубдан ўзгартириш;
- туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш;
- экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;

• йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Иқтисодиёт таркибида саноатнинг ривожланиши динамикасидаги муҳим ўзгариш сифатида корхоналар ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш асосида саноатда чукур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациянинг амалга оширилгани ҳисобланади.

Саноат сиёсатидаги асосий устуворлик институционал ислоҳотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, саноат ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодиётининг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узок муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Давлат раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чукур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш зарурати алоҳида таъкидланди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш борасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб – қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури муҳим аҳамият касб этди. Дастурнинг асосий мақсади – республика саноатини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва

технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада оширишдан иборат бўлди.

Дастурнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари қўйидагилардан иборат қилиб белгиланган эди:

– Структура ҳосил қилувчи тармоқларни ва умуман саноатни ривожлантиришнинг иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;

– Мамлакатимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, Республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

– Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, ренгли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий ҳаридоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

– Саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илм-фан ютуклари ва илгор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

– Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

– Ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

– Мехнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

Саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.

6.2. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни амалга ошириш механизми ва усуллари

Ишлаб чиқаришни ташкил этишининг асимметрик шакллари ҳисобланган ихтисослашув ва диверсификация жамият ривожланишининг турли босқичларида турли хил нисбатларда ишлаб чиқаришда қўлланилган. Диверсификация жараёнлари, айниқса 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб юқори суръатларда ривожлана бошлади. Бунинг энг асосий сабабларидан бири шундан иборатки, бу даврда фан-техника тараққиётиншг жадаллацуви корхоналар ва фирмалар ўртасидаги рақобат қурашини олиб келди. Бунинг натижасида эса корхоналар томонидан олинадиган фойда

мөшерни нисбатан бараварлашди ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ихтисослашуvgа асосланган манбалари нисбатан ўз имкониятларини тугатди. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, диверсификация жараёнларини амалга ошириш зарурити дастлаб микрокорхоналар, фирмалар ва компаниялар даражасида намоён бўлди.

Айнан, шу даврдан бошлаб диверсификациянинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти мақсади ва йўналишлари иқтисодий адабиётларда ўрганила бошланди. Бироқ бу пайтда диверсификация жараёнларининг ягона назарияси ишлаб чиқилмаган бўлиб, олимлар бу категорияни турли йуналишларда ва турли мазмунда ишлатиб келдилар. Умуман олганда, диверсификация кўпроқ микро даражада қўлланилиб, корхона ва фирмалар фаолиятининг кенгайиши товарлар ва хизматлар турларининг ошиши маъносида тушунилган.

Диверсификация кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Уни амалга ошириш усуслари, механизми, мақсади ва вазифалари турличадир, бу эса унинг иқтисодий мазмунини тўлиқ ифодалайдиган ягона таъриф беришни қийинлаштиради. Шундай бўлсада, барча диверсификация жараёнларининг туб моҳияти бир хилдир. Саноат корхоналари фаолияти иқтисодий-ижтимоий ва илмий-техника шароитларининг кескин ўзгариши ташқи муҳитга, вазиятта мослашиш учун бошқаришга бўлган талабнинг ўзгаришга олиб келди.

Жаҳон бозорларидаги кескин кураш иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ва техник тараққиётнинг сусайиши ўнлаб чиқаришда туб ўзгаришларни амалга оширишни талаб килди, чунки ишлаб чиқариш учун илғор техника ва технологияларни сотиб олишнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Диверсификация капитал тўпланувининг кенг тарқалган шаклларидан бирига айланиши кўп жиҳатдан айнан мана шу билан тушунирилади.

Ишлаб чиқаришни техник – технологик қайта қуроллантириш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширилиши каби

натижаларга эришилди.

Диверсификациянинг устунлик (афзалик)ларига қуидагилар киради:

- Товарларни сотиш бозорлари кенгаяди;
- Бўш ресурслар самарали қайта тақсимланади;
- Банкротлик риски(таввакалчилиги) камаяди;
- Корхонанинг бозор муносабатларига мослашувчанлиги ошади;
- Мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланилади.

«Диверсификация» лотинча (*diversificatio*) сўзидан олинган бўлиб ўзгариш, ҳар хиллик, бир оз нарсага кўп томонлама, комбинациялашган, кўп тармоқли тус бериш каби маъноларни англатади⁵⁸.

1. «Диверсификация» атамасига ғарб олимлари томонидан жуда кўп таърифлар берилган. Улар томонидан келтирилган таърифлар ишлаб чиқариш шароитларининг ўзгариши, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан такомиллашиб борди. Бир сўз билан айтганда диверсификацияга берилган таърифларда қуидагича берилган: Кўп шакллик мулкчилик тамоилии (хусусий, жамоат ва давлат мулклари).

2. Белгиланган маънавий-аҳлоқий ҳудуд доирасида иқтисодий эркинлик тамоилии.

3. Ижтимоий адолат тамоилии.

Диверсификация жараёнига берилган замонавий таърифлар орасида Англиялик иқтисодчилар Бэннок, Бакстер ва Девнслар томонидан келтирилган таърифга эътиборан «диверсификация-бу бирор фирма ёки географик минтақада товарлар ва хизматлар доирасини кенгайтиришdir». Кўрсатиб турибдики, бу таърифда диверсификацияга жараён сифатида қаралиб, асосий эътибор унинг натижасига қаратилмоқда. Уларнинг фикрича, диверсификация жараёнининг зарурияти корхоналар ва фирмалар фаолиятининг анъянавий бозорларда даромадлилик даражасининг пасайиши,

⁵⁸ Словарь иностранных слов, М, "Славянский дом книги", 1998. - 509 с

уларда керагидан ортиқча капитал ёки бошқарув ресурсларининг мавжудлиги, иқтисодий хавф-хатар ва корхоналарнинг циклик жараёнларга боғлиқлигини камайтириш билан боғлик.



20-расм. Ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни амалга оширишнинг асосий йўналиш ва воситалари⁵⁹

Куйидаги таъриф бирмунча аникроқ ва кенгроқ бўлиб, унда диверсификация жараён ва муайян субъектлар томонидан амалга ошириладиган тадбир сифатида талқин қилинади: «диверсификация — алоҳида олинган корхона ёки конгломерат ёхуд иқтисодиёт томонидан ишлаб чиқариладитан товарлар ва хизматлар турининг ошишидир. Диверсификация иқтисодиётда табиий жараён сифатида рўй беради. Айрим ҳолларда эса бизнес соҳиблари ёки давлат томонидан тор доирадаги маҳсулотларга (айниқса уларга бўлган талаб ўзгарувчан бўлган шароитда) боғлиқ бўлиб қолиш хатарини камайтириш учун амалга оширилади». Ушбу таъриф диверсификация жараёнларини амалга оширишнинг микро ва макро даражаларини қамраб олганлиги билан ҳам диққатта сазовордир. Аммо диверсификацияни шарт қилиб қўювчи сабаблар

⁵⁹ Ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

унда тұлық ёритилмagan. Чунки диверсификация фақат топ доирадаги маҳсулотларга bogлиқ бўлиб қолишга барҳам бериш учун амалга оширилмайди.

У янги бозорларни эгаллаш, анъанавий бозорлардаги улушни ошириш, капитал учун янги соҳаларни излаш, ишчи кучини сақлаб қолиш ва бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Британиялик Сюзан Мейхью нұқтаи назари ҳам ушбу концепцияга анча яқин. У диверсификацияга «саноат ишлаб чиқаришни кенг доирадаги фаолият турларига ёйиш ва шу орқали факат бир турдаги маҳсулотта ўта bogлиқ бўлиб қолмаслик учун қўлланиладиган тадбир» сифатида таъриф беради. У ўз фикрини давом эттирас экан, диверсификациянинг қуидаги турларини ажратиб кўрсатади⁶⁰:

- горизонтал диверсификация;
- концентрик диверсификация;
- конгломерат диверсификация;
- меҳнат билан таъминлашнинг минтақалар бўйича диверсификацияси.

Машина ёки малакани камроқ мослаштиришни талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантириш горизонтал диверсификациядир. Концентрик диверсификация янги бозорларни эгаллаш учун бир маҳсулотнинг ўзини кенгроқ ишлатишдир. Конгломерат диверсификация бозорлар, технология ва маҳсулотлардаш ўзгаришлар туфайли саноат тармоғининг янги соҳаларга ўсишидир.

Транс миллий корпорациялар турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи фирмаларни сотиб олиш орқали диверсификациялашадилар, кўп ҳолларда ишчи кучининг фақат бир саноат тармоғига bogлиқ бўлиб қолиши муаммоси мавжуд. Бу айниқса ихтисослашув даражаси юкори бўлган соҳаларга тааллуқлидир, бундай ҳолатда меҳнат билан таъминлашнинг минтақалар бўйича диверсификацияси юз беради. Агар диверсификацияга берилган ушбу таъриф ва унинг шаклларига

⁶⁰ The Penguin Dictionary of Economics (Graham Banrock, R.B. Baxter and Etleen Davis], - 1998. -p. 168.

синчиклаб назар ташласак, улар орасида зиддият борлигининг гувоҳи бўламиз, яъни таърифда «бир турдаги маҳсулотга ўта боғлик бўлиб қолмаслик» тўгрисида фикр юритилса, унинг шаклларида нафақат бир турдаги маҳсулот, балки бир турдаги бозор» бир турдаги тармоққа боғлиқликни юмшатиш лозимлиги таъкидланади.

Америкалик иқтисодчилар С.Фитпер, Р.Дорнбуш,

Малензилар диверсификацияни «таваккалчиликни бир нечта активларга тақсимлаш орқали унинг даражасини пасайтиришга йўналтирилган стратегия» сифатида аникладилар, Уларнинг фикрича, диверсификациянинг асосий қоидаси «ҳамма тухумларни битта саватда сақламасликдан иборат». Мазкур таъриф бир мунча умумийроқ характерга эга бўлсада, диверсификациянинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ ўзида акс эттиради.

Яна бир Англиялик иқтисодчи Дэвид Скотт диверсификация мазмунини бир мунча бошқачарок тушунади. Унинг фикрича, диверсификация «бу турли хил корхоналарнинг қимматли коғозлар сотиб олиш орқали улардан келадиган фойда миқдорини барқарорлишишини таъминлашдир». Кўриниб турибдики, бу таърифда ҳам «барча тухумларни битта саватда сақламаслик» тамойили устун ўринга эга. Шу билан бир қаторда бу таърифда молиявий диверсификация масаласига асосий эътибор қаратилган.

Шундай қилиб, диверсификация - бу олдиндан қўйилган мақсад эмас, балки объектив жараённинг вужудга келиши натижасида амалга ошириладиган мажбурий чора-тадбирдир. Юқоридаги таърифларни умумлаштирган ҳолда, саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашга биз қуидагича таъриф бердик: саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш - бу бирор-бир маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқликни камайтириш, капитал ресурсларини оқилона жойлаштиришни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва анъанавий бозорларда мавқенини мустаҳкамлаш миқёси ва синергетик самарага эришиш мақсадида саноат ишлаб чиқариши кўламини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

6.3. Мамлакатимиз саноат корхоналарнинг экспорт фаолияти кўрсаткичлари таҳлили

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификация қилишни, экспортни қўллаб-кувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида экспорт таркибида сезиларли ўзгаришга эришилди.

Ташки иқтисодий алоқаларни ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос механизмларини шакллантириш, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш тамойилларини ишлаб чиқиш, республикамизнинг жаҳон иқтисодий тизимларига интеграциялашуви йўлларини мустақил белгилаб олиш вазифаси кўйилган эди.

Экспорт қилинаётган саноат маҳсулотларини диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гурӯҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-кувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётилизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташки савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда.

Маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар доирасини кенгайтириш, уларни такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бунга замин яратади.

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Top-10 davlatlar	TSA	Eksport	Import	Ulush, %
Хитой Халқ Республикаси	7 620,9	2 519,0	5 101,9	18,1
Rossiya Federatsiyasi	6 626,9	2 492,5	4 134,4	15,7
Qozog'iston	3 367,8	1 429,7	1 938,0	8,0
Koreya Respublikasi	2 755,4	93,5	2 661,8	6,5
Turkiya	2 525,2	1 203,6	1 321,6	6,0
Germaniya	980,1	53,9	926,2	2,3
Qirg'iziston	829,1	679,0	150,0	2,0
Afg'oniston	618,0	615,1	2,9	1,5
AQSh	596,2	29,1	567,1	1,4
Turkmaniston	541,9	145,1	396,8	1,3

21-расм. Ўзбекистон Республикаси билан ташки савдо айланмаси энг юкори бўлган давлатлар (2019 йил январ-декабрь, млн. АҚШ доллари, улуш %)⁶¹

Ўзбекистон жаҳоннинг 193 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Ташки савдо айланмасининг нисбатан салмоқли хиссаси Хитой Халқ Республикасида (18,1%), Россия Федерациясида (15,7%), Козогистонда (8,0%), Корея Республикасида (6,5%), Туркияда (6,0%), Германияда (2,3%) ва Қиргизистонда (2,0%) қайд этилган.

Шунингдек, қошни давлатлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатларни иқтисодий-ижтимоий, савдо-саноат ҳамда маданий соҳалардаги алоқаларини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини кўриш мумкин. Ҳусусан, Тоҷикистон, Туркманистон, Қиргизистон Республикаси ва Қозогистон каби қўшни давлатлар билан ташки савдо айланмасида сўнгги йилларда катта ўзгаришлар кузатиляпти. Мисол учун, сўнгги уч йилда ташки савдо айланмасида Қиргизистон

⁶¹ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари.

Республикаси ва Туркманистан билан 3 баробарга ҳамда Тожикистон ва Қозогистон билан 2 баробарга ошди. Афғонистон билан ташқи савдо йилига 600 млн. АҚШ доллари даражасида сақланиб қолмоқда.



22-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси динамикаси (январ-декабрь, млрд. АҚШ доллари %)⁶²

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси динамикаси таҳлили 2019 йилда ўтган йилларга нисбатан экспорт ва импорт ҳажмларини ўсишини кўрсатди. 2017 йилга нисбатан ташқи савдо айланмаси 1,6 баробарга ошди ва импорт (1,9 баробар) эса экспортга (1,3 баробар) нисбатан тезроқ осди. Ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисмини МДҲ давлатлари ташкил этиб, сўнгги йилларга нисбатан аста-секин камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида бошқа хорижий давлатлар билан иқтисодий муносабатларнинг кенгаяётганидан далолат бермоқда.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши экспортнинг барқарор ўсишига кўмаклашади ва бу ўз навбатида маълум натижаларга эришиш учун замин яратади.

⁶² www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари

Таркиби	Онган йилга нисбатан, %		
	Жами	МДҲ давлатлари	Башқа давлатлар
Жами	128,0	127,2	128,4
шу жумладан:			
Паста тоғызы	126,8	39,2	128,1
Озиқ-овқат махсулотлари	138,2	131,5	151,6
Кимyon махсулотлари ва буюмлари	96,9	106,6	89,8
Енергия менбөлөрү ва нефт махсулотдан	94,7	118,6	75,6
Уорал металлар ва уран түүрөртгөн буюмлар	100,1	2,4 б.	88,9
Рангли металлар ва уран түүрөртгөн буюмлар	111,7	143,4	107,2
Машинадар жана тасабактар хөмдә улчамрың чындары	2,1 б.	2,1 б.	2,3 б.
Төхимачиллик махсулотлари	125,1	114,2	138,3
Орхан	169,0	-	169,0
Хизматтар	116,0	121,2	110,8
Башкылар	194,2	2,2 б.	179,0

23-расм. МДҲ ва бошқа хорижий давлатларга товар ва хизматлар экспортининг ўсиш суръатлари (2019 йил январ-декабрь)⁶³

Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортёрларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, экспортбол маҳсулотларни номенклатурасини кенгайтириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар экспортёрлар сонини 5 мингтадан (82 бирликка ошиб, 5895 тани ташкил этди) ошириди ва улар томонидан 17,9 млрд. АҚШ доллари қийматдаги (2018 йилга нисбатан осиш 28,0%) товар ва хизматлар экспорт қилинишини таминлади. Экспорт таркибида товарлар улуши 80,1%ни ташкил этиб, улар асосан қимматбаҳо металлар (кумуш билан биргэ 28,5%), энергия ташувчи ва нефть маҳсулотлари (14,1%), тўқимачилик буюмлари (9,1%), озиқ-овқат маҳсулотлари (8,5%, аксарият мева-сабзавот – 6,7%), рангли металл

⁶³ www.stat.uz - Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари.

ва ундан тайёрланган буюмлар (5,3 %) ҳамда кимё маҳсулотлари ва буюмлари (4,9 %) ҳиссасига түгри келмоқда.

Tarkibi	2017 y	2018 y	2019 y
Jami	100,0	100,0	100,0
shu jumladan:			
Parla metalli	3,8	1,6	1,6
Qoşq-ovqat maҳsulotlari	7,0	7,8	8,5
Kimyo maҳsulotlari va boyumlari	7,0	6,5	4,9
Energiya mahlakalari va nolt maҳsulotlari	12,8	19,1	14,1
Ogori metalller va unden tayyorlangan boyumlar	1,2	2,3	2,0
Rengli metalller va unden tayyorlangan boyumlar	6,1	6,1	5,3
Mashina va sabob uskuneler hamda ulerding qismlari	2,8	1,5	2,5
Tu qizimachilik maҳsulotlari	9,0	9,3	9,1
Otdin	26,0	20,8	27,5
Xizmatlar	19,7	21,9	19,9
Boshqalar	4,6	3,1	4,7

24-расм. Экспорт таркиби динамикаси (январ-декабрь)⁶⁴

2019 йилда экспорт қилинган товарлар ва хизматлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, товарлар ва хизматлар таркибидаги сезиларли ўзгаришлар кайд этилмади, бироқ шуни таъкидлаш жоизки, 2018 йилга нисбатан, энергия ташувчи ва нефть маҳсулотлари ҳамда кимё маҳсулотлари ва буюмларидан ташқари барча товар ва хизматларда ўсиш кузатилди.

Сўнгги уч йил давомида экспорт таркиби динамикасида диверсификация кузатилди. Жумладан, қимматбаҳо металллар ва мевасабзавот маҳсулотларининг улуши 1,5 фоиз пунктга, энергия ташувчи ва нефть маҳсулотлари улуши 1,3 фоиз пунктга, қора металл ва буюмлари 0,8 фоиз пунктга, хизматлар 0,2 фоиз пунктга, тўқимачилик маҳсулотлари 0,1 фоиз пунктга ошди. Аксинча, қимматбаҳо металллар, мева-сабзавот маҳсулотлари ҳамда энергия

⁶⁴ www.stat.uz - Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари

ташувчи ва нефть маҳсулотларининг улуши сезиларли ошиши ҳисобига қолган товар гурӯҳлари бўйича улусида пасайиш кузатилган.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошишига барра ва қайта ишланган сабзавотларнинг 2018 йилга нисбатан мос равиша 1,8 ва 1,6 баробарга ошгани ҳамда жами мева-сабзабот таркибида 46,5 %ни ташкил этиши билан сезиларли тасир ўтказган. Энергия ташувчи ва нефть маҳсулотларининг ошиши албатта унинг таркибида энг юқори улушга эга табиий газ ва қайта ишланган нефть маҳсулотлари (2018 йилга нисбатан ўсиш мос равиша 13,9 % ва 24 %) экспорти ҳисобига амалга ошган. 2019 йил якунларига кўра енгил автомобиллар экспорти 4,2 баробар, автобуслар (микроавтобусларни қўшган ҳолда) ва юқ автомобиллари мос равиша 1,5 ва 1,6 баробарга ошгани машина, асбоб-ускуна ва уларнинг қисмлари экспорти ҳажмини ошишига олиб келган. Бази кимёвий маҳсулотлар таркибидаги маҳсулотларнинг ўсишига қарамасдан, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар экспорти камайиши ҳисобига умумий кимё маҳсулотлари экспорти камайишига олиб келган.

Tovar nomi	2017 y.	2018 y.	2019 y.
Paxtadan yigirligan ip	631,3	720,6	926,1
Tayyor trilikotaj va ukuvchilik kiyimlari	268,7	289,7	354,6
Naqshli meto	50,4	65,5	84,8
Ipak va ipak mahsulotlari	30,9	49,9	71,8
Paxtadan gazamalar	53,8	66,7	69,2
Bonqa to qimachilik mahsulotlari	31,7	36,1	51,9
Gilamlar	34,4	31,0	32,0
Paxta mahsulotlari	24,7	26,8	27,4

25-расм. Экспорт таркиби динамикаси (январ-декабрь)⁶⁵

⁶⁵ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари.

Тўқимачилик маҳсулотларининг экспорти ҳажмларининг ошиши бевосита пахта хом ашёсини ўрнига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшимча қиймат яратиш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар натижаси сифатида қараш мумкин. Жумладан, жорий йилда 1,6 млрд. АҚШ долларли тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, умумий экспортнинг 9,1%ни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга ўсди. Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибидан пахтадан йигирилган ип (56,9%), тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари (21,8%) асосий улушни эгаллаган. Йил бошидан 432 турга яқин тўқимачилик маҳсулотлари дунёning 59 та давлатига экспорт қилинди.

6.4. Саноат корхоналари фаолиятини диверсификациялаш асосида экспорт салоҳиятини ривожлантириш йўналишлари

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқук-тартибот, давлатимиз чегаралари дахлсизлиги, жамиятда қонун устуворлиги, инсон ҳуқук ва эркинликлари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун мухим пойdevor бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиши ва рўёбга чиқаришини тақозо этмоқда.

Биринчи навбатда экспортга мўлжалланган маҳсулотларни юқори даражада маҳаллийлаштиришига йўналтирилган иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш – ишлаб чиқариш кувватларини барпо этиш ва

модернизация қилиш, рақобатдош, экспортбоп маҳсулот ҳамда материалларни ишлаб чиқиш учун замонавий технологияларни жорий этишга хизмат қилади.

Товар инновацияси янги товарни ишлаб чиқиш ва қўллашни кўзда тутади ва амалга ошириш шакли бўйича товар дифференциацияси ва товар диверсификациясига бўлинади.

Товар диверсификацияси бу – товар стратегияси тури бўлиб, унга асосан корхона ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сонини кенгайтиради ва янги бозорларни эгаллаб олиш, қўшимча фойда олиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг бир-бири билан боғлиқ бўлмаган икки ёки ундан ортиқ турини бир вақтнинг ўзида кенгайтириши ва ривожлантиришидир.

Товар диверсификацияси ўзида рақобатчи товарлардан ажralиб турувчи бир қатор асосланган товар модификациясини ишлаб чиқиш жараёнини мужассамлаштиради.

Бозорни модификациялашда сотиш хажмини ошириш, истеъмолчилар ишончини қозониш, янги бозор сегментларига товарни чиқариш, мижозлар зътибори ва қизикишини ушбу фирма чиқараётган товарларга қаратиш, харидорларни товарни интенсив истеъмолини рағбатлантириш орқали амалга оширилади.


Товарни модификациялашда товар сифатини ошириш, товар хоссасини яхшилаш, товарни безаш ва ташқи дизайнини яхшилаш кўзда тутилади.

Маркетинг-миксни модификациялашда эса маркетинг элементларидан тўлиқ ишлатишни назорат қилиш оптимал мақсадда маркетинг элементларини шакллантириш ва қўллаш кўзланади.

Диверсификация товарларни турли туманлиги хисобига жалб этувчанлигини яхшилашга асосланади.

Товар диверсификациясининг мақсади бўлиб истеъмолчиларни товарни афзал кўриш, алохида бозор ёки бозор сегменти хусусиятларини хисобга олиш орқали товарни жалб этувчанлигини ошириш, уни рақобатбардошлигини ўсиши хисобланади.

Товар диверсификацияси күйидаги омиллар бүйінча амалта оширилады



26-расм. Товар диверсификацияси омиллари⁶⁶

Товар диверсификацияси фирманиң товар сиёсатыда мухим үрин әгаллайды. Бу стратегия янги сотув бозорига таклифни режалаشتырища күшімча товарларни ишлаб чиқарышни бошлаганда құлланилади. Диверсификация фирма фаолиятида барқарор үсишини таъминлаш учун самарали восита сифатида чиқади.

17-жадвал

“Товар-бозор” матрицасы⁶⁷

Товарлар	Бозорлар	
	Жорий	Янги
Жорий	Бозорға чүкүррок кириб бориши стратегияси Сотишин жадаллаштыриш Янги харидорларни кидириш Рақобатчиларни синдириш Товарни истеммол сохасини кенгайиши	Бозорни ривожлантириш стратегияси Янги бозорлар Янги сотиш худудлари Халкаро бозорлар Товарни ишлатилишини янги сохалярини тузиш
Янги	Товарни ривожлантириш Үз кучи билан янги товар ишлаб чиқарыш Битимларни ривожлантириш Лицензия	Диверсификация Горизонтал Вертикаль Концентрик

⁶⁶ Үрганилган маълумотлар асосида музалиф томонидан тайерланди.

⁶⁷ Үрганилган маълумотлар асосида музалиф томонидан тайерланди.

Мақсадли бозорни ўзлаштириш йулларини қидиришда муқобил стратегияларни аниклаш учун И.Ансофф томонидан 1966 йилда таклиф этилган “товар-бозор” матрицаси ишлатилади. Бу қуидаги жадвалда күрсатилған.

Юқоридаги 17-жадвалдан күриниб турибдики, ўсиш манбаларини ўзлаштиришнинг 4 та асосий стратегиялари бўлиши мумкин:

1. Бозорга чуқуррок кириб бориш стратегияси;
2. Товарни такомиллаштириш стратегияси.
3. Бозорни ривожлантириш стратегияси;
4. Диверсификация.

Диверсификацияни 3 та тури мавжуд: горизонтал, вертикал ва концентрик.


Горизонтал диверсификация деганда илгариги товарларга ухшаш ишлаб чиқариш, техник, таъминот ва сотиш шароитларига якин булган товарларни ишлаб чиқариш тушунилади.

Вертикал диверсификация эса илгариги товар ишлаб чиқаришни сотув йуналиши сифатида хам товар дастурини чуқурлигини ўстиришни англатади. Масалан, гўшт маҳсулотларини сотувчи маҳсус дўкон мол етиштиришни ва селекция буйича ишлаб чиқаришни кўллаб-куватлайди.

Концентрик диверсификация корхона учун янги товарни ишлаб чиқаришни кўзда тутади.

Янги товарларни ишлаб чиқиш ва кўллаш инновация сиёсатининг тамойил ва услубларига, хусусан, товар инновацияси жараёнига мос холда амалга оширилади.

Товар инновацияси жараёни янги товар хақида гояни қидириш билан бошланади. Янги товар гояни қидиришни асоси бўлиб товар хақидаги ички ва ташқи гоялар манбаи ҳисобланади. Ташқи товар хақидаги гоялар манбаига: савдо корхоналари, харидор ва истеъмолчилар, рақобатчилар, ярмарка ва кўргазмалар, тадқиқот институтлари, таъминотчилар, вазирликлар ва бошқа давлат институтлари киради.



27-расм. Товар инновацияси жараёнининг босқичлари⁶⁴

Товар ҳакидаги ички гоялар манбаига: маркетинг тадқиқотлари бўлими, ишлаб чиқариш бўлими, маркетинг бўлимини барча қисмлари, халқаро иқтисоий хамкорлик бўлими, товарни тайёрлаш бўлими киради.

Товар инновацияси жараёни босқичлари ўз мазмунига кўра янги товарни режалаштириш жараёнини ифодалайди. Янги товарни режалаштиришнинг вазифаси муқобил вариантларни қидариш ва ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий

⁶⁴ Ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди

инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблаглари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига ургу берилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойик.

Мамлакатимизда иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни янада кенгайтириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилишни амалга ошириш доирасида саноатни янада ривожлантириш ва унинг рақобатдошлигини ошириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Ана шундан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 4 мартағи “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари туғрисида”ги ПФ- 4707-сонли фармони қабул қилинди.

18-жадвал

Республика саноати ривожланиши, унинг таркибини диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш ва маҳсулот ассортиментини кенгайтиришнинг максадли параметрлари⁶⁹

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
		2015	2016	2017	2018	2019
Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсип суръатлари (утган йилга нисбатан, %)	%	108,3	109,1	109,1	109,2	109,2
Саноатнинг ЯИМдаги улуопи	%	24,4	24,8	25,3	26,1	27
Янги товар гурӯхлари сони	бирлик	33	56	70	86	101

Дастурни амалга ошириш давомида машинасозлик, кимё, нефть-газ-кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати каби юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоклар жадал ривожлантирилади. Бунинг натижасида саноат маҳсулотларининг

⁶⁹ Узбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 4 мартағи “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари туғрисида”ги ПФ-4707-сонли фармони.

1000 тадан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Саноат ишлаб чиқаришининг 5 йилда 1,5 баробарга ўсиши, саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 24 фойиздан 2020 йилга бориб 27 фойизгача ортиши мўлжалланмоқда (12-жадвал). Юкори технологияли маҳсулотлар экспортини янада ошириш ва 52 мингтадан ортиқ янги иш урни яратиш назарда тутилмоқда.

Дастурни амалга ошириш давомида жами қиймати 38 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлган 870 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланган. Ушбу лойиҳаларга биноан 415 та янги корхона барпо этиш ҳамда 455 та ишлаб турган корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш назарда тутилмоқда.

Дастурда янги курилишлар, модернизация ва реконструкция ҳамда бошқа йўналишларда амалга оширилиши мўлжалланаётган лойиҳаларга жами 19640 млн. АҚШ доллари ҳажмдаги маблағлар йўналтирилади. Ушбу лойиҳаларнинг 4907,6 млн.доллари лойиҳа иштирокчиларининг уз маблағлари ҳисобидан, 3095,1 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 2890,7 млн. доллар тижорат банклари кредитлари ҳамда 8476,6 млн. доллари хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан молиялаштирилиши мўлжалланган.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация тизимини, йултранспорт ва муҳандислик-коммуникация курилишини ривожлантириш буйича устувор йўналишни амалга ошириш доирасида барча инфратузилма соҳаларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, шунинг ҳисобидан ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорларига чиқариш харажатларини камайтириш мухим вазифа ҳисобланади.

Транспорт коммуникацияларнинг узоқлиги ва денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиши имконияти мавжуд эмаслиги Ўзбекистон учун жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳозирги вақтда ташки савдо камида 2-3 та давлат ҳудуди оркали транзит йўли билан амалга оширилмоқда. Натижада юкларни етказиб беришнинг қиймати ошмоқда, бу эса республикадаги корхоналар экспортининг

рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 6 мартағи “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йул-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастури туғрисида”ги ПҚ-2313-сонли қарори қабул қилинди.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида республика ЯИМга энергия сарфини 7,4 фоизга, ҳамда йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини эса ўтган йилга нисбатан ўртача 10,6 фоиз камайтиришга эришилди.

Дастурни амалга ошириш давомида автомобиль ва темир йулларни, логистика марказлари ва коммуникацияларни янада ривожлантиришга доир аниқ чоралар қурилиши назарда тутилган. Бу борада умумий қиймати 10 миллиард АҚШ доллариллик 150 тадан ортиқ лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Жумладан, 25307 км узунликдаги электр таъминот таксимлаш тармоқлари ва объектларини ривожлантириш ва модернизация қилиш, 960 км узунликдаги мавжуд темир йулларни ривожлантириш ва реалитация қилиш, 885,2 кмлик темир йулларни электрлаштириш, 2699,8 км узунликдаги ўзбек миллий автомагистралини модернизация қилишини тугатиш билан биргаликда республика автомобиль йуллар участкаларини куриш ва реконструкция қилиш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган (13-жадвал).

Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жами қиймати 9874,1 млн. АҚШ доллариллик инвестиция маблағлари йўналтирилиши ҳамда 4672 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, дастурни амалга ошириш жараёнида мамлакат темир йул коммуникациясини ривожлантириш ва электрлаштириш буйича 13 та лойиҳа, жумладан, “Ангрен - Поп”, “Мароканд - Карши”, “Карши - Термиз”, “Мароканд - Бухоро” йўналишлари буйича лойиҳаларни

белгиланган муддатда бажариш алоҳида назоратта олинади.

Ўзбекистон миллий автомагистралининг 1 минг 800 километр узунликдаги участкаларни, Қарши, Кўкон, Тошкент, Бухоро, Гулистан шаҳарларини айланиб ўтувчи янги йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш, маҳаллий аҳамиятта молик йўлларни модернизация қилиш таъминланади. Юқорида курсатилган дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда келгусида макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда иқтисодий ўсишга эришишда муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига асосланган жамиятга қадам қўйган даврида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари ишлаб чиқилди. Стратегик йўналишлар орасида индустрисал, яъни мамлакатда саноат ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини барпо этиш ва ривожлантириш муҳим таркибий ўринни эгаллайди.

Республикада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш мажмуининг ривожланишига катта эътибор қаратилди. Озиқ-овқат, енгил саноат тармоқларида янги қувватлар ташкил этилди. Мавжуд хомашёни саноат усулида чукур қайта ишлашга доир қатор қарорлар қабул қилинди ва дастурий режалар ишлаб чиқилди. Жумладан, қишлоқ хўжалигини тўқимачилик хомашёсини етказишга ихтисослашганлиги эътиборга олиб, ушбу тармоқни ривожлантиришнинг давлат миқёсидаги дастурлари ишлаб чиқилди.

2017-2021 йилларни ўзида мужассамлаштирган иккинчи босқичда тармоқдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жумладан, республикада етиштирилаётган пахта толасининг 80-85 фоизини қайта ишлашнинг имкониятлари мавжуд.

Пахта толасини юқоридаги ҳажмда қайта ишланиши йилига 800-870 минг т. ип калава ишлаб чиқариш имконини беради. Айни вақтда, ип газлама ҳажмини 2 маротаба ошириш, яъни 1,4-1,5 млрд. кв.м. га етказиш, бунда тармоқни 700-800 млн. кв. м. тайёр газлама ишлаб чиқарувчи пардозлаш қувватлари билан таъминлашга эришиш зарур. Шунингдек, йилига 140-150 минг т. трикотаж

газлама, 450-500 млн. дона тайёр трикотаж маҳсулотлар, 180- 200 млн. жуфт пайпօқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни тузиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Экспортчи корхоналар сони 260 дан ошди. Умумий экспорт ҳажмида юқори қўшимча қийматга эга товарлар улуши 32,2 фоизни ташкил қилмоқда ва бу кўрсаткич мунтазам ўсмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари Европа Иттифоқи мамлакатлари, Хитой, Россия, Туркия, Қозогистон каби дунёning 50 дан ортиқ давлатига экспорт қилинмоқда.

Мамлакатимизда тўқимачилик саноати алоҳида ўринга эга бўлганлиги боис, республикамиз экспортида устувор мавқени эгаллайди. Хусусан, 1991 йилдаги кўрсаткичлар билан ўтган йилдагиси таққослансанса, четта маҳсулот жўнатиш 140 маротабага ўсганлиги ва бултур экспорт микдори бир миллиард АҚШ долларни ташкил этганлиги кўзга ташланади.

Истиқлол йилларида енгил саноат мамлакатимиз макроиқтисодиёт комплексида муносиб ўрин эгаллади. Тармоққа киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 2 миллиард 500 миллион долларни ташкил этиб, пировардида уч юзга яқин йирик инвестиция лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, “Янгуан Корпорэйшн”, “Текстиль Технологис Груп” (Жанубий Корея), “Индорама Корпорэйшн”, “Веригров” (Сингапур), “Ритер”, “Свисс Кэпитал” (Швейцария), “Тойота Цусё Корпорэйшн” (Япония) ва бошқа ўнлаб хорижий компаниялар юртимиз енгил саноати тармоғининг фаол иштирокчиларидир.

Республикада енгил саноат маҳсулотларининг асосий турларини экспорт ҳажми кўрсаткичларининг 2015-2019 йиллардаги кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, 2015 йилга нисбатан учта маҳсулот турлари бўйича ҳам 2019 йилга бориб ўсиш даражаси кузатилди. Тайёр газламалар экспорт ҳажми 2019 йил бўйича 51,6 млн.кв.метрни ташкил этган бўлса, тикув-трикотаж маҳсулотлари 83,8 млн.дона экспорт қилинган. Пайпօқ маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 1,5 млн.жуфт экспорт ҳажми камайишини кузатилган.

Хом ипак – 100 тонна

Экспорт – **4000 минг доллар**

Ипак газламаси – 1 250 минг кв.м.

Экспорт – **8 700 минг доллар**

2000 минг тонна хом ипакни 80 % кайта ишлаш хисобига – 20,0 млн.кв.м. ипакти газлама ишлаб чиқарилади.

140 млн. долларга тенг маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қарийб 80 % - 12 млн. долларга экспорт қилинади.
(бунгунги кунда ўтмача 23 млн. доллар)

Кўшимча – 1 250 та янги иш ўринлари ташкил қилинади.

28-расм. Пилла хомашёсини чукур кайта ишлаш ва тайёр ипакни газламалар ишлаб чиқариш хисобига корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириши⁷⁰

⁷⁰ www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Даъват статистика кўмитауси расмий веб-сайти маълумотлари.

Юқоридаги 28-расмда пилла хомашёсини чукур қайта ишлаш ва тайёр ипакли газламалар ишлаб чиқариш ҳисобига корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида маълумотлардан кўриш мумкинки, хом ипак 100 тонна экспорт қилиш мўлжалланган бўлиб шундан 4000 минг АҚШ доллари экспортдан келиши кутилмоқда, ипак газламаси – 1 250 минг кв.метрни ташкил қилган ҳолда, экспорт – 8 700 минг доллар келиши режалаштирилмоқда. 2000 минг тонна хом ипакни 80 % қайта ишлаш ҳисобига – 20,0 млн.кв.м. ипакли газлама ишлаб чиқарилади ва 140 млн. долларга тенг маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қарийб 80 % - 12 млн. долларга экспорт қилинади(буғунги кунда ўртача 23 млн. доллар). Қўшимча – 1 250 та янги иш ўринлари ташкил қилинади.

Ҳозирги кунда республикамизда етиштирилаётган пахта хомашёсини қайта ишлаш ҳажми истиқлоннинг дастлабки йилларидағига нисбатан 7 баробар ортгани бунинг яқол далилидир.

Буғунги кунда тайёрланган маҳсулотлар МДҲ ва Европа Иттифоқи ҳамда Лотин Америкаси давлатлари, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Эрон ва Истроил сингари анъанавий бозорлар билан бир қаторда Покистон, Грузия, Хорватия, Нигерия каби янги бозорларга ҳам етказиб берилмоқда.

“Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – САИТМЕ 2016” ва ўн учинчи маротаба ўтказилган “Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2016” халқаро кўргазмалари иштирокчиларининг таркиби кенглиги мазкур тадбирлар МДҲ ва Марказий Осиёдаги энг эътиборли экспозициялардан бирига айланганидан далолат берди. Жорий йилги кўргазмаларда Хитой, Жанубий Корея, АҚШ, Франция, Германия, Япония, Буюк Британия, Беларусь, Бельгия, Ҳиндистон, Италия, Нидерландия, Россия, Руминия, Туркия, Швейцария каби давлатларнинг 270 дан зиёд компаниялари ўзларининг замонавий технологиялари ҳамда маҳсулотларини намойиш этди.

Шу жойда таъкидлаш лозимки, пахта толасига қайта ишлов бериш ҳажмини фақат ички имкониятлар ҳисобига юкорида тавсия этилаётган миқдорга етказиш шарт эмас. Хусусан, бунда қўшни Қозогистон, Қиргизистон, Тожикистон ва Туркманистандан пахта толаси ва яриммаҳсулотлар келтиришни йўлга кўйиш мумкин. Айни вақтда, газлама ишлаб чиқаришни охирги цикли-пардозлашни республикадан ташқарида бевосита маҳсулот сотув бозорида (масалан, Россияда) кўшма корхоналар ташкил этиш орқали амалга ошириш мумкин. Бу борада сobiқ Иттифоқ давридан бой тажриба орттирилган бўлиб, уни айрим ўзгаришлар билан ҳозирда яна амалиётта тадбиқ этиш мумкин.

Шу билан бирга, республика Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кисқартириш вазирлиги қошида, иқтисодий ва соҳа мутахассислик йўналишлари ходимларини бирлаштирган илмий тадқиқот институтини тузиш ва минтақаларда унинг бўлимларини, тўқимачилик учун кадрлар тайёрловчи ихтисослашган касб-хунар коллежларини кўпайтириш лозим. Айни вақтда “Ўзтўқимачиликсаноат” Да доирасида замонавий технологиялар билан куроллантирилган мода ва дизайн марказини очиш тавсия этилади.

Қайта ишлаш саноатида ўтказилаётган ислоҳотлар даврида ихтисослашув жараёни ҳам такомиллашиб бориши шарт. Хусусан, ислоҳотлар якунида ишлаб чиқаришда предмет ихтисослашув даражасини кучайтириш ҳамда тўқимачилик саноати республиканинг халқаро меҳнат тақсимотида ихтисослашган соҳасига айланиши лозим. Айни вақтда тайёрланаётган ип калава 100 фоиз тайёр газлама даражасига етказилиши мақсаддага мувофиқ.

ХУЛОСА

Етакчи тармоклардан ҳисобланган саноат тармоги мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган тармоклардан биридир. Ушбу саноат тармогини янада ривожлантиришнинг имкониятлари кенглигини эътиборга олиб, тармоқнинг самарадорлигини янада ошириш, халқаро бозорларга мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат брендини бутун дунёга танитиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Саноат, айниқса унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал етишнинг калитидир. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоги, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта куришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақилликнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Саноат корхоналарини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишдан кутилаётган натижаларга назар соладиган бўлсак, узоқ муддатли истиқболга оид ривожланиш стратегияси амалга оширилиши натижасида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг узиши, ишлаб чиқариш кувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш амалга оширилади.

Жамият аъзоларига, корхонанинг стратегик ривожлантириш асосида аниқ мақсадларга эришиши тўғрисида маълумот бериш асосида ўз акцияларининг келгусида қандай мақсадларда ишлатилиши ва ундан олинадиган даромадлар бўйича маълумотларга эга бўладилар.

Мамлакатимиз саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш-сақлаш-қайта ишлаш ва экспортта чиқариш технологик занжирида маҳсулотларнинг ассортименти, сифати, истеъмол хусусиятлари ва бошқа жиҳатларини яхшилаш билан bogliq ташкилий-иктисодий, техник-технологик ва

ижтимоий характердаги тадбирларни тизимли йўлга қўйиш билан бирга энг асосий омиллардан бири сифатида ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш, ресурс тежовчи технологияларни қўллаш эвазига маҳсулотлар таннархини арzonлаштириш имкониятларини кидириб топишdir.

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификация қилишни, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида экспорт таркибида сезиларли ўзгаришга эришилди.

Саноат корхоналарини ривожланиш тенденциясини таҳлиллари натижаларига кўра қатор ижобий натижаларга эришилди, жумладан:

- саноат маҳсулотларини маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хомашёни қайта ишлаш корхоналари, тайёрлаш ва савдо ташкилотлари ўртасида замонавий бозор муносабатларини кенг миқёсда жорий этилди;

- саноат корхоналарининг маҳсулотлари сотиладиган ички ва ташки бозорлари бўйича маркетинг тадқиқотлари ташкил этилди;

- хомашёларни чукур қайта ишлаш ва сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ички бозорларни маҳсулотлар билан тўлдириш ва экспорт микдорини кенгайтириш кенг йўлга қўйилди;

- маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаш жаҳонда қабул қилинган замонавий сифатни баҳолаш тизимига мослаштирилди;

- илгор халқаро тажрибаларни, замонавий инновацион технологияларни ҳар томонлама ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш, шу мақсадлар учун инвестициялар, биринчи навбатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишнинг самарали механизми жорий этилди;

- саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда ахборот хизмати кўрсатиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни тизими яратилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси қонуулари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон” 2019 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Экспорт назорати тўғрисида”ги Қонуни. 26.08.2004. www.lex.uz

3. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоаналар тўғрисида”ги Қонуни. Қонула ва қарорлар. Т.: Ўзбекистон, 2004. № 3

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини янада кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4707 сонли Қарори. 7 май 2020 йил. www.lex.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва сугурта ҳимояси механизmlарини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4337 сонли Қарори. 2019 йил 24 май. www.lex.uz

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва сугурта ҳимояси механизmlарини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4337 сонли Қарори. 2019 йил 25 май. www.lex.uz

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартағи ПФ-4707-сонли “Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПК-2687-сонли “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг хуқуқий- меъёрий хужжатлари

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Экспортни рагбатлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 373-сонли Қарори. 2019 йил 6 май. www.lex.uz

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

12. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

V. Асосий адабиётлар

21. Ортиков А.О. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: Иқтисодиёт, 2016. – 318 б.

22. Вахобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2011. – 480 б.

23. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.

24. Кантор Е.Л, и др. Экономика предприятий.Учебник. – СПб.: Питер, 2013. – 324 с.

25. Белых Л.П. Реструктуризация предприятия. Учебное пособие.– М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2010.

VI. Кўшимча адабиётлар

26. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2015, 208 б.

27. Панкрухин А.П. Маркетинг Гильдия маркетологов. — 3-е изд. — М.: Омега-Л, 2015. - 656 с.

28. Просветов Г.И. Экономика предприятия: задачи и решения. Учеб. практическое пособ. – М.: «Альфа-Пресс», 2011. – 560 с.

VII. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

29. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитаси маълумотлари.

30. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари.

31. “Халқ сўзи” газетасининг 2017-2019 йиллардаги сонлари.

VIII. Илмий мақола ва тезислар

32. Olimov M.K., Khotamov I.S. Negative impacts of coronavirus pandemic on industrial production in uzbekistan and measures to overcome. “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали. II сон. март-апрель, 2020. 266-272 http://journal.bfa.uz/maqola_BFA_Journal_Mahsus_Son.pdf

33. Khotamov, I.S. and Olimov, M. (2020) "MAIN DIRECTIONS OF DEVELOPING DIGITAL ECONOMY IN THE CONTEXT OF ENSURING THE ECONOMIC SECURITY OF COUNTRY," Economics and Innovative

Technologies: Vol. 2020 : No. 2. Available at:
<https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2020/iss2/2>

34. Khotamov, I.S. and Olimov, M. (2020) "MAIN DIRECTIONS OF DEVELOPING DIGITAL ECONOMY IN THE CONTEXT OF ENSURING THE ECONOMIC SECURITY OF COUNTRY," Economics and Innovative Technologies: Vol. 2020 : No. 2. Available at:
<https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2020/iss2/2>

35. Olimov M.K. Sanoat korxonalariga investitsiyalarni keng jalb etish orqali ishlab chiqarishni rivojlantirish istiqbollari. Ўзбекистон молия бозорини ривожлантиришда инвестиция фондларининг жозибадорлигини ошириш". Республика илмий-амалий конференция илмий мақола ва тезислари тўплами (2020 йил 29 апрел). – Т.: ТДИУ, 2020. 338-341.

IX. Интернет маълумотлари

36. Aleksandra P., Massimo T. Product diversification, relative specialisation and economic development: Import-export analysis.
<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0164070413001560>

37. Julie R. Manufacturing export diversification and regionalization of trade: Which destinations for newly exported goods?
<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2110701716301585>

38. Patrick N., Osakwe A., Paulino B., Dogan B. Trade dependence, liberalization, and exports diversification in developing countries.
<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2214851518300185>

39. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали.

40. <http://president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизматининг расмий веб-сайти.

41. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллый базаси.

42. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий веб-сайти.

43. <http://www.iza.uz> - Ўзбекистон миллый ахборот агентлиги расмий сайти

44. <http://www.iqtisodiyot.uz> - "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали

**И.С. ХОТАМОВ, А.А. ЯДГАРОВ,
М.К. ОЛИМОВ**

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

Мухаррир: Ф.Муҳаммадиева

Саҳифаловчи: А.Эргашев

Нашриёт лицензияси: АI №009 20.07.2018.

Босишига руҳсат этилди: 01.12.2020. Формат 60x84 1/16

Гарнитура Times. Офсет қозози. Ризограф босма усули

Шартли босма табоги 14,25, Нашр босма табоги 11,25

Адади 100 дона. Буюртма № У/20.01.12-2020

Гувохнома № 10-3719

“Тошкент кимё технология институти” босмахонасида чоп этилган.
Босмахона манзили: 100011, Тошкент ш., Навоий қўчаси, 32-үй.

